

БАЛОЙ НАФС

Владимир КУНИН



ХАЛКАР
БЕСТSELLER

ИЛЛИОНЛАР СЕВИБ ЎҚИГАН КИТОБ

N.	32850	2020/127
	2	A 62

Чукчя Валагумы
Баджин Иафу

T.	2020 - 1605
----	-------------

2020/127 - A 62



БАЛОЙИ НАФС

Владимир Кунийн

МИЛЛИОНЛАР СЕВИБ ҮҚИГАН КИТОБ



«YANGI KITOB»
TOSHKENT
2020



УУК: 821.161.1-31 —

КБК: 84(2Рус)

К 92

Рус агадиши.

К 92

Кунин, Владимир.

Балойи нафс [Матн]: қисса / В.Кунин. – Тошкент: Yangi kitob, 2020. – 160 б.

ISBN 978-9943-6328-0-6

УУК: 821.161.1-31

КБК: 84(2Рус)

Узоқ йиллар давомида энг кўп сотилган китоблардан бури саналмиш мазкур қиссада собиқ Иттифоқ даврининг фожиали ҳаёти кўрсатиб берилган. Ленинградлик Таня Зайцева мисолида енгилтак аёлларнинг қисмати, ўша даврда бошқа давлатларда оддий ҳолат саналган валюта айирбошлиш орқали қамалиб кетган инсонларнинг тақдиди, қоғозбозлиқ, ҳар бир гап-сўз, хатти-ҳаракатдан шубҳаланадиган ва ўз халқи вакилига ишонмайдиган куч ишлатар тизимнинг зулми, жонига қасд қилган она тимсоли ўқувчини қайғуга солади. Аммо аслида бу ҳам ўша даврдаги ҳақиқий ҳаётчалик даҳшатомуз эмас.

Русчадан Абдуҳамид Пардаев

таржимаси.

ISBN 978-9943-6328-0-6

© Владимир Кунин.

«Балойи нафс».

© «Yangi kitob» МЧЖ, 2020.

2020/127

Alisher Navoiy
nomidagi
Oʻzbekiston MK

▲62

N1 32850
191

БИРИНЧИ ҚИСМ

Ойдин ёз туни яримлаб қолганди. Мен кийиниб, афт-ангоримга оро бергач, меҳмонхонадан сирғалиб чиқишим, такси ёллаб, уйга етиб олишим, лоақал икки соатгина мизғиб, соат саккизда шифохонада ҳозир бўлишим керак.

Ҳали жуда эрта бўлгани учун очик дераза олдида оёғимда биргина туфлида турарканман, бамайлихотир сийнабандимни тақар эдим. Кийим-кечагу зеб-зийнатларсиз ҳам қадди-қоматим исталган қимсанинг кўзига олов бўлиб кўринишии билганим учун унинг ҳирс билан қараётганига ишончим комил эди.

Ўзим ҳам кечки пайт эркакларга ушандай қараганим билан эрталаб иложи бўлса уларни кўрмасам дердим. Шошилмай кийиниш эса мен учун одат бўлиб қолганди.

Меҳмонхонанинг тўққизинчи қаватидан Нева дарёси бўйлаб сузиб бораётган сап-сариқ қум ортилган юк кемаси ва шатакчи кемага кўзим тушди. Шатакчи кема баланд кўтарилган Литей кўприги тагига сирғалиб кираркан, моторининг овози элас-элас қулокқа чалинар, юк кемасидан қайсиdir эски фильмнинг мусиқаси янграрди. Бироқ ҳар қанча уринганим билан қайси фильм эканини эслай олмадим.

– Сени яхши кўраман, Таня, – ортимда унинг овози янгради.

У бизнинг тилимизда бинойидек гапиради. Ҳатто рус тилини билгани учун фирмасида қўшимча ҳақ оларди.

– Мен ҳам сени яхши кўраман, – дедим ўтирилмасдан. У тобора узоқлашиб бораётган юк кемасидан келайётган мусиқани тинглашимга халақит бераётганди.

– Сенга уйланмоқчиман, – тантанавор хитоб қилди у.

Ҳа, жин урсин-а! Наҳотки ҳаммаси барҳам топса! Наҳотки ҳаммасига чек қўйилади?!

Илкис унга ўтирилдим. У ҳамон меҳмонхонанинг энсиз каравотида талтайиб ётар, узокни куролмайдиган кўзларини қисганча, менга асабий тикиларди.

– Худога шукур-э! – Ҳатто кулиб юбордим. – Ниҳоят ёрилдингми?

– Нима дединг?

Унинг ёнига каравотга чўқдим-да, юзларини силадим:

– Никоҳдан ўтишимиз ростми?

У билан, умуман русча биладиган ажнабийларнинг ҳаммаси билан ҳамиша содда тилда сухбатлашишим хаёлимдан кечди. Бу ғайришуурий тарзда, беихтиёр рўй беради. Эҳтимол, мен билан муомала қилишларини енгиллаштириш учун ботинан шунга интиларман.

– Ростдан ҳам менга уйланмоқчимисан?

– Ҳа. – У бошини тиззамга қўйди. Унинг хиёлгина оқ оралаган соchlари майин ва сийрак эди. – Қарорим қатъийлигини ота-онамга ҳам айтдим.

Шу гапидан кейин жиiddий тортдим.

– Ростили айт?!

– Эркак кишининг гапи битта бўлади.

– Кейин сенинг юртингга жўнаб кетамизми?

– Агар сен хоҳлассанг, албатта.

«Хоҳласанг» дейишига бало борми! Нима учун бу ерда хор-зор бўлиб юришим керак? Улар бизларни тариқча ҳам тушунишмайди. Ҳатто ниҳоятда ақллилари ҳам.

Энганиш юзидан ўпдим. Оғзи ҳидланибди. Ўрнимдан туриб, оҳиста дедим:

– Бундан буён ҳаммаси сен хоҳлагандай бўлади. – Сўнг ювиниш хонасига йўналдим.

Ювиниш хонасида немисча бичимли кўйлагимни – бу кўйлак учун Кисуляга нақ беш юз санаб берганман – кийдим, атир-упаларимни сумкага жойлаб, лабларимни бўядим. Шу палла ювилмаганидан совун кўпиги қотиб қолган соқол чўткачага қўзим тушди. Бир ойдирки у билан биргаман, ҳар гал ювилмаган мана шу чўткачага қўзим тушади. Лекин шу пайтгача бу унинг иши деб келардим. Бугун эса... Чўткачани тозалаб ювдим, пахмоқ сочиққа артиб қуритдим ва кўзгу олдидағи ойна рафига қўйдим. Эҳтимол, айни шу чўткачадан тамомила янги ҳаётим бошлангандир...

Ювиниш хонасидан чиқиб, деразадан Невага назар ташладим. Бироқ қум ортилган юқ кемаси ғойиб бўлган – фақат дарё юзидаги билинар-билинмас мавжлар ҳозиргина кема ўтиб кетганидан далолат берарди.

– Мана беш юз крон. – Кўзойнаги устидан қарапкан, пулни узатди. – Ҳар доимгидай. Доллар ҳисобида оламан десанг, озгина камроқ бўлади. Бизларда долларнинг қиймати пасайгани сабаб бунинг сенга ҳеч қандай фойдаси йўқ.

Олсаммикан-олмасаммикан?.. Бошимга ураманми беш юз кронни. Қўлимни сўраб турган йигитдан пул оламанми?! Кўнглимдагини унга айтдим:

– Пулингни ҳамёningга солиб қўй. Ҳаммасига чек қўяман. Бундан буён номинг қандай бўлишини биласанми? «Ҳақ тўламайдиган мижоз».

Ҳеч вақо тушунмагани афт-ангоридан күриниб туарди.

– Бизда хотинлар бундай... ишлар учун эрларидан пул олишмайды, – тушунтиридим миллий қадриятларимиз билан беихтиёр мағурланиб. – Уят ҳисобланади.

– Жуда тұғри. Гарчи хотин ҳамиша бебақо бұлса ҳам, – шундай деб у пулни ҳамёнига солиб қуиди.

Нима бұлғанда ҳам бу жин ургур ажнабийлар үтә мuloқазакор ва ҳүшёр бұладилар. Бизниklардан худо арасын. Буларнинг барчаси менга ёқади ҳам, ёқмайди ҳам, деб айтолжайман.

– Лоақал сенга аталған нарсаларимни ола кетсанг бұларди, – «Берёзка» дүкөнидан мен учун нималардир харид қылганини пайқадим.

Соатимга қараб, таваккал қымаганим маъқул деган фикрга келдим. «Исковуч»ларнинг құлиға тушиб қолсам, бу лаш-лушларни топиб олишса, қаердан, қандай йүл билан «топганим»га аниқлик киритгунларига қадар ишга кечикишим шубҳасиз.

– Керакмас. Яхиси үзинг олиб борарсан. Келишдикми?

– Келишдик, – рози бұлди у. – Биз ҳақда сенинг онанг, албатта, айтиши керак.

Русчада рисоладагидай гапира олмаслиги ғашимни келтириб, кулиб юбордим.

– Албатта, айтаман! Чао! – бурнидан үпдим-да, эшикка йұналдим. – Үзинг асрагайсан, э Худо!

Эндиликда бизларнинг «Интурист»ларда ҳам қаваттарда навбатчилар йүқ. Чет эллардагидай қилиб қүйишган. Мекмонхонанинг катта оқсочини лифтнинг ёнгинасига үтқазиб қўйишга ким ҳам монелик кўрстарди? Ҳеч ким.

Мана, қимматли онахонимиз Анна Матвеевна столда бамайлихотир ўтирибдилар. Элликталикка бемалол ярайдиган ҳоли бор. Лаб-лунжини бүяб-бежаб ташланган, сочини лайлакуя қилиб турмаклаб олганига нима дейсиз.

– Салом, Анна Матвеевна.

– Таня, жонгинам! – нақ туқсан онангнинг ўзгинаси.

Лифтнинг тутмачасини босиб, битта ўнталик билан битта французларнинг лаб бўёғидан қистирдим. Анна Матвеевна кўзларини пирпиратди:

– Жуда қўлинг очиқ-да, Таняхон! Нима дейишга ҳам ҳайронман...

Лекин шу пайт лифт келиб қолди. Қўлимни силкиб, лип этиб лифтга чиқдим.

Лифтнинг кўзгусига тикилганча унинг ютида хотини сифатида одамларнинг кўзига қандай кўринишими тасаввур қиларканман, токи пастга тушганимча Анна Матвеевна (шунаقا ҳам пасткаш бўласанми, ахир) телефон орқали...

Шунинг учун лифтда биринчи қаватга тушишим биланоқ қўлга олишди. Шу қадар жигибийрон бўлдимки, ҳатто туфлаб юбордим.

– Туф-э, – дедим. – Бу яна нима бемаънилик, Женя?!

Свитер устидан чарм камзул кийиб олган Женя эса фақат эснайди. Унга яқиндагина лейтенантлик узвонини беришди. Шўрлик кичик лейтенантлигича ўтиб кетадими дегандик.

– Балки, қўйиб юборарсан-а, Женя?

– Нималар деяпсан, Зайцева! Юр, юр. Сенсиз зерикаб қоламиз ахир...

Буларнинг ундовига юрмай ҳам кўр-чи?!

– Анна Матвеевна сотдими? – сўрайман.

– Сени таний олмаяпман, Таня, – ранжиди Женя. – Ахир тажрибали бүлсанг. Олдингга тушадигани йўқ. Яна сўраганинг нимаси?

Меҳмонхона йўлаклари оралаб ўтиб борамиз. Юмшоқ ўриндиқлар, лакланган тахталар, қадам сайин кулдонлар – хоҳлаганингча чекавер! Бутунлай бошқа олам! Меҳмонхона тарашадай қотиб ухлаётгандай. Аслида ҳамёningни кенг очиб қўйишинг керак: «касаба уюшмамиз» ҳам ишляпти, маҳсус хизматдагиларнинг ҳам қулоги ҳамиша динг, ҳар хил қаланғи-қасанғи чайқовчилар ҳам оёғи куйган товуқдай питиллаб юришибди...

– Мен эса, Женя, турмушга чиқаяпман.

– Табриклаймиз. – Женя мени олдинга ўтказиб эшикни очади: – Киринг, Зайцева.

Ҳар гал алмисоқдан қолган столлару суюнчиғи ҳам йўқ стуллар, илма-тешик дивану яроқсиз сейфли мана шу хароба хонага кирганимда уни қандайдир милиция бўлимидан яхлитлигича сугириб олишгану замонавий қурилган ҳашаматли «Интурист» меҳмонхонасилининг қоқ ўртасига мажбурлаб тиқиб қўйишгандай туюлаверади. Ҳар гал бутунлай бошқа оламга тушиб қолгандай бўлавераман...

– Салом, – дедим хонадагиларнинг ҳаммасига.

– Касаба уюшмамизнинг энг сара аъзолари, – жилмайди менга Толя. – Мана энди жамоат жам. Ўтилинг, Татьяна Николаевна.

Толя – меҳмонхонамиздаги тезкор гуруҳнинг раҳбари. Милиция капитанига ўхшаса, ўлай агар. Бўйинбоғи билан камзулига қараб талабадан фарқлаб бўлмайди. Фақат кўзойнаги талаба эмаслигидан далолат беради. Ноёб кўзойнакки, асти қўяверасиз.

Хонанинг ўртасига «Т» шаклида иккита стол жойлашган. Бир томонда кўлга олинганлар учун девор

бүйлаб етти стул қўйилган. Биринчи стулда – ўкувчи Наташка. Ўта сурбет, тасқара. Бор-йўғи ўн еттида. Хунарини саккизинчи синфдан бошлаган. Ҳозир ўнинчиди. Афтига қараб бўлмайди. Эркакларнинг дидига ҳам қойил қолмадим. Сассиқ юз эллик марка учун дуч келган маст финнинг қўйнига кириб кетаверади...

Ундан кейинги стулларда аслзодалар! Уларнинг қадди-қомати шунчалар келишганки, Модалар уйининг кўргазмалар зали дейсан. «Вог». «Бурда». «Никкерман». «Квиллс». «Карден». «Пакен». «Нина Риччи» ...

Ҳар бир камзул – минг, бир ярим минг. Этиклар – олти юз, етти юз... Косметика: «Макс Фактор», «Шанель», «Кристиан Диор»... Булар қандайdir ипирискى ўкувчи Наташка эмас. Бизнинг касаба уюшма аъзолари. Интерқизлар. Валютага юрадиган фоҳишалар...

«Ҳатто балет соҳасида ҳам дунё миқёсида бизлар биринчимиз!»

Манави Зина Мелейко, лақаби – «Пржевальский бияси». Шунаقا мижозлар топадики, оғзинг ланг очилиб қолади. Итальянча гаплаша олади, фин тилини ҳам қийиб юборади. Шведча-русча сўзлашгич тузиб чиққанига нима дейсиз. Ўзимизнинг касб-хунарга мўлжаллаб тузган-да. Сафимизга янги қўшилганлар кўчириб олишган. Чоракта берсангиз, бас. Қиммат эмас. Унга фақат ичкилик ёқмайди – ўзини йўқотиб қўяди. Ҳозир ҳам кайфи тароқ...

Жонажон дугонам – Сима Гулливер. Волейбол бўйича спорт мастери бўлган. Жуда устаси фаранг! Исталган мижоздан ҳам юз доллар олмаса ҳисоб эмас. Камига юрмайди ҳам. Ўзига шунақанги оро берадики, кўз узолмайсан. Бош эмас – ғиж-ғиж ақл. Исталган нарсадан пул қила олади.

Нинка Кисуля. Күлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ, лекин ҳамиша ҳозиру нозир. Каллайи саҳардан чўмилгани боради, кейин теннис ўйнайди, фақат ишбилармонлар билан тушлик қиласди. Кечқурун эса иш. Инглизча, немисча, албатта финча билади. Ленинград шароитига мослашган-да. Кисуляни жуда ҳурмат қиласман. Гулливер билан бирга мени ёруғликка олиб чиқсан...

Столда – тўсиқнинг нариги томонида – «махсус хизмат» ходимлари. Бугун улар уч нафар. Ҳаммаси, албатта, фуқаро кийимида, кўринишлари чакки эмас. Мент формасида уларни фақат гувоҳномаларидағи суратларидағина қуриш мумкин. Улар билан ёшимиз ҳам баравар, йигирма тўртдан ўттизгача. Ҳаммаси олий маълумотли. Қайси бири дорилфунунни, бошқаси политехни, яна бири эса жисмоний тарбия институтини тугатган. Ва албатта, аллақандай милиция курсларини ҳам. Жуда ҳам тўғри қилишган-да! Улар погонларидағи юлдузчалар учун тўланадиган ҳақни ҳам ҳисобга олганда бир йўла икки юз йигирма сўмни қуртдай санаб олишади. Булар муҳандис ёки ўқитувчиларга ўхшаб бир юз қирқ сўм учун овора бўладиганлар хилидан эмас. Толя капитан бўлгани учун ҳатто икки юз тўқсон сўм олади. Кўп эмасу ҳар ҳолда йўқдан кўра бор-да. Ҳаммаси болали-чақали. Айримлариники, ҳатто иккитадан...

– Ўтира қолмайсизми, Татьяна Николаевна? Келган жойидан давом эттирамиз. – Толя қоғозни кўзойнагига жуда-жуда яқин келтирди. – Қаерга келган эдик? Ҳа, мана... «Мактабга қатнашга, ўнинчини битириб, тўлик ўрта маълумот олганим ҳақидаги гувоҳномали олишга сўз бераман...»

– Жинсий балоғатга етишга ҳам, – қўшиб қўйди Зина Мелейко. У ҳақиқатдан ҳам меъёридан ортиқ отиб олганди.

– Халақит бераяпсиз, Зинаида Васильевна, – Толя дакки берган бўлди-да, яна қоғозга юзланди: – «Бундан ташқари «Интурист» меҳмонхонасига ортиқ яқин йўла-маслик ва ортиқ фоҳишалик қилмаслик тўгрисида сўз бераман». Бу тушунтириш хатини бир ҳафта муқаддам ким ёзиб берганди, Наталья?

– Ким бўларди, мен-да? – ўқувчи сурбетларча шифт-га кўз югуртириди.

– Қачонгача тушунтириш хати ёзиш билан кутулмоқчи бўласан? Тушунтириш хатларингнинг ўзи бир жилд бўлади-я.

Наташка миқ этмади. Оғзига сақич солиб олиб, кавшагани-кавшаган. Гўрсўхтанинг ўзгинаси! Шу асно форма кийган икки мент муралади. Худудий бўлинмадан.

– Саломатмисиз, ўртоқ капитан. Биз келдик.

– Салом, – жавоб берди Толя. – Холда ўтира туринглар. Евгений Алексеевич, манави эрта етилган қизалоқ ишини ҳужжатлаштиринг. Унинг ашқол-дашқоллари ни кўздан кечирайлик-чи...

У Наташанинг паспортини очган эди, ичидан қандайдир қораялоқнинг сурати тушди.

– Ким бу?

– Кампучиялик дўстим, – ҳамон сақич чайнаётган ўқувчи жонланди. – У тинчлик учун курашчилардан. Суратининг орқасида дастхати ҳам бор.

– Унинг хонасида сен ҳам тинчлик учун курашдингми?

– Ҳа-да.

Одатда маҳсус хизмат ходимлари бирортамиз билан жиддий шугулланар экан, дамимиз ичимизга тушиб кетади – улар билан бизларни столлар ажратиб туради.

Бироқ айни ҳозир ҳатто қувондик ҳам. Ҳа, лаънати суюқоёқ!..

Толя Наташканинг лаш-лушларини титкиларкан, бир қути «Ротманс» сигаретасини оча бошлади. Сигараларни түкиб ташлади-да, зар қоғоз билан қути оралиғидан яхлит юзталик фин маркасини топди. Вой лақма-ей! Ким ҳам шунаقا жойга беркитади?! Нұноқ-вачча!

– Илгарилари ёнингдан эллик маркадан зиёд чиқмасди, бу гал нақ юзталик, – ҳайратланды Толя.

– Ҳамма нарсанинг нархи ошаяпти, – Наташка сақични пулфаб шиширди.

– Бир пулга қиммат мишиқи, – нафратланиб деди Зина.

– Зинаида Васильевна! – Толя күзойнаги устидан Зинага яна бир марта қаради-да, үкувчидан сүради: – Кампучияліклар қачондан бошлаб фин маркаси билан ҳақ тұлайдыған бўлиб қолдилар?

– Бу маркани топиб олдим.

– Омади келганини қаранглар-а. Қаердан топдинг?

– Лифтда.

– Сени күлга олишганда топилмани давлат ҳисобига топшириш учун ўз оёгинг билан келаётган эдинг-а?

– Албатта-да.

Шу ўринда нафақат хизматчилар, ҳатто бизлар ҳам кулиб юбордик. Женя тилга кирди:

– «Пионерская правда» («Кашшофлар ҳақиқати») газетасида: «Виждонли қызлар шундай қиласылар» сарлавҳаси остида мақола беришади. Мазмуні: «Унинчи «Б» синфининг үкувчиси...

– Худди шундай, – құшимча қилди Зинка.

– «... юз фин маркасини давлатта топширди. Бу маркани...»

– Кампучиялік таниқли тинчлик учун курашчининг шимидан топиб олғанды, – құшимча қилди Зинаида.

– Майнавозлик бас қилинсин, – Толя деярли шивирлаб гапирди ва ҳаммамизнинг этимиз жимирилаб кетди. Бироқ маст бўлгани учун Зинканинг парвойига ҳам келмади.

- Нимага энди? Ҳозиргина бошладик-ку!..
- Дарҳол тугатдик, – яна ҳам секинроқ деди Толя.
- Божхона тинтувини бошлаймиз. Чўнтаклардаги ва сумкалардаги нарсаларнинг ҳаммаси столга қўйилсин.

Ҳар доимги иш. Ҳеч ким ҳеч қачон каловланмайди. «Киборлар»га хос анжомларингнинг ҳаммасини – атирупалар, пуллар, камёб сигаретлару зажигалкаларни, ён дафтарча, ҳомиладорликка қарши воситалару доридармонлар, хушбуй дастрўмолчалар ҳамма-ҳаммасини чиқарасан... Аёл зотининг сумкасида нималар булмайди ахир! Камига бошдан-оёқ текширишади. Жиноий-қидирав хизмати ходимлари деган номи бор, ахир. Ёнингдан ҳатто доллар топиб олганларда ҳам осонгина қутулишинг мумкин. «Совфа қилишганди». Ёки она сути оғзидан кетмаган ўқувчи қиз каби: «Лифтда топиб олдим», – деб қўя қоласан. Мусодара қилишади, тамомвассалом.

Бироқ Зинка Мелейко кутилмаганда бош кўтариб қолди-ку. Ҳамиша тулкидай айёр бу аёл мастилигига бориб, хушёрликни қўлдан чиқарганди:

- Тинтуб қилишга рухсатнома қани?

Толя унга бир ўқрайди-да, деди:

– Михаил Михайлович, илтимос, Зинанда Васильевани яна бир тинтуб қилиб, соат ўн иккidan кейин маст ҳолатда «Интурист» меҳмонхонасида бўлгани сабабли милиция бўлимига топшириш учун ҳужжат тайёрланг...

Миша Зинага навбатдаги ҳужжатни тўлдиришга киришди:

- Қаерда ишлайсиз?
- Аввалги иш жойимда. Ленинград күпприк лойиҳалаш институтида.
- Ким бўлиб?
- Оддий ишчи.

Зинанинг ёнидан, қулоғидаги салкам уч минг сўм турадиган бриллиант зирақни ҳисобга олмаганда, нақ икки минг сўмлик ашёлар чиқди. Зинка жез тақинчоқлар тақиб, қадрини ерга урадиганлар хилидан эмас эди.

- Ойлик маошингиз?
- Тўқсон сўм.
- Оддий ишчининг қўли қанчалар узун бўлиб кетганини қаранг-а! – ҳайратланди Женя. – Зинаида Васильевна Мелейкога бир назар ташласа бас. Фаним тарғиботи бир пул бўладиу, бўхтон ёғдираётганларнинг овози учиб, аламидан сочини битталаб юлишга тушади.

Хонага милиционер мўралади.

- Машинани тутиб турибмиз, Анатолий Андреевич.
- Бўлди, бўлди. Манави иккитасини олинглар.
- Ва қонунсизликлар авж олиб кетди, – кайфи тарокъ ҳолда писанда қилди Зинка.
- Мабодо фоҳишаларга қарши қонун бўлганда, Зинаида Васильевна, бир неча йил олдин сизни керакли жойга тиқиб қўйган бўлардим, – астагина деди Толя.

– «Марсга ракеталар учираяпмиз, Енисейни тўсаяпмиз...» – хириллаганча қулди Зина. – Агар керак бўлганда ҳеч қандай қонун-понунсиз бизларни бир ёқли қилган бўлардингиз. Яна бутун мамлакатда. Бизлар эса ҳалигача ялла қилиб юрибмиз. Демак, сизларга керакли жойимиз бор!..

- Бизга мутлақо керак эмассизлар! – ғазабланди Миша. – Биз – жиноий қидирувнинг маҳсус хизмат ходимларимиз, вазифамиз мамлакатимиз меҳмонлари,

чет эл фуқароларининг мол-мулки, ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза этиш, бизлар эса иш вақтимизнинг ярмидан кўпини жиловлаб бўлмайдиган ҳунарларингизга сарфлашга мажбур бўлаяпмиз! Бу ҳам камдай, сизларга керакмиз, дейсизлар-а?!

– Сизларга керак бўлмасак, ҳамтовоқларингизга яраб қолармиз, – ҳамон тилини тиймасди Зинка. – Ёки яна кимларгадир.

– Кетдик, кетдик, – деди форма кийиб олган мент ҳадиксираётганини яшира олмай.

– Худди шундай. Чао, болакайлар. Эртагача. – Зинка сақич чайнаётган ўқувчи Наташканинг биқинига туртди: – Юр, юр, манжалақи. Оғзингни чапиллатишни бас қил, ифлос мишиқи.

– Фарқимиз ёшимиз ва нархимида, – ўқувчи қиз жилмайди-да, хайрлашув ҳисобига сақичини пуфлаб шиширди. Оғзидағи пуфак ёрилиши билан уларнинг кетидан эшик ҳам ёпилди.

Толя жойига чўкиб, Кисулянинг сумкасидан чиққан нарсаларни кўздан кечиришга киришди.

Женя менинг сумкамни тита бошлади, Миша бўлса Гулливернинг ихчам сумкачасига ёпишди.

– Қанча пулинг бор? – сўради Толя Кисуядан.

– Эсимда йўқ. Бир минг икки юз атрофида-ёв.

Гулливер билан кўз уриштириб олдик. Бундан чиқдики, Кисуля учтасидан юз доллардан ишлаб олган, боз устига «бирга-тўрт» ҳисобида алмаштиришга ҳам ултурган. Вой Кисуля тушмагур-ей! Жуда зўрсан-ку!

Толя хаёлимиздан кечганини уққандай деди:

– Жуда зўрсан-ку! Демак, уч мижознинг ҳар бирига юз доллардан хизмат кўрсатиб, бирга тўрт ҳисобида «кўқ»ини алмаштиргансан ҳам! Шундайми, Нина Петровна?

– Қанақа валюта, Анатолий Андреевич! Бу ҳалол совет пуллари, ахир. Квартиralарга ўғрилар тез-тез туша бошлаганидан буён қимматбаҳо нарсаларнинг ҳаммасини ёнимда олиб юришимга тұғри келаяпти.

– Күчаларда ҳам киссавурлар күпайганидан хабаринг йүқми? – сұради Миша.

– Үзим ўргилай сендан, Миша!.. Жамоат транспортлари хизматидан фойдаланмаслигимни биласан-ку, қолаверса ҳар хил давраларга аралашавермайман... Борйұқ йиққаным мана шу.

– Жамғарма банкда қанча? – қызықди Женя.

Кисулянинг қаердадир камида юз минг пули борлинини биз Сима Гулливер билан жуда яхши билардик. Бироқ Кисуля ҳам түяни ютса, думини күрсатмайдиган хилидан эди.

– Женя, қанақа ҳисоб рақами? Наҳотки мен шундай одамга үхшасам? Эски олифта эканимни ҳамма яхши билади, ахир – чиройли кийинишни яхши күраман, боз устига, жазманларим бор... Менда банкка құядиган пулнинг үзи йүқ. Жамғарма банкига пул қўйишим ҳақида қанақа гап булиши мумкин?

– Бунча презерватив нимага керак, Серафима Аркадьевна?

– Жуда керак-да! – узоқ сукут сақлаган Сима Гулливер күнглини бүшатиб олиш учун берилган имкониятдан унумли фойдаланишга уринди. – Мамлакатимиздан бошқа давлатларда СПИД тарқалаётганини эшитганмисиз, бу касаллик фақат анави... Нима десам экан? Кечирасизлар-у, жинсий алоқа орқали юқади. Шундан келиб чиққанда совет соғлиқни сақлаш соҳаси билан қадам-бақадам бораётганимиз аён бўлди. Навбатдаги суҳбатлар чоғида, Анатолий Андреевич, буни ўта жиiddий ҳисобга олишингизни илтимос қиласдим.

– Ҳукумат делегациялари таркибиға кирган чет элликлар бошини айлантирмаслик хусусида жиддий огоҳлантирганимиз эсингизда йўқми, Серафима Аркадьевна? – сўради Толя.

Бизларни яхшиликча қўйиб юборишларини шу асно англаб етдим.

– Мен ҳали ҳануз уларга тик қарай олмайман, Анатолий Андреевич! Эндиликда давлат даражасига мутлақо чиқаётганим йўқ, ҳукумат делегацияларининг барчаси ҳам мен учун сариқ чақалик қимматга эга эмас. Гарчи улар ҳам одам, ҳамма хислат уларга бегона бўлмаса-да...

– Аргентиналикларга бугун ким хизмат кўрсатди?

– Бўҳтон, Анатолий Андреевич, худо ҳаққи, бўҳтон. Аргентиналикларга ҳатто қайрилиб ҳам қараганим йўқ! Бирорта ҳам аргентиналикка рўпара бўлмадим! Уларнинг ҳатто яқинига ҳам йўламадим... – Бироз тин олгач, қўй оғзидан чўп олмаган беозордай сўради: – Анатолий Андреевич, улар ҳам бизларга яқинлашмаликлари учун нима қилсак экан-а?

– Олинг лаш-лушларингизни. Зайцевада нима гап, Евгений Алексеевич?

– Зайцева турмушга чиқаяпти, шу боис ҳаммаси жойида.

– Шунаقا... – дедим уларга. – Бу сизлар билан сўнгги олди-бердимиз, дўстлар.

– Пешонаси ярқираган куёв ким экан? – сўради Миша.

Мен кулимсирадим.

– Хизматдагилар ҳаммасини билиши шарт, Михаил Михайлович, – деди Толя.

– Эдвард Ларссон, дастурли манипульяторлар ишлаб чиқарувчи «Белитроник» фирмасининг вакили. «Инрибпром» халқаро кўргазмасида қатнашётган Шве-

ция вакиллари таркибида Ленинградга келган. Татьяна Николаевнани унга битта фирмада хизмат қиладиган Гюнвальд Рённ ҳадя этган. Танечканинг ўтган йилги бу мижози швед хотинига содик ва болаларига меҳрибон бўлгани учун эски қадрдони Танечкага уйлана олмади. Шуниси яхши бўлган экан, Татьяна Николаевна. Жаноб Ренн уччига чиққан ичувчи, Эдзард Ларссон – вазмин, хулқи яхши ва бўйдок, устига-устак, фирма доирасида хизмат мавқеи ортиши аниқ.

«Махсус»лар ҳам, бизларнинг қизлар ҳам оғзи қулоғига етиб, хандон ташлаб яйрашлари учун шу гап етмай турган экан... Қизлар билан ҳатто истироҳат боғида ҳам ҳиринглашдик, бироқ куттилмаганда феълим ўзгарди (баъзи-базида шундай бўлиб туради. Бирданига мўлжални йўқотиб қўуман, ва ўшанда бизникилар ҳам, чет элликлар ҳам битта номаълум нарсага қоришиб кетадилару ҳаммасига бефарқ бўлиб қоламан). Мана шундай изтироб ўтида неча марталаб ёнгандирман...

– Ё Раббим! – дедим мен. – Ҳаммангиздан безор бўлдим! Ҳаммангиз жонимдан тўйдириб юбордингиз!...

Ҳеч ким ишшаймади ҳам. Қабристондагидай осоишишталик.

Кудрявцев кўзойнагини олиб, артди-да, яна тақди. Секин, ғазабинн яширмай деди:

– Сизлар-чи, сизлар... Жонимиз ҳиққилдоғимизга келди! – У ёқамдан тутди. – Сенга ўхшаганларнинг нуқси уриб, ҳамма ёқни нас босиб кетди. Ихтиёр менда бўлгандами!..

Лекин шу пайт ўзини қўлга олиб, вазминлик билан буюрди:

– Евгений Алексеевич, марҳамат қилиб Татьяна Николаевнани кузатиб қўйсангиз. Бугун у сизнинг тасаруфингизда бўлди.

... Нимқоронғу йұлаклардан үтиб борамиз. Кутидан бир дона сигарет чиқарып олдым, үтөлдиргични тополмайман-да. Аъзойи баданим титраяпты... Женя гугурт чақди, туташтириб олдым. Эшиккача кузатиб чиқди.

Дорбон Петр Никанорович – истеъфодаги тұнғиз – Женяни күрди-ю, уйқучи күппак дивандан сакраб туриб, эшикни очгани югурди, абрах. Собиқ подполковник рұпарасидаги лейтенантваччанинг оёгини үпишга тайёр, күринди дегандан атрофида гирдикапалак бұлади. Үзи эса ҳар бир фоҳи shadedan мәхмөнхонага киригтани учун уч сүмдан беш сүмгача олади. Мәхмөнлардан ресторанга киришлари учун үн сүмдан олаверади.

Менга күзи тушиши билан гүё, бу қаердан пайдо бўлди, дегандай анқайиб қолди, ваҳоланки кеча кечкурун мендан беш сўм олиб, ҳамёнига урган эди, сассик лўттибоз.

– Хайр, Таня. – Женя нима учундир узр сурагандай бўлди.

Унга жавоб бермадим. Томоғимга нимадир тиқилиб қолди. Фақат имо қилдим-да, чиқиб кетдим...

Ҳеч нарса озодликка етмайди-да! Ҳаво мусаффо, муздақкина... Шаҳар... Шаҳарнинг тароватидан эсинг оғиб қолай дейди! Офтоб чиқиб улгурмаганига қарамасдан юқори қават ойналарида аланга ловуллайди. Эртакнинг ўзгинаси! Шу қадар гўзалки, таърифга сўз йўқ... Тош зинага чўнқайганча, йиглаб юборишим ҳеч гап эмас.

– Қаерга борасан?

Менга қария ҳайдовчи тикилар, нишабликда эса такси патилларди. Такси рақамига қарадим – тұрткынчи такси паркидан.

– Фан проспекти, йигирма саккиз, – дедим.

– Квартира?

– Аврагани бошқа бирор кимса топилиб қолар.

- Ўн сўм.
- Келишдик.
- Ўтири, кетдик.

Таксининг орқа ўринидигига жойлашдим ва йўлга тушдик.

Кетаяпмиз. Сумкамдан кўзгучамни, пахта, крем олиб, афтилни эпақага келтира бошладим. Ҳамиша уйга кириш олдидан юзимдаги бўёқларни артиб ташлайман. Бу мен учун эрталабки жисмоний тарбия машқларида гап. Гўё бир ҳолатдан тамомила бошқа ҳолатга ўтаман. Ойим ортиқча асабийлашмасин дейман-да. У-ку, албатта, ҳеч нарса демайди-я, лекин... Ҳар ҳолда ўз одамларингни аяганингга нима етсин.

– Гап бундай, – деди қўққисдан ҳайдовчи, – ўтган сменада «штатник»лардан бирини тўрут соат олиб юрдим. Павловскка ҳам, Пушкинга ҳам, эсимда йўқ, яна аллақаерларга бордик. Ҳамёнида ўзимизнидан камроқ экан, шунинг учун йўлкира ҳақини «кўки»да тўлади. Сенга керак эмасми? Уч сўмдан бераман.

– Вой лаънати илон-эй, – деган фикр хаёлимдан кечди! Пешонамга ёзиб қўйибдими?! Нима учун дабдурустдан доллар таклиф қилиб, боз устига бирон туки қилт ҳам этмайди-я?

Лекин мен сир бой бермадим:

– Мени маъзур тутасиз, бироқ нима ҳақда гапираётганингизни тушуна олмаяпман.

– Гапини қаранглар! – асабийлашди ҳайдовчи. – Ёш томошибинлар театрининг ўзгинаси-я!..

– Сиз мени кимгадир ўхшатаётган кўринасиз, ўрток, – дедим.

У яна ҳам асабийлашди.

– Қанақасига?! – деди. – Отнинг қашқасидай маълумсизлар-ку...

Шу пайт уйимизнинг олдига етиб келдик. Аниқроғи, бизнинг уйнинг эмас балки құшни – үттиз иккинчи уй олдига етиб келгандик.

Маҳалламизнинг ичкариси, барча янги туманларда бўлганидек, биноларнинг оралиғидаги йўлак жуда тор, машинада бундан нарига бориб бўлмайди, чунки йўл устида рефрижераторли улкан «Вольво» машинаси турарди. «Совтрансавто»га қарашли. Дарвоқе, булар ҳам ишнинг кўзини биладиган йигитлар. Чамаси, қандайдир узоқ ўлкаларга юк ташийдиган ҳайдовчи яшаса керак.

– Бу ёғига яёв кетаман, – дедим ҳайдовчига. – Такси-ни тўхтат.

Таксидан тушиб, ўриндиқقا ўн сўм ташладим (такси счетчиги уч сўм ҳам ёзмаганди), чет эл сигарасини олиб ўтолдиргични ёқдим-да, қари қарғага дедим:

– Ҳа-я! «Кўк» масаласида. Саксон саккизинчи модда, биринчи қисм. Мол-мулк мусодара қилинган ҳолда уч йилдан саккиз йилгача қамоқ жазоси!

– Кечиришингни илтимос қиласман.

– Мендан эмас, прокурордан кечирим сўрайсан.

– Сен қайси модда бўйича бу ҳунар билан шуғулла-наяпсан?

– Мен учун ҳеч қандай модда-подда йўқ. Бизнинг давлатимизда бундай ижтимоий воқеликнинг ўзи йўқ. Тушунарлими, бобой?

Қари кўпак кулиб:

– Балки телефонингни қолдиравсан?

– Тенг тенги билан деган гапни зшитганмисан, – дедим, – ўзимизнидан ҳам, кўкидан ҳам етказа олмайсан. Иштонсиз қоласан. Чао, бамбино. Сорри!

Уйга ошиқдим.

Квартирамиз ҳабашнинг қурсоғидай қоп-коронги. Оқ тунларда ҳамиша қалин парда тутамиз. Йўқса, ухлаб бўлмайди. Онамнинг каравотида ўтирибман-у унинг ўзини кўрмайман.

– Турмушга чиқаяпман, ойи... – шивирлайман мен.

– Худога шукур-эй. Кимга? – нима учундир онам ҳам шивирлаб сўради. У ҳали бутунлай уйғонганича йўқ. Бу овозидан сезилиб турибди.

– Эдикка. Эдвард Ларssonга.

– Анови дарозгами?

– Йўқ. Баланд бўйлиси Гюнт эди. Бу эса Эдик. Бир гал кетимдан келганди, эсингиздами?

– Ҳаммамиз бу квартирага қандай сифамиз?..

– Мен у билан бирга яшайман.

– Қаерда?

– Швецияда.

– Вой, худойим-эй! – нола қилди онам. – Мен-чи, мен?!

Каравот ёнидаги чироқни ёқди. Сочлари ҳўрпайган, озғин онам эски пижамада ўтиради. Қўлини иягининг тагида қовуштириб олган, нигоҳида шунақанги ҳасрат, шунақанги даҳшат...

Бирон дақиқа ҳам ухлай олмадим. Онам ўзини тутолмай, асабимни бузди. Мен учун нонушта ҳозирлай бошлади. Мен эгнимга уй халатимни ташлаб, унга нонушта ҳозирлашга киришдим, чойнак, гутуртни қулидан тортиб олдим.

Ошхонада тимирскиланамиз, гоҳ газ плитаси, гоҳ музхона, гоҳ раковина ёнида тўқнашиб қоламиз.

– Сиз умр бўйи нима қилдингиз! – қичқираман унга.

– Молдан фарқи йўқ эр билан, бир юз қирқ сўм маошни айтасизми?! Бир хонали кооператив квартираними?! Бунинг нимаси ҳаёт ахир?

– Институтни нима учун ташладинг, нима учун?! – киңкыради онам ва қизиб турган товага қулини күйдиреб олади.

Мен қулини ушлаб, совуқ сув остида тутиб турарканман, жағим тинмайди:

– Чунки ҳар куни эрталаб институтта трамвайды борарканман, вагондаги эълонни ўқир эдим; «Учинчи автобус парки... Ҳайдовчилар курси... Ўқиш – тұрт ой. Ўқиш тугаганидан кейин – уч юз сүм ва ундан ҳам күп маош берилади». Мен эса кейинчалик бир юз йигирма сүм маош олиш учун беш йил ўқишим керак бўларди. Институт балога гирифтор бўлмайдими?! Сиз институтда ўқиб нима топдингиз!

– Жуда кўп нарса! – онам қулини силтаб тортиб олди.
– Мен болаларни тарбиялаяпман, ўқитаяпман!

– Аксинча, болалар сизни ўқитиб, тарбиялашапти. Тарелкани жойига қўйинг, ҳаммасини ўзим қиласман!..

Сўнг (мен эгнимда қандайдир суратли майка ва жинси, онам эса қули дока билан боғланган, ўзини тартибга келтириб, хиёл тинчланган ҳолда) мўъжаз стол атрофида нонушта қилдик.

– Ўз уйим, ўз машинам бўлишини истайман!.. Дўконга кириб ўзимга керакли нарсаларни харид қилсам дейман, лаънати чайқовчилардан уч-тўрт баробар қимматига харид қилиш жонимга тегди!.. Дунёни кўрмоқчиман! Турли мамлакатларни ... Телевидениеда эмас, «Время» програмасида, «Киносаёҳатчилар клуби»да эмас. Телевизор орқали куракда турмайдиган бўхтонларни вайсайдиганларнинг ёлғонлари жонимга тегди, ўз кўзим билан кўриб, ўз қўлларим билан ушлаб кургим келаяпти... Телешарҳловчилар беш йиллаб ана шу давлатларга канадай ёпишиб оладилар-да, Иттифоққа қайтиб келганларидан кейин бутун дунёга овоза қил-

ганча зүр бериб қора чаплашга тушадилар. Мана шу сассиқ ошхонада ўтираверадиган бўлсам нимани ҳам кўра олардим! На Маргарет Тэтчер, на Софья Ковалевская, на Валентина Терешкова бўла олмадим... Бироқ мен ҳам инсонман ахир, ойи! Мени тўғри тушунинг. Мен – аёлман! Шундай экан, нима учун...

– Лекин, Танька!.. Она қизим! Бу ўзини бозорга солиш ахир...

– Тўппа-тўғри, – нихоят хотиржам дедим мен. – Жуда тўғри, ойи. Ким бугун ўзини бозорга солмаяпти? Ўз касбини, иқтидорини қимматроқ баҳода ўтказишга уринмаётган ким? Фазилатлари, афзалликлари учун ким мукофотдан бош тортмоқчи? Ёзувчи нашриёт билан савдолашади, рассом чизган суратларини сотади, ихтиричилар ихтиrolари учун тегишли улушларини албатта оладилар.

– Китоблар, ихтиrolар ва тасвирий санъат асарлари халқнинг баҳт-саодатига хизмат қиласди, ахир! Жисмонан ва руҳан камолоти учун...

– Мана. Мана! – ғазабландим мен. – Жуда баландпарвоз бўлиб кетганмиз – фақат халқ, ер курраси, ҳаттоқи фазо миқёсида фикрлашга кўнишиб қолганмиз! Осмони фалакдан ерга тушиш йўқ. Ёлғиз инсоннинг шахси билан қизиқадиган мард йўқ!

– Қайси инсоннинг?

– Ўша Эдвард Ларссон – ёлғиз швед муҳандиси билан-да. Менга уйланиш уни руҳан баҳтиёр қиласди экан (жисмоний томондан ҳам баҳти бутун бўлажагига қадим), нима, шунинг ўзи камлик қиласдими?

– Бироқ бунинг учун етти ёт бегона ўлкага боришинг шартми? Унинг ўзи кўчиб келақолсин. Кўнглимиз кенг бўлгач, жойнинг торлиги билинмайди, вақти-соати билан кенгроқ квартирага ҳам кўчиб ўтаверармиз.

– Ойи! Тасаввур қилинг-а, рассом узоқ йиллар тер түкиб, ажойиб санъат асари яратди-да, ниҳоят эътиборга олиб, муносиб баҳолайдилар, деган умид билан яшай бошлади. Ҳақиқатдан ҳам ана шундай кун келди: унга ҳатто халқаро кўргазмада қатнашиб, ўз асарини намойиш этишни таклиф қиласдилар. Онаси эса: Ҳеч қанақа кўргазмага бормайсан! Суратинг ошхонамиизда илиғлигича тураверсин!.. – деб туриб олди.

– Бунга сенинг нима дахлинг бор, ахир?!

– Нима фарқи бор, ойи! Менинг бирон кам жойим борми, жин урсин!!

Шу жойга келганда онам йиғлаб юборди. Мен соатга қарадим. Ишга шошилишим керак. Бироқ онамни шу алфозда қолдира олмасдим.

– Тинчланинг, ойижон. – Мен онамнинг қўлидан ўпдим, у эса беихтиёр бошимни силади. – Тинчланинг. Мен йилига бир неча марта сизни кўргани келиб турман. Чет элликка турмушга чиқсан қизларимизнинг ҳаммаси шундай қиласдилар. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, буларнинг ҳаммасига ҳали анча бор.

Соатга яна бир назар ташлаб, ўрнимдан турдим-да, елкамга оҳори кетган курткамни илдим ва катта қора сумкага алланарсаларни тиқа бошладим. Биринчидан, ишхонамда керак бўладиган айрим нарсаларни ола кетишим керак, ҳар ҳолда сурункасига бир кеча-кундуз ишлашимга тўғри келади, иккинчидан эса, йўл-йўлакай ажойиб бир жойга кириб чиқишига улгуришим лозим...

– Лекин лоақал уни севасанми? – Умид билан сўради онам. Кутилмагандо оёқ-қўлим мадорсизлангандай бўлдию, бор гапни айтиб қўя қолдим.

– Ёш боланинг гапини гапирасиз-э, ойи. Керак бўлса, яхши кўраман ҳам.

Бахтимга эшик құнғироғи жаранглаб қолди. Онам сапчиб туриб, эшикка йұналди.

– Үтираверинг, – дедим мен. – Үзим очаман. Лялька, шекилли.

Бу ҳақиқатдан ҳам онамнинг собиқ үқувчиси, құшнимиз Лялька эди. Үн саккиз ёшли бу қизалоқ нақ оловнинг үзгинаси! Үтган йили тиббиёт институтига кира олмагач, касалхонамизга фаррошликка жойлаб қўйган эдим.

– Салом... – деди Лялька менга табассум қилиб. – Шунақа ҳам бўладими? Аҳмоқ бўлиб бир соатдан бери кутаман-а...

– Ляличка! – хурсанд бўлди онам. – Салом, қизалоғим.

– Вой, кечирасиз, Алла Сергеевна. Хайрли тонг.

– Ойижон, биз кетдик.

– Шошмасанг-чи! – Онам тез хонага кириб чиқди-да, икки сўмни сумкамга тиқа бошлади. – Ма, ол.

– Пулим бор, ахир.

– Бир кеча-кундуз ишлайсан – одамга ўжшаб юришинг керак!

– Кераги йўқ, ойи...

– Бас қил! Ляляга ҳам ул-бул олиб берарсан.

– Хайр, Алла Сергеевна.

– Яхши қолинг, ойи...

Милиция бўлимига Лялька билан антеннаси ва радиотелефони бор аллақандай эски қора «Волга»да бордик. Машинадан тушмасимдан антиқа манзаранинг шоҳиди бўлдим – Зинка Мелейко кечагидек жанговор қиёфада, бир қарич пошнали туфлисида бир неча алвастилар билан ҳовли супурар, үқувчи қиз эса лиқилдоқ шотига чиқиб олганча биринчи қаватнинг баланд ойналарини юварди. Унга афтига қараб бўлмайдиган

бадбашара хотинлар ёрдам беришарди. Башаралари шишиб, мұмматалоқ бұлиб кетган. Бармогингни теккизсанг, бас, қулоқларидан вино отилиб чиқадигандай!

– Түхтат машинани, – дедим мен. – Қимирлама, Лялька, дамингни чиқарма. Бир дақиқа!

Сумкани олиб машинадан тушдим. Сумкадан свитер, жинси ва курткани олиб, Зинкага узатдим.

– Ұғирилсанг-чи! – қичқирди Зинка «німа қиларкин булар», дегандай тикилиб турған милиционарга.

Мент ерга туфлади-да, үғирилди. Зинка жинсини кийди, сұнг кофтасини ечиб – сийнабанди ҳам йүқ экан, үрнига свитерини кийиб олди. Фақат шундан кейингина юбкасини ечди. Ёнидаги алвастилар унга еб қүйгудек үқрайишиди. Зинка уларга кайрилиб ҳам қарамади-да, чека бошлади. Үкувчи қызы ҳам юргилаб келди, сигарета сүради. Сигарета үрнига құлимни бурнимнинг тәгига олиб бордим-да, диндак күрсатдим ва машинага қайтдим...

Касалхонага қайтиб келганимизда йирик пуллар орасидан беш сүмликни олиб, йүлкира ҳақини тұладым.

Лялька зинагача бегонадай жим келди, кейин эса сүради:

– Шунча пулинг бор экан, нима учун ойингдан икки сүм олдинг?

Лялькани жонимдан ортиқ кұраман! Күнглида тирноқча ҳам кири йүқ! Одам деган... Йүл-йүлакай елкасидан құчдим. У үзини олиб қочмоқчи бұлған эди, яна ҳам қаттиқроқ бағримга босдим:

– Лялька... ёнимда пулим борлигини, қанчалигини ва қандай йүл билан топилганини ойим билса, яхши бұлармиди? Шундайми?

– Йүқ.

– Мана шунақа. Ўзимизникиларни авайлашимиз керак.

Лялька тез жаҳлдан тушди-да, машинада бошлаган гапимизни давом эттириди:

– Танька! Бирон гал мени ҳам бирга олиб бор. Неча марта илтимос қилишим керак?!

Лялька билан қасалхона томон бораётган пайтимизда Нева соҳилидаги меҳмонхона олдида «Белитроник» фирмасининг олти вакили Стокгольмдан ҳайдаб келинган сариқ рангли кичик автобусга шоду хуррамлик билан жойлашдилар. Митти автобуснинг ёнига фирманинг номи, манзили, телекс рақами ёзиб қўйилган.

– Ким бутун автобусни бошқаради? – сўради Бенин.

Бир йил муқаддам мен билан дон олишган барзангি, афти ҳўрознинг тожидай қип-қизил Гюнвальд томоғига зўр берди:

– Бизларга бегона ва ғаним социализм шароитида қимматли ҳаётимизни кимга ҳам ишониб топширган бўлардик? Ута дадил, довюрак, жасоратлиман деб ким кўкрагини кера олади?

– Эдвард рулга ўтирсин! – Ҳайқирди ҳамма бирвара-кайига.

– Жуда тўғри! – Қичқирди Гюнвальд. – Рус...

У «фоҳишасига» сўзини айтишга улгурмади. Курткасининг орқасидан силтаб тортишган заҳоти ҳушёр тортди:

– Рус қизга уйланаётган йигитни ҳар қанча эъзозласак оз! Ҳатто кейинчалик ДХҚ ходимаси бўлиб чиқса ҳам!

Ҳамма бир овоздан яйраб кулди. Эдвард ҳам жилмайди, рулга ўтирди ва улар кўргазмада қатнашиш учун Басилевский оролига йўл олишди.

Мен эса аллақачон иш кунини бошлаб юборгандим.
Менинг учинчи оламим.

Бұлымимизда, телевизор устида электрон соат ишлаб турибди. Кундузлари ҳатто соатни күрсатувчи мілнинг силжишини ҳам пайқайдигандек сезаман үзимни. Дақиқани күрсатувчи мил-ку, назаримда чир айланадаёт-гандек түюлади.

Бұкса-уkol... Бұkса-уkol.. Бұkса...

– Э, шошмасанг-чи ... Укол олаверганингдан бұксандырра бұлиб кетибди. Кел, бу гал яхшиси ёнбошингга қила қолай. Бұксандырра ҳозир грелка құяман...

– Танечка! Сизни учинчи палатага чақиришаңты...
Дераза ёнидаги кампир...

– Бораяпман.

– Таня... Құлымдаги боғич яна намланиб қолди.

– Ҳеч қиси йўқ. Демак, йиринги оқяпти. Ҳозир алмаштираман...

– Жигилдоним шундай қайнайпти, Таня. Ҳеч нарса ёрдам бермаяпти. Сода яна ҳам баттар қилаяпти...

– Бурже билан мензуркани аралаштиргин-да, анча вақт ўтганидан кейин ич...

– Татьяна Николаевна! Саккизинчи палатадаги Велиховни рентгенга олиб бориш керак.

– Мана банка. Эрталаб, нонуштадан олдинги пешоб учун. Манави қутича эса учун. Мана бу томонига исми шарифингизни ёзасиз. Адаштириб юбормасликлари учун...

– Бунақа митти қутичага қанақа қилиб анақа қила-ман?

– Баъзи-баъзида мулоҳазакорлик билан иш тутсан-гиз, бунақа саволларга ҳожат қолмаган бўларди.

– Таня, биринчи палатадаги шол беморнинг кийимини ҳам, тұшагини ҳам алмаштириш керак. Жойини булғаб қўйди...

– Ҳаммаси тушунарли! Лялька! Бир сидра кийим ва чойшаб олиб, биринчи палатага мен билан юр. Ёрдам берасан.

– Қачон тушлик қиласман?

– Бироз сабр қылсанг, үлиб қолмайсан. Югур, кийим билан чойшаб олиб кел.

– Таня! Телефонга! Овози жуда ҳам ёқимли чет эллик йигит сўраяпти.

Шу пайт соат тұхтаб қолди. Соат миллари ҳам қотиб қолгандай эди.

– Лаббай! Эдик?

Мен кўргазмадаги швед бўлимида бир неча марта бўлиб, телефон ёнида ўтирганининг шоҳиди бўлганман.

Столда «Туборг»ли банка, қандайдир қофозлар, каталоглар. Ёнгинасидан ҳамкаслари Гюнвальд Рённ, Кеннет ва Бенни жой олишган. Шведча суҳбатлаш- ганларини тинглаганман, кўргазманинг бир қисмини кенг ойна орқали кўрганман, жиҳозлар кезаётган ленинградликларни кўздан кечирганман. Деярли барчанинг кўлида реклама ва рақалари ҳамда фирмаларнинг маҳсус ёрликлари...

– Таня, бу мен, Эдвардман. Биз тўғримизда онангга айтдингми?

– Албатта! Эшишиб боши осмонга етди!..

– Мен онангни кўришим керак.

– Шубҳасиз!

– Сени жонимдан ортиқ севаман, Таня. Бугун консульхонамизга кўнғироқ қилиб сизлар ва бизлар томондан қандай ҳужжатлар талаб қилинишини суриштираман.

- Жуда соз. Сени ўтиб қоламан.
- Раҳмат. – У жимиб қолди-да, оҳисга телефон гўшагини жойига кўйди.

Шу заҳоти соатнинг дақиқаларини кўрсатувчи миллари илдам айланади.

Соатни кўрсатувчи мили ҳам вазмин юра бошлади. Бир кеча-кундуз давом этадиган иш қуним яна бошланиб кетди.

– Беморлар, ҳарорат ўлчагичларни топширинглар. Иссиғинглар чиққани йўқми?

– Қани бўксангни ўғир-чи... Мана бу бошқа гап! Пахтани ушла, пахтани...

– Таня, ҳой Таня!.. Сен Йўғингда Иван Афанасьевич сурункасига уч кунгача инқиллаб, хонадагиларга уйқу бермади. Бугун куёвтуранинг ўзгинаси! Сени севиб қолибди. Шунаقا!..

– Анави лақманинг валдирашини қаранглар! Гаплагига қулоқ солма, Танечка...

– Мен ҳам сизни, Иван Афанасьевич, жуда яхши кўраман. Манави таблеткани... илиқ сув билан ичасиз. Бирон нарса бўлса, чақиринг. Хўпми?

– Ляля! Бу қанақа пол ювиш яна? Ҳаммасини бошкатдан ювасан! Бурчак-бурчакдаги супуриңдилар ҳам қолмасин. Туваклар нима учун пешоби билан турибди? Ҳаммасини олиб чиқ-да, совуни иссиқ сув билан тозалаб юв. Бунақада пала-партиш ишлашга ўрганиб қоласан.

– Э худойим-эй, лоақал бугунча тез ёрдамда ҳеч кимни келтиришмасин-да.

– Менинг арзанда касалмандларим ва соғайиб бораётганлар! Беш дақиқадан сўнг телевизорни ўчираман – ҳамма ухлайдиган вақт бўлди!

– Биз билан чойхўрлик қиласизми, Танюша?

- Албатта, Владимир Александрович! Палаталарда-
ги чироқларни үчириб чиқсам бўлди...
- Мана булар сизга, Таня...
- Анавини қаранглар-а! Бундай чиройли гуллар
қаердан келиб қолди!?
- Булар сизга. Ойим олиб келдилар.
- Раҳмат сенга, шунқорчам. Кел, юзингдан битта
ўпиб қўяй...
- Чойга келмайсанми, Таня!
- Бораяпман...

Ординаторхонасига кирганимда ҳамма одатдагидек мириқиб чойхўрлик қилишарди. Ихчам магнитафондан (Лялька навбатчиликка олиб келарди) Висоцкий-нинг бўғиқ овози оҳиста тараплар, ёш доктор Владимир Александрович, қўшни бўлимдаги ҳамшира Нинка, иккинчи фаррошимиз Мария Сергеевна дастурхон атрофига тўпланишганди.

Столда электр чойнак, карам солиб пиширилган пирог, коржиклар, икки сўм йигирма тийинлик колбаса, помидор-бодринг... Бир кеча-кундуз навбатчилик қиладиган ҳар бир одам, албатга, бирон егулик олиб келарди.

Ординатор хонасига киришим билан толиққаним сезилди: оёқ-қўлимдан дармон кетди. Бошимдан қалпогимни олиб, туфлимни ҳам ечдим-да ялангоёқ бўлиб олдим.

– «Дўкон»да ким қолди? – сўради Владимир Александрович.

– Ҳеч ким, – жеб берди Нинка. Ҳаммаси ухлаб бўлишди. Оғир касаллар йўқ.

Қора сумкани олиб ундан «Адвокат» тухумли ликери, бир неча кути «Данхил», «Ротマンс», «Палл-Малл» сигареталари ва иккита Швейцария шоколадини чиқардим.

– Тўй тўйдай бўлсин, болалар!.. – дедим-да, ўзимни топчанга ташладим.

Сергеевна шишани қўлига олиб сўради:

– Бу яна нимаси?

– Ширингина, эсингиздан чиқдими, Сергеевна? Таня илгари ҳам шунақасини олиб келганди. Тухумдан қилинган, – жавоб берди Нинка.

– Ростдан ҳам ширингина эди! – эслади Сергеевна.

– Буларнинг ҳаммасини қаёқдан олдинг, Танечка? – Қизиқсинди докторимиз.

– Иш жойимдан, – ёлғон гапиришга ҳам ҳолим қолмади.

– Бошқа жойда ҳам ишляпсанми? – ҳавас билан сўради Нинка.

– Қаерда?

– «Интурист»да. – Қарасам, менинг шишам давра бўйлаб айланяпти.

– У ерда ҳам ҳамширамисан?

– Шафқат ҳамшираси, – истеҳзо қилдим мен. – Ляль, сигарета тутатиб, чой қўйгин. Кеча тунда ҳам ухламаганим кучини кўрсатаяпти...

– Қани оламизми? – Сергеевна «Адвокат» тўлатилган стаканни қўлга олди.

– Тань, балки бир қултум ичарсан?

– Таня ичмайди-ку, Сергеевна! Неча марта айтиш кепрак ахир? – зарда қилди Лялька.

– Ҳамма яхшиликлар учун, – Сергеевна бир кутаришда ярим стакан ичиб юборди.

– Одамларнинг омади юришганини қарасанг-чи, – стаканни бушатди Нинка. – Татьяна нима учун уч кун ўтмагунча навбатчиликка чиқмайди, дегандим-а?

– Балиқ ҳам сувнинг теранроқ жойини қидиради... – Сергеевна стаканда қолганини ҳам сипқориб қуяқолди.

– Устидан ул-бул газак қилинг, Сергеевна! – қатъий деди Владимир Александрович. – Йўқса эрталабгача ета олмайсиз. – У қўлимдаги сигаретанинг ўти ўчиб қолганини кўриб, зажигалкани ўт олдириди.

– Ёқдими? – дедим зажигалкани қизиқиб кўздан ке-чираётганини кўриб.

– Жуда.

– Олақол.

– Қўйсанг-чи!

– Ол. Олавер. Келишган йигитнинг нарсалари ҳам бежирим бўлиши керак. Уни «сен»лаётганимни ўзим ҳам пайқамабман – сизлар битта шоколадни баҳам кўринглар-да, иккинчисини Сергеевна олақолсин. Неварангиз учун, сумкангизга солиб кўйинг. Анави кучукнинг расми борини.

– Шундай қилганимиз маъқул, – Сергеевна шоколадни ирkit халатининг чўнтағига солди. – Жуда хотамтойсан-да, Татьяна.

Унинг бу гапи мойдай ёққанидан уйқум ҳам ўчиб кетди.

– Яна ким қолди? – дея алангладим. – Нинка, сигаретларнинг ҳаммасини олақол! Очилган қути қолса бас, эрталабгача етади.

– Танюша! Гап бўлиши мумкин эмас!..

– Сен эса, Лялька, сумкамдаги пакетни ол. Кийиб кўргин. Сенга тўғри келиши керак.

Лялька (сумкага қўлини солди, япон кроссовкасини олди. Ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Ёлғиз Сергеевна ҳеч нарсанинг фаҳмига бормаганди:

– Яхши шиппак экан. Унда оёқ терламайдими?

– «Шиппак?!» – Нинканинг тили аранг калимага келди. – Бу ахир! Бу...

– Шоҳона ҳадя, – ишшайди Владимир Александрович. Лялька – тарашадай қотиб қолган, кроссовкани кўкрагига босганича қилт этмай туарди.

– Туғилган кунинг билан, Лялька, – дедим мен ҳорғинги. – Чин дилдан табриклайман. Энг яхши тилакларнинг ҳаммасини изҳор этаман. Ва, албатта, бу йил институтга кириб олишингни тилайман.

– Вой, тұғри! Эртага ростдан ҳам туғилган куним!

– Бугун, – унинг гапини тұғриладим. – Кечаги кун ўтиб бўлди.

– Бунинг учун ичиш керак ахир! – Сергеевна шишина шахт билан қўлга олди.

Бироқ шу лаҳза ординатор хонасининг эшигига шифохонанинг ювилавериб оҳори кетиб қолган халатини елкасига ташлаб олган бемор пайдо бўлди.

– Кечирасизлар, – деди у чироқнинг ёруғидан кўзларини қисиб. – Иван Афанасьевич ўлиб қолган кўринади.

Устимиздан совуқ сув қўйгандай ҳушёр тортдик! Иван Афанасьевич билан анча шуғулланишимизга тұғри келди... Ҳамма уни нариги дунёдан тортиб олишга уринарди. Қария сал ўзига келгандай бўлди-да, яна ахволи оғирлашаверди. Иван Афанасьевич бизларни қолдириб, нариги дунёга кетса кетаверадиган. Шунда Володя Иван Афанасьевичнинг кўкрак қафасини яланғочлади-да, массаж қила кетди! Нихоят қариянинг тұхтай деб қолган юраги ура бошлади.

Нинка билан Володяга қўр мушукчалардай үралашиб ёрдамлашган бўламиз. Ҳа, деган туюга мадор деганларидаи Лялька ҳам ёнимизда шай туриби. Сергеевна бўлса атрофимиизда гирдикапалак бўлиб айланади.

Жарроҳлик хонасидан палатага йўл олдик, ординатор хонасида туфлимни ечганим кўйи ялангоёқ одим-

лаганча каталка – араванинг ёнига ғилдиракли дори томчилагични итариб бораман. Нинка эса йўл-йўлакай кислород тўлатилган ёстиқни тұғрилайди. Владимир Александрович эса беморнинг томир уришини кузатиб бораётир. Ҳаммамизнинг уст-бошимиз қон, оғизбандларимиз – маскаларимиз эса бўйнимизда осилиб турибди. Атрофимиизда беморлар ҳаммаси қаловланиб ранги ўчиб кетган. Элчи бўлиб борган бемор ҳам уларнинг орасида турипти.

– «Ўлди», ўлди» эмиш. Оғзингдан чиқиб ёқангга ёпишсин, – дедим унга. – Ҳамма ўз палатасига кириб ётсин!

– Кечқурун кўришамизми, Танюша? – Юриб бораркан оҳиста сўрайди Владимир Александрович. – Танишимникига бориб, видео кўрардик...

Йигитнинг хўрози-да. Иссиққина инсон қонига қўлини ботирганига ҳеч қанча бўлмасидан мен билан кўнгилхушлик қилишни мўлжаллаяпти!

– Шу пайтгача қаерда эдинг, Вовик? – дея куламан-у, Иван Афанасьевичнинг томирига суқилган игнадан кўз узмайман. – Вақт ўтганидан кейин хинани... Эрга тегаяпман...

Саҳар бешда докторларнинг тавсияларига биноан дориларни беморларга эрталаб улашиш учун тақсимлашга киришдим. Лялька ҳовлиқиб келиб қолди. Партизанлар разведкага юборишгандай аланг-жаланг қиласи. Пинжимга кириб, шивирлай бошлади.

– Майли, – дедим. – Ўпкангни босиб ол. Бир оз кутишса, осмон узилиб тушмас.

Ўрнимдан туриб, Иван Афанасьевич ётган палата-га кирдим-да қиртишланмаган юқори лабига лейкопластир билан ёпиширилган кислород трубасини тұғрилаб, томчилагичдан дори томишини камайтирдим,

нафас олишини бироз эшитгач, палатадан чиқдим.
Йўл-йўлакай биринчи бўлимдаги Нинкага учрадим.

– Нинуля, меникиларга ҳам қараб тур. Ўн дақиқалик ишим чиқиб қолди.

Зинада Лялька кутиб турарди. Мушукдай муғомбир!

– Майлими сен билан бирга борсам?

– Дуррачангни тўғрила. Таъвиядан фарқинг йўғ-а.

Ховлига тушдик. Шифохонамиз отам замонида қурилган. Петербургга хос ғарибона торгина ҳовли. Ҳовлининг ўртасида эса эшиги очиқ зангори «Жигули». Башанг кийиниб олган Кисуля рулда ўтириб олганча приёмник мурватини бураётир. Ёнида Симка Гулливер. Лайлакниридай узун оёқларини узатганча, сигарета тутатмоқда.

– Салом, – дедим. – Қайси шамоллар учирди?

– Машинага ўтириб! Меҳмон бўласан! – Кисуля грузинча лахча билан жавоб берди-да, машинанинг орқа эшигини очди.

Машина жойлашдик-да, чека бошладик. Лялька Кисуля билан Гулливерга тикилиб қолди. Қизлар ҳурилиқонинг ўзгинаси. Бундай Ляльканинг ҳатто тушига ҳам кирмаган...

Кисуля Лялька томон сездирмай имлади. Мен уни тинчлантирдим:

– Ёш бўлгани билан, ўқитилган.

– Сафимизга қўшиб олсан ҳам бўлавераркан, – кулади Гулливер.

– Иштаҳанг чекки эмас-ку, – писанда қилдим. – Иш бўлдими?

– Қанақа иш... Бемаъниликтининг ўзгинаси, – қўл силтади Кисуля.

– Куруқ қолдим, демоқчимисан?

– Куруқ қолганим йўғ-а, – кулади Гулливер, – Айтсам ишонмайсан!.. Гена масхарабозга ўн беш сўм тиқиширдим. У эса мени бир барзанги рўпарасига ўтқазиб қўйди. Барваста. Елкадорлигини айтмайсанми! Турқидан от хуркади! Тунги учлар арафасида таксида уйимга олиб кетарканман, аёлларни хушламайман, фақат йигитларни яхши кўраман, деб қолса бўладими! Биронта йигит топиб берсанг юз франк сеники, дейди. Шуниси етмай турганди ўзи, дедим! Уни қийин-қистовга ола кетдим: «Вой лаънати, баччавоз-эй! Ярим кунимнинг бошига етдинг... Ҳақини катта холанг тўлайдими!» Иккинчи таксопаркдаги Алексей Петрович бор-ку, танийсан, ичаги узилгудай қаҳ-қаҳ уради. Шундай куляяптики, ишқилиб бирон нарсага урилиб кетмайлик-да, деб хавфсирайман. Қисқаси, таксини орқага бурдик. Ана энди ҳисоблайвер, меҳмонхонага киришда беш сўм, гардеробга бир сўм, Генкага ўн беш, Алексей Петровичга чоракта. Ҳаммаси чиқим-да...

Лялька дами ичига тушиб кетганча, қулоғини динг қилиб ўтириби.

– Менинг олдимга нима учун келдинглар?

– Касаба уюшмамиздаги антиқа ҳолатни кўргимиз келиб қолди. Интерқизимиз давлатга қандай ўтказиб қўяётганини кўрмоқчи бўлдик.

– Ишдан бўш вақтларда, – кулади Гулливер.

– Уч кун оралатиб – покиза хизмат. Осойишталигини айтмайсанми.

– Ким учун «осойишта», – кулади Кисуля.

– Мен учун. Онам учун. «Махсус хизматдагиларга». Ҳаммага.

– Ҳамма жойнинг ҳам тошу тарозуси бор. Тўйингта атаб совға олиб келдик, Танюха.

– Ажнабийларга турмушга чикувчи қизлар учун маҳсус құлланма, – Симка шундай дер экан, икки буқланған варақни узатди.

Варақни очсам, аллақандай йүл-йүриқлар.

– Бу яна нима бўлди?

– Совет Иттифоқидан бутунлай жўнаб кетиш учун зарур маълумотномалар ва хужжатлар рўйхати. Уларни топшириш тартиби ва тегишли қарор қабул қилинадиган расмий муддат. **Ҳар** битта маълумотнома бўйича, тасаввур қиляпсанми? Қиттай хато қилдингми, тамом, ҳаммасини бошидан бошлайсан. Бўзчининг моккисидай юргутиришди-да...

– Хужжатларингни расмийлаштиришни камида уч иилга чўзиб юборишиди, Швецияни тушингда кўриб юраверасан! Ментлар бу йўриқномани қанчалар сир сақлашларини билсанг эди?

– Нима учун?

– Нима учун бўларди, чет элга чиқармаслик учун, галварс!

– Шундай демайсанми. Қаердан топа қолдила-ринг?

– Бу «кўк»нинг каромати, – кулди Гулливер.

– Сендан пул сўраяпмизми? Келишармиз. Дарвоқе, сенга мўйна ёқали пальто керак эмасми?

– Сенга минг доллар. Ёки москвалик ҳамкаслари-миз тили билан айтганда, таузенд грюник.

– Худога шукурки, валютам йўқ. Ўзимизники билан тўлай қолсам-чи?

– Тўрт минг берасан – пальто сеники.

– Онамга олсаммикан дегандим? Кишга пальтоси йўқ. Кўрсат-чи?

– Орқа ойна олдидаги халтада.

Мен ўгирилиб, халтани олдим-да, ичидан Норвегиянинг камёб мўйна пальтосини чиқардим. Лялька ҳатто оҳ тортиб юборди.

– Чиқ машинадан, – дедим унга. – Кийиб кўр-чи...

Лялька машинадан тушди. Унга мўйна пальтони узатдим. Пальтони халати устидан кийди-да, дуррасини бошидан олиб, соchlарини ёйиб юборди.

Пальтомисан пальто экан-да. Бироқ Лялька бу пальтода шунаقا кўзга яқин кўринардики, уччаламиз ҳам лол булиб қолдик...

– Қиз эмас, оғатижон! – ҳайратланиб деди Кисуля.

– Нонимизни яримта қилиши ҳеч гап эмас! – Ҳасад билан бош чайқади Гулливер.

– Қизалоқнинг бошини айлантиришларига йўл қўймайман, – дедим ва Лялькага қичқирдим: – Бўлди, бўлди, еч! Бундай камёб пальтолар кийишингга ҳали эрта.

Лялька пальтони истамайгина ечди-да, менга узатди. Пальтони халтага солдим ва Кисуляга юзландим.

– Олганим бўлсин. Бундан буён қачон қўлимга пул тушади, худо билади. Онамнинг эса қишлиқ пальтоси йўқ...

– Биз бирон нарса деяпмизми, – истехзоли илжайди Кисуля. – «Кўки»дан олиб келсанг бас – пальто сеники. Келишдикми?

– Келишдик, раҳмат, қизлар, – мен ҳам машинадан тушдим.

– Саломат бўл, – қочирим қилди Кисуля.

– Танъка! Йўриқномани йўқотма, – огоҳлантирди Гулливер. – Биринчи бандни синчиклаб ўқи. Ўша бандсиз сендан Баҳт уйида аризангни ҳам қабул қилишмайди. Шунинг учун Швеция консульхонасидан бошлаш керак...

Ушанда шведча гап-сўзларнинг ҳаммасини тушунганимда борми!

Эдик билан ўрта ёшлардаги, истараси иссиқ, чинакам гарб дипломати – бош консул рўпарасида ўтирас эканмиз, ўзимни кейинги йиллар азбаройи ихлос билан талпинаётган дунёнинг еттинчи осмонида ҳис этардим. Пастак стол атрофидаги юмшоқ чарм оромкурсиларда ҳузур қилиб ўтиарканмиз, қаймоқли хуштаъм қаҳва ичиб бежирим қадаҳлардан конъяк ҳўплардик. Консулнинг чехрасига тикилиб тўйиб бўлмасди.

Тунги овга киядиган «иш» жомакорларимни ақлим ишлаб қолиб киймаганим учун мамнун бўлдим: тоза каттоудан тўқ қизил спорт кўйлаги, оппоқ Америка «банан»и ҳамда «Пума» фирмасининг қордай оқ курткасида вазмин ва эътиборга молик одам бўлиб кўринардим. Афт-ангоримга ҳам енгилгина зеб берганман кўзойнагим ҳам хиёлгина қорайтирилган, қўлимда эса «Адида» фирмасининг алвон сумкаси бор эди.

– Шведча билмаслигингизни қаранг-а, – самими афсусланди консул.

– Бироқ буни тузатса бўлади! Тузатиш мумкин...

Унинг ўзи русчани мендан яхшироқ гапиради. Эдик билан суҳбат асносида беихтиёр ўз она тилида гапира бошлаганди, хайриҳоҳлик ва дикқат билан менга қараганини пайқадим. Гўё шведчани ростдан билмаслигимга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлаётганди.

Мен унга кулиб қўярканман, «нима деяпти» дегандай Эдикка саволомуз назар ташлайман. Лекин Эдик унинг гапларини таржима қилишга ошиқмасди. Консул эса менга жавобан кулиб қаарarkan, маълум бўлишича Эдикка шундай деган экан!

– Бўйдоқ ва руҳан соғломлигингизни тасдиқловчи хужжатни сизга бермасликка ҳаққим йўқ. Рус фуқаро-

си ажнабий билан никоҳдан ўтаётганида одатда шундай ҳужжат талаб қилинади. Бу масала билан котибим шуғулланяпти.

– Ташаккур, – миннатдорлик билан жилмайди Эдик.

– Лекин сизнинг ўрнингизда бўлганимда чуқурроқ ўйлаб кўрган бўлардим.

– Нимани ўйлаб кўришим керак? – кулди Эдик.

Консул лутфан менга қаҳва куйди ва ўз қўли билан кўпиртирилган қаймоқдан қўшди. Сўнг шведчалаб давом этди:

– Чунки, жаноб Ларsson, бу борада катта ва аччиқ тажрибам бор. Мен хизматим давомида юзлаб шундай маълумотномалар берганман.

– Зайцева хоним Россияда ким бўлганининг мен учун сариқ чақалик аҳамияти йўқ, Келгусида Швецияда мадам Ларсон бўлишигини аҳамиятга эга.

– Келгуси қисматингизни ҳозироқ айтиб беришим мумкин, – консул қадаҳимни тўлдириб конъяқ куйди. – Бундай никоҳдаги келин-куёвларнинг саксон фоизи чегарадан ўтишлари билан ёки чегарадан ўтганларидан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай ажрашиб кетадилар. Бундай суюқоёқларнинг талайгинаси фоҳишалик йўлига кириб, тунги кўнгилочар қаҳвахоналарига жойлашиб оладилар ёки Европа исловатхоналаридан бошпана топадилар. Бундай никоҳдагиларнинг йигирма фоизинигина ташкил этувчи хушқисматлар орасидан Зайцева хоним билан биргаликда жой олишингиз эҳтимоли ҳам йўқ эмас, албатта.

– Ҳаммаси менинг ўзимга боғлиқ, жаноб консул.

– Жуда оғир, – консул сигарета тутатди ва менга русчалаб деди: – Яна бир оз сабр қилинг. Маъзур тутасиз, хоним. Расмиятчилик...

Яна шведчалаб сайрай кетди:

– Ўйлаб кўринг, жаноб Ларссон, мұъжаз мамла-катимизни рус жамиятининг сарқитлари билан иф-лослантиришнинг нима ҳожати бор? Ё үзимизнинг муаммоларимиз камлик қиляптими? Мен бу гапларни Швециянинг Совет Иттифоқидаги расмий вакили си-фатида айтаётирман.

Қандайдир нохуш сұхбат бораёттганини зимдан ҳис этардим!... Лекин Эдик билан Консул шу қадар мұло-йимлик ва хайрихоҳлик билан суҳбатлашар эдиларки, бирон-бир шубҳага боришимнинг ҳеч бир ҳожати йўқ эди. Бундан қатъий назар кайфиятим бузилди... Эдик ўрнидан туриб, рус тилида салмоқлаб деди:

– Сиз билан, жаноб Консул, шахсан танишганимдан, шу билан бирга бўлажак хотинимни ҳам таништир-ганимдан бағоят мамнунман. Зарур ҳужжатни олиб, сизнинг қимматли вақтингизни ортиқ олмасам деган эдим.

– Ҳужжат тайёр бўлган бўлса керак, – консул русчаб шундай дер экан, менга кулиб қўйди-да, ёзув столи-даги тутмачани босди.

Шу заҳоти эшик очилиб, консулнинг тилла кўзойнак таққан илондай ингичка котибаси Эдик иккаламизга тегишли илк маълумотномани олиб кирди...

... Кўчага чиққанимизда Эдик елкамдан ушлаб ўзига ўтириди-да, кўзимга тик қараб сўради:

– Мени севасанми, Таня?

Айни палла бежиз бундай савол бермаёттганини ботинан ҳис этдим. Керакми-керак, тамом-вассалом! Ва деярли чин дилдан жавоб бердим:

– Албатта, Эдик... Жуда севаман!

У кўзойнагини олди, бахмал қийқим билан артди-да, яна тақди.

– Жуда соз. Шундай экан, кўрқадиган нарсанинг ўзи йўқ.

Бахт уйида ўттиз беш ёшлардаги олифталарча ўзига зеб берган, бармоқларига қўша-қўша Ереван заводининг тилла узукларини тақиб олган бир тасқара консулхонадан олган маълумотномамизни аризамизга тиркаб қўйди-да, Эдик иккаламизни паспортимизни қайтариб бераркан, менга қарамасдан деди:

- Кутиш муддати – уч ой.
- Нега энди? – сўради Эдик.
- Кейинчалик пушаймон қилмаслигингиз учун.

Ариза бергандан кейин ҳақиқатдан ҳам уч ой кутиш кераклигини йўриқномадан билиб олганим учун эътиroz билдирамадим, бироқ Эдик ҳайрон бўлиб қолди:

- Шунча узоқ кутиш керакми?

Эдик савол бергани билан тасқара менга жавоб берди. Ҳолбуки оғзимга талқон солиб олгандай миқ этмай турган эдим.

– Бизда, Совет Иттифоқида ҳамма тартибга амал қиласди, – деди у нўноқлик билан бўялган кўзларини менга тикиб.

Шундай қилгани маъқул-да. Жаноб Ларссон – чет эллик, мен эса «ўзиники». Пачакилашиб ўтирадими?

- Раҳмат! – қисқа қилдим мен. – Саломат бўлгайсиз.

Меҳмонхона ваннасида қора тўрсимон пайпогимни ва нафис жимжимадор белбоғчамни ечиб, авайлаб тахладим-да, ихчам сумкага солиб қўйдим. Жазира маисикда буларни кийиб юравермайсан-ку, ахир, Одатда овга чиққандагина шундай кийинишга тұтры келади. Мижозларнинг аксарияти шундай кийимларни ёқтирадилар. Нимасидир бўлса керак-да. Ҳирсни кўзғатса ҳам ажаб эмас.

Тезгина ювиндим-да, пахмоқ сочиқ билан артиндим, енгилгина кийиниб, афт-ангоримга оро берган бўлдим.

Упа-элигимни сумкачамга жойлаштирап эканман, Эдикнинг устараси совун кўпиги ёпишиб, ифлослигича ётганига яна кўзим тушди. Уни ювиб, пештахтага кўйдим-да, қичқирдим:

– Эдик! Ваннахонада лаш-лушларингни йиғиштиримаганмидинг?

– Ҳа. Ҳозир...

Хонамиз йиғиштирилмаган. Ўрин-тўшагимиз ҳам ёйилиб ётарди. Жомадонлар ҳамда сариқ чармдан тикилган йирик йўл сумкаси ҳозирлаб қўйилган. Яна битта спорт сумкаси эса каравотда ётарди.

Эдик ёлғиз ички кийимида мўъжаз стол ёнида ўтиради. Унинг олдида турли майда пуллар, хужжатлар, қандайдир қофозлар... Ленинграддаги сарф-харажатларни калькуляторда ҳисоблаб, ён дафтарчасига ёзиб қўйди.

– Эдик! Бўла қолсанг-чи! – ёлвордим мен.

– Бўлди, бўлди! – Эдик пул ва харажатларни ҳамёнига солди, калькуляторини нафис ғилофга солди ва ҳам масини стул суюнчиғига илиб қўйилган камзулининг чўнтакларига жойлади. – Бир дақиқа, Танечка...

У ваннахонага кириб кетди. Мен телефонни олиб онамга кўнғироқ қилдим.

– Ойи! Бу мен. Даствурхон тузаб туринг, биз тез етиб борамиз

– Эсингни еб қўйибсан! – қичқирди ойим. – Уйда ҳеч вақо йўқ!.. Бирон соат сабр қилсаларинг бозорга тушиб чиқардим...

– Ойи! Кўхна латифани биласизми? «Жора, балиқни қовур!» Балиқ қани? Э, қовуравермайсанми, балиқ то-пилади!» Қисқаси, сиз қовураверинг, балиқ бўлади.

Уйдан чиқманг, ҳаммасини ўзимиз олиб борамиз. Лялькани чақирсангиз күмаклашади, ҳар ҳолда бирон нарса ўйлаб топар. Нон билан қаҳва ҳам олиб келтириңг.

– Бунчалар шошишнинг нима ҳожати бор? Нега энди кундуз куни меҳмон кутиш керак?

– Нега? Чунки кўргазма тугади, улар эртага саҳар бешда машинада йўлга тушадилар, Эдик эса йўл олдинан тўйиб ухлаб олиши керак.

– Қанақа машинада? Тўғри Стокгольмга йўл олади-ларми?

– Бўлмасам-чи. Чао!

Лифтдан пастки гавжум холлга тушдик. Эдик спорт сумкасини қўлида ушлаб олган, менинг қўлим эса деярли бўш эди. Тушлик пайти бўлгани учун холлда юриб бўлмасди. Сайёҳлар музейлардан қайтаётгандилар, юкчилар зир югуришар, интуристнинг «айғоқчилари» аланглаб изгишар, фарцманлар айланишиб санқир эдилар...

Мен «махсус хизмат»даги – Толя ва Женя билан олисдан кўз уришириб олдим. Эдик дарбон Петр Никоновичдан такси чақиришни илтимос қилди. Истеъфодаги зобит нишаб йўлка бўйлаб югуриб кетди, такси тўхтатиб, тавозе билан қошимизга келди. Эдик унга бир доллар узатган эди, Петр Никонович биринчи йил хизмат қилаётган аскар боладай ялтоқланиб қулини чеккасига олиб борди. Биз таксига ўтириб жўнаб кетдик...

Яна ўттиз иккинчи уй олдида тушишга тўғри келди. Совавтотрансга қарашли баҳайбат Вольво рефрежератори билан йўлга кўндаланг қўйиб қўйилган, мутлақо ўтиб бўлмасди...

Эдик йўлкирани тўлагандан кейин яёв кетдик.

– «Вольво» жуда яхши машина, – деди Эдик. – Стокгольм портидан Мальмега борувчи йўл бизнинг уйимизни шундоқ ёнидан ўтади, бундай машиналар айнан ўша йўл бўйлаб қатнайдилар...

Мен мамнуният билан унинг қўлтиғидан олдим-да, «Вольво»га назар ташладим ва нима учундир унинг АВЕ 51-15 рақамини эслаб қолдим.

– Мамлакатларимиз яқиндан ҳамкорлик қилганлари соз-да. – Мен йирик қадам ташлаб бораётган Эдикдан орқада қолмасликка интилардим.

– Биз ҳам ўзимизга мос иқтисодий шартнома тузмаймизми?

– Жуда тўғри. Ўртамиизда ҳеч қандай тушунмовчилик бўлмаслиги керак.

– Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Хуллас... Икки кун аввал ойимга мўйна пальто харид қилгандим. Қишда кийиш учун. Ана шу пальтони ойимга сен берсанг. Ўз номингдан ҳадя сифатида...

– Лекин бу алдаш бўлади-ку. Бундай қилиш ярамайди... – деди ранжиганнамо Эдик.

– Гапингда жон бор. Бироқ пальтони мен бергудай бўлсам, яна ҳам ёмон бўлади. Ойим ҳар хил хаёлларга бориши аниқ.

– Бироқ бизларда ёз ойларида қишки кийимларни совға қилмайдилар.

– Сизларнинг тамойилингиз шундай. Бизда эса чанани қишига ёзда ҳозирлаб қўядилар. Бу кичкинагина ўзига хослигимиз. Қисқаси, шу масалада ёрдам бера оласанми?

Эдик ҳардам хаёл елка қисди. Айни шу лаҳза бизнинг йўлагимизга етиб келдик...

Онам учун илк халқаро қабул рисоладагидай үтганини айтиш керак.

Дастурхонда ҳамма нарса меъёрида, ҳаммаси бирбиридан мазали эди, ойим күтаринки кайфиятда гулгул очилиб, Швеция күргазмасининг ёрлиқларидан ёд олган нарсаларнинг ҳаммасини шоёни диққат билан эшитиб үтиради.

– Бизнинг «Белитроник» фирмамиз дастурлари манипуляторлар ишлаб чиқаради. Яқинда эса балиқ овловчи роботларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бундай роботни яратишда мен ҳам қатнашдим...

– Йўғ-э, анавини қаранг-а, – яйраб жилмайди ойим.

Биз Лялька билан ошхонада чекаётган эдик.

– Ҳа. Вазни бор-йўғи ўн беш килограмм. Робот қармоқни ўзи ташлаб, ипни ҳам ўзи тортади. Мабодо балиқ йирик ва кучли бўлса – қирқ килограммдан оғир бўлиши ҳам мумкин, робот уни чалғитиб, ўйнай бошлайди. Хуллас, балиқни шундай чарчатадики, кейин бир ҳамла билан қайиқقا чиқариб олади...

– Қизлар! Эшитаяпсизларми?! Ақлбовар қилмайди!..

Ойимнинг кўзларига қараб бундай роботни мутлақо тушунмаганини, зўриқишидан ўлгидаи толиққанини сездим.

– Томошани бошлаш фурсати келди, – шивирладим Лялькага. – Ҳаммасини тушундингми?

– Туя кўрдингми – йўқ. Үрага сичқон тушди...

– Унинг олдига бор. Бу ёққа тумшуғини тиқмаслиги учун тутиб тур. Эдик! – чакирдим мен. – Бир лаҳзага мумкинми?

– Маъзур тутасиз, – Эдик ойимга таъзим қилди-да, ошхонага, менинг олдимга келди. Пальто солинган ялтироқ халтани қўлига тутқаздим-да, дадилроқ бўл дегандай үпиб қўйдим:

– Бошла!

Эдик кўлида халта билан хонага кирди.

– Мұхтарама Алла...

– Сергеевна, – оҳиста кўмаклашдим унга.

– Ўзим биламан, – эътиroz билдириди у. – Мұхтарама Алла Сергеевна. Қаллиғимнинг онаси сифатида арзимас совғамни қабул қылсангиз.

– Бекор овора бўлибсиз, Эдик... – Ойим ўнгайсизланди ва ҳатто ўрнидан туриб кетди.

– Марҳамат, буюрсин. – Эдик халтани онамга тутқазди.

– Катта раҳмат, сиздан бағоят миннатдорман. Лекин, худо ҳаққи, бекор овора бўлибсиз.

– Вой, унинг ичидаги нима? – айёrona қичқирди Лялька.

– Сўраганинг нимаси? Олишга ёрдамлашиб юбор, нималигини кўрасизлар, – асабийлашдим мен.

Лялька пакетни кўз очиб юмгунча очди-да, ичидан мўйна пальтони чиқариб, қоққан бўлади-да, ойимнинг елкасига ташлади.

Ойимнинг эси оғиб қолаёзди. Лялька эса ҳайратдан қўзичноқдай ирғишларди.

– Катта раҳмат, Эдик. – Уни яна ўпидиб қўйдим.

Нима бўлганда ҳам ҳожатимни чиқарганди! Лекин бундай қарасам Эдикнинг ўзи ҳам ўта ҳаяжонланаётган эди. Бундан чўчиғандай бўлдим.

– Даҳшат-ку, – шивирлади у. – Бунчалар камёб пальтолигини билмаган эдим. Ўйлагандимки...

– Овозингни чиқарма, – имладим унга ва ойимга хитоб қилдим. – Ойижон! Қанчалар ярашди!.. Эдик сизга мосини қандай топти экан-а?! Нима кераклигини билгандай... Яшшавор, Эдик!

Менинг қотмагина ойим эса камёб норвег мүйна пальтосини – қирқ саккиз йиллик умри мобайнида бундай пальтони илк бор кийиб олганча, менга күз узмай тикилиб турарди. Сүңг асабий энтиқди-да, алам билан деди:

– Жинни бўлиб қолибсизлар. Ҳаммангизнинг эсингиз оғиб қолибди...

Орадан бир ой ўтиб, Торжковск бозоридан икки оғир сумка билан чиқиб таксилар турадиган жойга оҳиста одимлар эканман, рўпарамда «Мерседес» тўхтади-да, ундан «катта овни» мўлжаллаб башанг кийиниб олган Зинка Мелейко тушиб келди.

– «Қимматли ҳамшира Анюта келди ва оҳиста у тирик деди»... – хиргойи қылди менга Зинка. – Қаёқларда юрибсан, Танюша?

– Салом, Зинуля, – дедиму, зеҳн солиб қарасам Зинка аллақачон отиб олибди. – Бугун эртароқ бошлаб юборибсанми?

– Қўрқадиган жойим йўқ, Танка. Ҳаммаси жойида. Ҳозир мен учун ҳамма нарса мумкин.

– Кимни илинтирдинг? – шундай деб савол бердимда, рулда эллик ёшлардан ўтинқираф қолган итальянга кўзим тушди. Сочлари оппоқ, келишган, буюртма қилиб чақириб олингандай.

– Ўн кунга бир ярим мингга келишганмиз. Чакки эмас-а? Ўн кунда – бир ярим минг кўки муҳайё!

– Қойилман! – самимий ҳайратландим мен. – Сен қўймайсан!... «Maxsus хизмат»дагилар қаёқка қарайтилар?

– Ҳаммасидан ҳам ажабланарлиси – улар менга мутлақо эътибор бермаяптилар. Ҳаммани ушлайтилару,

менга тегаётгандар йўқ. Ҳатто алам қилар экан, – кулади Зинка.

– Чамаси, юқоридан кимдир уларнинг танобини тортиб қўйган қўринади.

– Мен ҳам шундай фикрдаман. У бизнинг Денгиз флотимиз билан етмиш миллионли қандайдир битим тузишни мўлжаллашяпти. Юқоридагилар маҳсус хизматдаги йигитларимизга кўриб-кўрмаганга олишни шама қилишган. У билан шартнома тузиш барбод бўлганидан кўра ана шу пуллар ҳисобига ленинградлик барча фоҳишалар билан ётиб чиққани маъқул, дейишганда. Сиёсий иқтисод деганлари шунаقا бўлади, Танька.

– Эҳтимол сенга ҳали орден ҳам беришар, – кулдим мен.

– Берганда қандоқ. Камини прокурор қўшади, дейдилару.

Итальян машинадан тушиб, менга енгил таъзим қилди-да, Зинкага ўз тилида нимадир деди.

– Сени бирон жойга олиб бориш керак эмасми, деб сўраяпти.

– Йўқ, раҳмат.

Зинка унга итальянчалаб ҳаммасини тушунтириди (бу тилда гапиришни қотириб қўяди-да ўзиям) ва менга юзланди:

– Танюха, менга қарагин... сени огоҳлантирмоқчи эканим, сал бўлмаса эсдан чиқаёзибди... «Бахт уйи»га ариза бердингларми?

– Сал кам бир ой бўлай деяпти...

– Ундай бўлса... – Зинка атрофга аланглаб, оҳиста гапира бошлади: – Билмадим, бу тўғрими-нотўғрими, ҳар эҳтимолга қарши-да... Никоҳдан ўтганлар учун қолган мана шу икки ой мобайнида токи Швецияда экан ундан имкон борича кўпроқ мактублар олишинг керак.

Ва ҳаммаси мұхаббат ҳақида булиши даркор! Шундай мактублар олишинг шарт! Қолаверса, тез-тез құнғироқ қилиб тур, «күки»дан қанча кетса ҳам парво қилма! Йүлига эмас, балки чинакамига севганинг учун турмушга чиқаётганингни исботлашинг керак. Токи бу ердагилар чет әлга қочиб қолиш учун найранг күрсатмоқчи бўляпти, деган хаёлга бормасинлар. Тушундингми?

– Тушундим. Мактубларни үқийдилар, телефон орқали суҳбатларимизни эса тинглайдилар, демоқчимисан? – Бу ҳақда илгари айрим тахминларни эшитгандим.

– Мен ҳеч нарсани ўйлаётганим йўқ, ҳеч нарса билмайман ҳам. Сенга ҳам ҳеч гап айтмадим. Балки буларнинг ҳаммаси бўлмаган гапдир. Бироқ ундаи бўлмасачи?...

– Раҳмат. Сен анавини шундай қилишга ундаи оласанми? – мен «Мерседес»да ўтирган итальянга ишора қилдим.

– Ким ҳам мени бу ердан чиқариб юборарди? – қўл силкиди Зинка. – Саксон саккизинчи модда бўйича бошдан охир ўтириб чиққаним эсингдан чиқдими? Аксига онам Псковда, жуда қариб қолган. Отам биринчи гуруҳ ногирони. Қизим уларнинг қарамогида, келаси йил мактабни тугатади... Қаёққа ҳам борардим?

– Наҳотки шундай қизинг бўлса?! – Тўғрисини айтганда жуда таажжубландим. – Худо ҳаққи, билганим йўқ, хаёлимга ҳам келмапти.

– Нима деб ўйлагандинг... – алам билан деди Зинка. – Ҳадемай қирққа чиқаман... Ҳамиша ёш кўриниш учун ҳаракат қиласман. Аслида... Қирқдан ошган аёл кимга ҳам керак?..

– Кўйсанг-чи, жуда обидийда қилиб юбординг-ку.

– Ростданми? Ҳа-я, Танюха... «Кўк»идан борми?

– Етти минг атрофида жамғарип қўйганман.

– Икки минг тириклик учун ол, бешини эса онангнинг номига банкка қўй. Бироқ ҳозирча билдирма. Сен жўнаб кетасан, лоақал у шўрликнинг банкда пули бўлсин. Кейин чет элдан унга телефон қиласан-да, қувонтирасан! Ҳозир эса миқ этма. Тўғри айтяпманми? Тамом-вассалом! Чао, Танюха!

– Раҳмат, Зинка. Раҳмат, жонгинам, – дея миннатдорчилик билдирап эканман қадди қомати келишган хушрӯй қизлардай (уни кўринишига қараб кўпи билан йигирма саккиз-уттиз ёшларда деса бўларди) тилла ранг «Мерседес» томон одимлашини, мижози эса фил суягидай оппоқ тишларини кўрсатиб, яйраб кулганича менга қўл силкиётганини кўраман.

Мен ҳам унга қўл силкиган бўлдим-да, харид қилган нарсаларимни аранг кўтариб, такси тўхташ жойига йўл олдим. Бу ерда навбатда турғанлар шунчалар кўп эдики, йўқ деганда бир соат кутишимга тўғри келарди...

Ўша куни ойимнинг синфида рўй берган воқеадан хабар топдим.

Ойим еттинчи синфга дарс ўтаркан, ўғил болалардан бири халақит бериб шўхлик қиласверган. Парта-сининг тагига автомобилларнинг батарейкаси билан кўрсатувчи митти телевизорини қўйиб, кўрсатувларни томоша қилган. Бошқалар ҳам табиийки, парта остидаги телевизорга қараш учун бўйин чўзишган.

– Юра Козлов! – деган ойим. – Менга халақит беряпсан. Синфдан чиқиб кет.

– Чиқмайман, – деб жавоб берган пинагини ҳам бузмасдан Козлов.

– Вой чапани мол-эй! – Ҳайратланишган ўғил болалар, қизлар эса ойимга қизиқсиниб тикилиб қолишган.

– Менга халақит беряпсан, – такрорлаган ойим.

- Сиз эса менга!
- Ундаң бұлса мен чиқиб кетаман! – Ойимнинг лаблари титрай бошлаган.
- Марҳамат, – ишшайған Козлов. – Ким сизни ушлаб турибди?

Йиғлаб юбормаслик учун ойим синфдан отилиб чиққан. Бүм-бүш мактаб йүлаклари бүйлаб директор хонасигача югуриб борган-да, эшикни очган.

Үттиз уч ёшлардаги навқирон мактаб директори бир соатига, бир онамга қараган-да, ажабланиб қошларини чимирган: бу яна нима ҳунар?

– Күнғироқ чалинмасдан бу ерда нима қилиб юрибсиз?

– Альберт Иванович, – йиғлагудай бұлиб деган ойим. – Бундан ортиқ чидай олмайман... Козлов дарс үтишимга имкон бермаяпты. Шунчалар құполки, Альберт Иванович! Бола эмас, бало!..

– Келганингиз яхши бұлды, Алла Сергеевна. Сизга одам юбормоқчи бұлиб турғандим.

– Қандайдыр чора құриш керак, Альберт Иванович. Сиздан үтінаман...

– Бизга хабар қилишди, Алла Сергеевна. – Директор ойимга ұтто үтиришни ҳам таклиф қилмаган. – Қизингиз чет элликка турмушга чиқмоқчи, боз устига, Ватанин тарқ этмоқчи бұлаётғанмиш? Бу бизни жиддий ташвишлантираяпти. Модомики, нон-туз берган ватанинга садоқат руҳида үз қизингизни тарбиялай олмаган экансиз, болаларни сизга ишониб топшира оламизми?

– Вой худойим-эй! – үзини йүқотиб қўйган ойим. – У севиб турмушга чиқяпти, ахир! Дарвоқе, фуқаролигини үзгартирмоқчи эмас. Совет фуқароси бўлган, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундайлигича қолади!

– Билмадим, билмадим.
– Қолаверса, биз бутунлай бошқа даврда яшаяпмиз, Альберт Иванович.

– Боланинг шахсини шакллантириш ишониб топширилган сиз билан биз сингари одамлар учун, Алла Сергеевна, қандай замонда яшашнинг аҳамияти йўқ.

Шу палла йўлакда қўнғироқ жаранглаган.

– Қанчалар даҳшат!.. – алам билан деган ойим.

...

Эндилиқда навбатчиликда швед тилини ўрганаяпман. Албатта, кечалари ҳамда бўлимда бирон қўнгилсизлик бўлмаган кезларда. Қандайдир қўлланмалар китоблар топдим. Ўтирган жойимда олдимга ёйиб сўзларни ёд оламан, алоҳида дафтарга кўчираман, шивирлаб такрорлайман, бир оз бўлса-да, таржима қиласман.

Лялька ёнимда ҳамиша ҳозиру нозир. Кириш имтиҳонларига тайёрланаяпти. Биздан хиёл нарида, топчандага қария Сергеевна мудрайди. Лялька узун эснайди-да, дарсликни тап этиб ёпади:

– Ҳеч вақо калламга кирмаяпти!..

– Ўқисанг-чи, галварс! – танбеҳ бераман унга. – Бу йил ҳам йиқилсанг... Ўқи! Мен ўқияпман-ку.

– Менинг ҳам сеникига ўшаган мақсадим бўлганида эди... – керишади Лялька.

– Аҳмок бўлма.

Ординатор хонасида телефон жиринглаганини эшийтдик. У хонадан навбатчи доктор Клавдия Михайловна чиқди-да, мени қўли билан имлаб чақира бошлиди. Унга пешваз юрдим.

– Ойинг қўнғироқ қиласяпти, – деди у.

Кўрқиб кетдим – тунги бир ярим ахир! Ординатор хонасига югуриб кириб, телефон гўшагига ёпишдим.

– Нима бўлди, ойи?

– Безовта қилаётганим учун узр, Танечка. Стокгольмдан Эдик күнғироқ қилиб, эртага кечки самолёт билан учиб келаётганини айтди. Үн күнлик саёҳат йулланмаси сотиб олибди, шу вақт ичидә никоҳдан ўтишга ҳам улгуар әкан.

– Жин урсин, жуда күркіб кетдим-а! Учиб келса, келавермайдими! Ўзингиз яхшимисиз?

– Ҳа, – деди ойим ва йиглаб юборди.

– Ойижоним! Сизга нима бўлди? Хоҳласангиз, ҳозироқ етиб бораман?

– Йўқ, йўқ, шунчаки чарчадим, шекилли. Сенинг овозингни эшитгим келди.

– Бирон нарса бўлдими, ойи?

– Ҳеч гап йўқ... Ишда арзимаган гап ўтганди. Козлов деган безори жонимдан тўйдириб юборди. Сенга айтган эдим-ку. Безорилик қиласи, ҳақоратлайди... Балонинг ўзгинаси. Ота-онаси бинойидай, бола эса – балойи қазо. Бунақада ўқув йили тугашигача сабрим чидамайди...

– Хафа бўлманг, ойижон. Бор-йўғи бир ҳафта қолди. Ўзингизни қўлга олинг. Қирқ томчи корвалол билан реалиум таблеткасидан ичиб олинг. Эртага эса Эдикни кутиб олгани борамиз. Келишдикми?

– Кечир, мени, Танечка... Дарду ҳасратимни сендан бўлак кимга ҳам айтардим.

– Ҳечқиси йўқ, ойи. Корвалолни топа оларсиз?

Тонг саҳарда учинчи аёллар палатасидан кимнингдир инқиллаган овози эштилди:

– Вой худойим-эй... Ёрдам берсаларинг-чи!.. Қизалотим-эй... Ҳеч ҳолим қолмади!

Овози шунчалар хазинки, юракни ўртаб юборадиган даражада... Ўша палата томон югурдим, остоңага етганимда рўпарамдан Клавдия Михайловна чиқди:

– Таня! Бу қарияга, Петроканскаяга кечаси укол қи-
линганиди?

– Бу менинг палатам эмас, Клавдия Михайловна...

– Дархол оғриқ қолдирадиган укол қилинсін! Нинка
қаёққа йүқолди? Жин урсин ҳаммангизни!

Нинанинг пости томон ошиқдим. Ер ёрилгану ютиб
юборгандай! Дори-дармонлар улашиладиган хонага
мұраладим. Қарасам, лаънати Нинка әрталабки укол
учун шприцларни тайёрлайпти. Турған жойида бүғиб
күя қолгим келди-ку!

– Нинка! Учинчи палатадаги Петроканскаяга кечаси
оғриқ қолдирадиган укол қылғанмидинг?

– Бұлмасам-чи! Үз вактида қылғанман.

– Қандай укол қылған әдінг?

Нинка әшик томон үтди-да, уни қаттиқ ёпғандан ке-
йин шивирлади:

– Танюшка, қандай укол қылғанимнинг нима аҳа-
мияти бор. Түридан гүри яқин. Бугун бұлмаса әртага...

Хозир үлдириб құяқоламан, деган фикр хаёлимдан
кечди. Бирок үзімни босдим. Секингина сүрадим:

– Кампирга тегишли оғриқ қолдирувчи гиёхванд до-
рини кимларга пуллаяпсан, қанжик?! Ампулалар қани?

– Таня...

– Морфий ампулалари қаерда деяпман, лаънати
қирчанғи?

– Мана, мана... – Нинка халати остини пайпаслаган
бұлды-да, қайсиdir чұнтагидан иккита ампула чиқарди.

Ампулаларни құлидан тортиб олдим-да, қайнаб тур-
ған стерлизатордан шприц ва игнани олгач, останада
унга үшқирдим:

– Үлікхонада ишлашинг керак, сен малъун!

Әрталаб жамғарма банкида бұлдым, янги жамғар-
ма даftарчасини очиб, күздан кечирдим: сони, ҳисоб

рақами, «Зайцева Алла Сергеевна», «кирим – 5000 рубль», имзо...

Жамғарма дафтарчасини сумкага жойладим-да, ойимнинг мактаби томон илдамлаб кетдим.

– Қани бери кел-чи, Эшшак! – дедим мактабнинг орқа томонида гумашталари даврасида унга рўпара келганимда.

Улар ошкора сигарета чекишар, атайлаб овозини дўриллатиб, олифталарга ўхшаб гаплашиб туришарди.

– Ким учун эшшак, ким учун эса Юрий Петрович, – деди-да, менга балоғатга етган эркак сингари назар ташлади ит эмган. Ҳатто бир оз ноқулай аҳволга тушгандай бўлдим.

Мен у билан шунчаки гаплашиб қўймоқчи эдим, холос. Ойимга нисбатан ёшим унга яқинроқ бўлгани учун тенгдошлардай гаплаша қоламиз, деган фикрга боргандим. Нимаки гапирсам, ҳаммасини тушунади, деб ўйлаган эдим-да.

– Майли, Юрий Петрович. Гаплашиб олишимиз керак.

– Чоракта, – истеҳзо қилди Козлов, гумашталари эса ҳай-ҳайлаб, уни куткилаган бўлдилар.

Бундай гапни неча марта эшитишимга тўғри келмаган дейсиз. «Чоракта», «чирик», «юзта», «юз эллик»... Бизларни ажнабийларга рўпара қиласидиган ресторан лўттибозларидан тортиб, меҳмонхона йўлакларида навбатчилик қиласидиган, фоҳишаларга хизмат кўрсатувчи такси ҳайдовчиларидан қайта-қайта эшитишимга тўғри келган. Бироқ ҳозир... Үн тўрт ёшли зумрашадан менга таниш луқмани эшитганимда қоним қайнаб кетди!..

– Жуда соз, – оҳиста дедим мен ва ҳамёнимдан чоракталик чиқардим. – Бери кел.

У олифталарча калондимоғлик билан ёнимга келди.

Мен секингина бир қўлим билан елкасидан тутдим, йигирма бешталикка боплаб туфладим-да, зарб билан афтига ёпиштиридим-ку.

У учеб кетиб, елкаси билан деворга урилди-да, ғишт ўумига қулади.

– Жойингдан қимирлама!!! – дўқ урдим гумашталарига. – Биронтанг жойингдан жилиб кўргин!

Козлов довдираганча нафрат билан тикиларкан, бир бўлак ғиштни пайпаслашга тушди.

Яқин бордим-да, айни ўша қўлига оёғимни босиб, олифталарга хос дағдаға билан дедим:

– Агар сен, лаънати чаламулла, сассиқ эшшак, ўқитувчинг Алла Сергеевнага яна бирон марта туллаган думингни қўтаргудек бўлсанг, ёки унинг дарсида бирон оғиз гапирсанг – ўзим сени деворга ёпиштириб қўяқоламан. Тушундингми, пандавақи?!

Оёғим билан қўлинни босиб турганимча сумкамдан «Данхилл» кутисини ва ўтодиргични олдим. Сигаретани тутатарканман, унга юзландим:

– Жавобини эшитмаяпман!

Козлов оғриқдан афти буришиб кетди ва секингина деди: – Тушундим...

– Мана бу бошқа гап. – Мен унинг кўркувдан елкасини қисиб турган гумашталари томон ўгирилдим: – Бу ҳаммаларингга тегишли. Хайр, болакайлар.

Ва ўз йўлимга кетдим. Ортимдан миқ этган товуш ҳам эшитилмади.

*Тушларимга кирди куз фасли,
Ва сен дўстлар билан шод-хандон,
Яраланган қушдайин асли,
Дастинг узра индим ногаҳон...*

Бир пайтлар ўзимга маъқул мана шу шеърни ўқиши
ни хуш кўрадим.

– Нимага каловланиб қолдинг, Танька? Ахир ўн йил
муқаддам бу шеърни бошдан-охиригача ёддан билар
эдинг-ку? – ойим Эдикнинг олдида мени мақтамоқчи
бўлди.

– Эсимга тушди, эсимга тушди, – дедим-да, гапни ҳа-
зилга буриб, қўлимдаги китобни ёпдим.

Биз «Европа» меҳмонхонасининг юқори ресторора-
нида ўтирадик. Эдик ойим иккаламизни тантанали
зиёфатга таклиф қилганди. Дастурхонда одамнинг
жонидан бўлак ҳаммаси муҳайё. Ноз-неъматлардан
кўз қамашади. Билур гулдондаги гулдастани-ку асти
қўяверасиз. Увилдириқ, дудланган бакра балиғи, паш-
тет оралиғида Эдик билан тушган суратларимиз ва
у ойимга Шведиядан маҳсус келтирган учта китоб
ётарди.

– Эдик, сиз бебаҳосиз! – Ойим шампандан қиттай
отиб олгани учун ғалати бидирлади. Бундай фикр қаёқ-
дан хаёлингизга кела қолди?

У китобларни меҳр билан силади.

– Бу менинг хаёлимда ҳам йўқ эди, – тўғрисини айт-
ди Эдик. – Стокгольмда бир рус кишидан: «Швециядан
Россияга ўрта ёшлардаги зиёли аёлга нима олиб борга-
ним маъқул?», деб сўрагандим: «Пастернак, Висоцкий,
Цветаева», деб жавоб берди. Унинг гапидан кейин шу
китобларни сотиб оддим.

– Дарҳол сотиб олдингми? – ҳайратланди ойим.

– Ҳа-да.

«Европа» ресторанида бор-йўғи икки марта бўл-
ганман. Бу жойни жиним суймайди. Исталган баҳона
билан аёллар ҳожатхонасига чақириб олиб, битим-
ни бузганинг учун маҳаллий ҳамкасабаларинг ҳамё-

нингдаги бор-будингни шилиб олишларини ким ҳам ёқтиради?..

Бироқ официант тикилиб қарагани учун мени та-
нирмикан деган хаёлга ҳам бордим. Лекин бу нусхага
ҳеч дуч келмагандим. Бир гал ҳатто Эдикка ишора қи-
либ кўзини қисиб ҳам қўйди. Фақат шундагина нияти-
ни англаб етдим: бу ит эмган кейинчалик валютани
унга топширишимни истаган экан!

– Менга бирон гапингиз борми? – дангил сўрадим
ундан.

– Йўқ, йўқ! Нималар деяпсиз... – Тасқара кўркиб кет-
ди, каловланди-да, ғойиб бўлди.

Бир сониядан кейин ресторанда маҳаллий маҳсус
хизмат ходими Леша Чумаков кутилмагандан пайдо бўл-
ди. Бирров назар ташлади-да, чиқиб кетди.

– Ойим учун ичмаймизми, Эдик! – таклиф қилдим
мен.

– Ичамиз. Мумкин бўлса, бундан бўён мен ҳам сизни
«ойи» десам, – Эдик шундай дея қадаҳни кўтарди.

– Марҳамат, марҳамат! – Ойим жуда очилиб кетган-
ди, уни бундай кўтаринки кайфиятда ҳеч қачон кўрма-
гандим. – Биласизми, Эдик, ресторанда сўнги марта
бундан салкам йигирма йил муқаддам бўлгандим...

– Нима учун? – сўради Эдик.

Ойим нима дейишни билмай елка қисиб қўйдилар.

Мен эса шампандан истамайгина хўплаб ўтирас
эканман, «Европа» ресторанининг «Маҳсус хизмат бў-
лими»да нималар содир бўлаётганини аниқ тасаввур
қилаётган эдим...

... Чумаков телефон гўшагини олади-да, «менинг»
маҳсус хизмат бўлимим»дагилар рақамини теради.

– Толя? Салом. «Европа»дан безовта қиляпман. Чу-
маковман.

– Яхшимисан, Лёна.

– Толя, Татьяна Зайцева уч ойдан буён күринмаёттаганини яқында гапирган эдинг. Ҳунарини ташлади, деган эдинг-ку...

– Хүш?

– Хуллас, у бизнинг ресторанда ўтирибди. Ёнида қандайдир ишбилармон ва ўрта ёшлардаги аёл ҳам бор.

– Ишбилармон чет элликми?

– Ҳа. Текшириб курдик. Эдвард Ларссон. Швециядан. Якка тартибда фаолият кўрсатадиганлардан.

– Танийман. Бизнинг «Инрибпром» меҳмонхонамиизда яшаган. Аёл қотмадан келган, эллик ёшлар атрофидами?

– Шундай.

– У ҳолда ҳаммаси жойида. Бу Зайцеванинг ойиси. Шошмай тур. Ҳозир кўраман. – Толя қора дафтарини вараклаб менинг исми шарифимни топади ва давом этади: – Зайцева Алла Сергеевна. Рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Қизининг асосий касб-хунаридан мутлақо бехабар.

– Татьяна ишлаш учун бизнинг «Европа» меҳмонхонамиизга ўтиб олмадимикан? Ўзимиздагиларни бир ёқли қилишга улгура олмаяпмиз.

– Йўқ. Кўрқма. Улар ўтган куни никоҳдан ўтишди. Энди у Ларссон хоним.

– Бунга ким кафолат беради?

– Бу гапингда ҳам жон бор. Бироқ...

Эдик ўзининг чўнтак калькулятори билан ҳисоб-китобни текширас экан, анови тасқара теппасида қақ-қайиб турган сотқинлар ва талончиларга хос тарзда аланг-жаланг қилас, биз эса ойим билан Бахт уйида тушган йирик рангли расмни томоша қиласардик.

– Лялька ҳақиқатдан ҳам ҳурилиқонинг ўзгинаси-я! – ойим зўрма-зўраки ҳайратлангандай бўлар, аслида эса Эдик официантнинг ҳисоб-китобини иккинчи марта текшириб кўраётганидан русларга хос тарзда хижолат чекарди.

– Сима ҳам чаккимас-а? – сўрайман мен.

– Сима ҳам қолишмайди. Нина ҳам, Зина Мелейко ҳам... Фақат мен сал қовушмайроқ турибман.

– Константин Ивановичнинг кўп ичиб қўйгани чакки бўлди-да.

– Таня! Ляльканинг отасининг феълини биласанку!.. Хушёрроқ булишимиз керак эди. Вой худойим-эй! Оқ кийим сенга бирам ярашадики! Келинлик либоси ҳам... Эдик ҳам чинакам смокингда!.. Ниҳоятда гўзал!

Ойимнинг ҳайратланишлари хиёл ғашимга тега бошлади, Кисуля ва Гулливер берган йўриқномани сумкамдан чиқариб, кўз югуртирдим-да, қайтимни эринмай санаётган Эдикка юзландим:

– Энди никоҳ тўғрисидаги гувоҳномамизни сизларнинг консульхонангизда ҳам рўйхатдан ўтказиб, Швецияга жўнаб кетиш учун таклифнома расмийлаштиришимиз керак.

Дастлабки ташрифимиздан фарқли равища Швеция Бош консули ортиқча илтифот кўрсатмади. На қаҳва, на қаймоқ, хуллас ҳеч вақо йўқ...

– Ишингизни котибим ҳал қилиб беради. Мени маъзур тутасизлар. Хизматчилик.

Эдик ҳам сир бой бермай таъзим қилган бўлди. Бироқ мен оғзим қулоғимга етгудай жилмайдим-да, қаддимни ғоз тутиб, швед тилида консулга дедим:

– Сиз ниҳоятда илтифотлисиз, жаноб консул. Сиздан жуда-жуда миннатдормиз.

Ўз қўлим билан пиширган ширинликларни кўриб, ҳамманинг оғзи очилиб қолди: айниқса консул жаноблари, Эдик эса эсини йўқотаёзди, зарҳал кўзойнак тақиб олган таъвия швед қария эса қор одамга йўлиққандай мендан кўз узмасди.

– Табриклайман, – ғижиниб таъзим қилди менга консул. – Кўлингиз жуда ҳам ширин. Жаноб Ларsson-нинг ростдан ҳам омади бор экан. Сизнинг ҳам баҳтингиз очилганига шубҳа йўқ, Ларсон хоним...

Эдик учиб кетишидан бир неча кун аввал циркка борадиган бўлдик. «Европа» меҳмонхонасидағи хонасидан холлга тушганимиздан сўнг Эдик мени ёдгорликлар дўкони ёнида қолдириб, «Интурист»нинг хизмат кўрсатиш бюросига билет харид қилиш учун кетди.

Мендан хиёл нарида инглизчани бироз бузиб зўр бериб гап сотаётган руслар диққатимни тортди. Аста назар ташладим, устун ёнида анчагина кайфи ошиб қолган «махсус хизмат» ходими, атрофида бир жуфт интерқизлар гирдикапалак бўлишарди.

Шу пайт қулоғимга чалинади: «Бир дақиқа...» ва улардан бири мен томон йўл олди.

– Салом, Таня.

– Салом, қизалоқ, – жавоб бердим. – Сен кимсан?

– Лиза Қўёнчаман. Эшитгандирсан?

– Бўлмасам-чи. Салом!

– Таня, – деди менга Қўёнча. – Биз сени яхши биламиз ва жуда ҳурмат қиласмиз. Лекин бу ерга ортиқ келмаслигингни айтиб қўйишимни қизлар илтимос қилишувди. Ҳар кимнинг ўз чорбоғи бўлгани маъқулда. Аксинча... Ортиқча жанжалнинг сенга нима ҳожати бор?

Шу палла Эдик циркка билет олиб келиб қолди.

– Танишинглар, бу Қүёнча, – дедим мен қизалоққа. – Бу менинг эрим, Эдик Ларссон. Қизларга эса айтиб күй, мен ҳунаримни қилмай қўйганман, шунинг учун ҳеч нарсадан хавфсирамасалар ҳам бўлаверади. ЧАО.

– Сенга баҳт тилаймиз, – тинчланди Қүёнча.

«Европа»дан чиққанимиздан кейин Эдик сўради:

– Жуда ғалати исм-а – Қүёнча...

– Бу исм эмас. Лақаб.

– Нима, нима?!

– Кейин тушунтираман. Кетдик, кетдик, йўқса кечикамиз.

Биринчи ва иккинчи томоша оралиғидаги танаффус чоғида саҳнада шерлар учун қафас ўрнатишар экан, мен чекиш учун чиқдим, Эдик эса музқаймоқ харид қилиш учун навбатга турди.

Залда ажнабийлар тиқилиб ётарди, «Интурист» партнердаги биринчи қатордан бошлаб, юқори қаватдаги сўнгти қатордаги барча ўринларни сотиб олишган, Ён атрофдан польякча, французча, немисча, инглизча гапсўзлар қулоққа чалинарди...

– Салом, Таня – тян. Хау ду ю ду. Айм вери глед ту си ю.

Ўргилдим – рўпарамда эллик ёшлар атрофидаги хушбичим «жапан» турарди. На исмини, на фамилиясини ўлай агар эслай олсам! Бир йил муқаддам йирик кимошди савдосида бир ҳафта давомида мижозим бўлганигина хотирамда. Русча бир калима ҳам билмаслиги эсимда. Лекин ҳамма японлар сингари яхшигина ҳақ тўлаган эди ўшанда.

– Сизни бу ерда бир эркак билан кўрдим, – деди япон инглизчалаб. – Шу боис безовта қилгим келмади. Лекин бўшаганингиздан сўнг, эртами-индинми, менга, «Астория»га қўнғироқ қилсангиз дегандим. Мўйна кимошди савдосининг иш вақти ёдингиздами?

– Ёдимда, – деб жавоб бердим. – Ҳатто жуда яхши ёдимда.

– Ишдан бүшаган заҳотим сиз билан бирга булишга тайёрман.

Менга визиткасини узатди, унга «Астория»даги телефон рақами аллақачон сиёҳ билан ёзиб қўйилганди. Қайта-қайта таъзим қилганини айтмайсизми...

Қарасам Эдик қулида музқаймоқ билан одамлар орасидан чиқиб келаяпти. Уни қизиқтирган маънода ишлашга барҳам берганимни қани энди японга тушунтира олсан. Визиткасини курткамнинг чўнтағига лақмаларча соламан-да, шоша-пиша дейман:

– Яхши, яхши... Мени маъзур тутасиз...

Эдикни япониялик ҳам кўрди-да, хайрлаша туриб шундай деди:

– Биргаликда ўтказган кунларимизни бир йилдан буён унута олмаяпман. Кутаман. – Шундай дегандан сўнг оломон орасида ғойиб бўлди.

Эдик билан музқаймоқни энди ея бошлаган ҳам эдикки, қўнфироқ чалинди. Ҳамма зал томон юрди. Залга кираверишда хиёл орқада қолиб, сигарета билан бирга японнинг визиткасини ҳам ахлатдонга улоқтиредим. Визитка-пизитканг билан қўшмозор бўлмайсанми!..

Эдикни қўлтиғидан олдим-да, музқаймоқ ялаб, шерларни томоша қилгани ошиқдик.

Эртасига бир кечакундуз давом этадиган навбатчилик бошланди. Эрталабданоқ укол қилиш, яраларни боғлаш, томчи дори қўйиш, дори-дармонлар улашиш бир-бирига уланиб кетди-ку.

– Таня! Борис Семёнович чақираяптилар!..

Ҳамма ишни ташлаб, бўлим бошлиғи олдига югураман. Унинг хонасида дераза рафида ёш докторимиз Владимир Александрович ҳам ўтирибди.

– Ассалому алайкум, Борис Семёнович!

Борис Семёнович – хушфеъл, сўзга чечан, Худо ёрлақаган докторлардан. Қуёнюракки, қўяверасиз! Қўрқанидан ҳаттоқи онасига нисбатан сотқинлик қилишдан ҳам тоймайди.

– Сизга нима ёмонлик қилгандим, Таня! Шу ҳам адолатданми? Мунтазам яшаш учун чет элга жўнаб кетаётган одамга қандай тавсифнома ёзса бўлади?

– Борис Семёнович, азизим! Хижолат чекишингизни ҳеч бир ҳожати йўк! Истаган тарзда ёзаверинг, – тинчлантираман уни. – Бу шунчаки расмиятчилик эканини ўзингиз яхши биласиз, ахир!

– Бошимни айлантирманг! Жиддий сиёсий жавобгарликни зиммамга олишимга тўғри келаётир, сиз эса...

– Шошманг, Борис Семёнович, – унинг гапини бўлди Володя. – Сиздан нима талаб қилинаётир? Ҳакиқат. Татьяна Николаевна тўғрисидаги бор гапни ёзиб беринг, тамом-вассалом. Бўлим касаба уюшма қўмитасининг раиси сифатида тавсифномага мен ҳам имзо чекаман. Мабодо ҳақ гаплар ёзилса...

– Мен айтиб тура қолай, – дедим мен. – «Татьяна Николаевна Зайцева соғлом. Наша чекмайди, гиёҳвандлик ҳам қилмайди. Жамики фармойишлар ва қарорларга биноан ёлғиз даврадагилар ҳурмати учун оз-оздан, ўшани ҳам аранг ичади. Тинчлик, халқлар дўстлиги тарафдори. «Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз» унинг асосий шиори ҳисобланади. Сиёсий етук, ахлоқан тоза». Қалай? Бўладими?

– Бўлганда қандоқ! – хитоб қилди Владимир Александрович.

– Буни майнабозликка айлантиришингизга йўл қўй-майман! – қичқирди Борис Семёнович. – Эсингизни еб қўйибсизлар! Мен кексайиб қолдим, партия аъзоси эмасман... Ҳуш, кимман? Ҳеч ким эмасман, тўғрими?..

– Борис Семёнович, бу гапларнинг нима ҳожати бор,
– Володя дераза рафидан тушди.

– Менинг ўрнимга ўзингизни қўйиб кўрсангиз бўларди, Володя...

– Мен ҳам шундай қилишни истар эдим.

– Ҳу-ӯш, – жаҳлим чиқди менинг. – Мен тушуна ол-маяпман, – Борис Семёнович, тегишли ташкилотга учун менга тавсифнома берасизми ёки йўқми?

Борис Семёнович кал бошини алам билан чангалиди:

– Яхши тавсифнома ёзсанг – қўзинг қаёқда эди, деб қийин-қистовга оладилар. Калтабинлик қилиб, кадрлар билан иш олиб бормабсиз, деган айб қўйишади. Ёмонлаб ёзадиган бўлсам, шундай бемаъни кимсани нима учун шу пайтгача жамоангизда ушладингиз, деб дакки берадилар.

– Тамом! – қисқа қилдим мен. – Ишимни қилишим керак.

Тушдан кейин операциядан чиқкан жувон билан йўлак бўйлаб «бориб-келишимизга» тўғри келади. У менинг елкамга осилиб олган, мен эса унинг белидан қучганча бўлим йўлаги бўйлаб «қатнай бошладик».

– Намунча ёпишмасанг. Операциянгга жин ҳам урмайди. Дадилроқ бўлсанг-чи!

– Худо кўрсатмасину, бирданига... – ялингандай дейди у.

– Операция ўрни, яранг тезроқ битишини хоҳлайсанми? Нима учун кеча ҳам ўрнингдан турмадинг?

– Сенинг келишингни кутдим. Сен бўлсанг, ҳеч нарсадан чўчимайман.

– Вой галварс-эй! Қадам ташла, қадам ташла деяпман... Болаларинг борми?

– Иккита. Каттаси тўрт ёшда. Иккинчиси энди бир ярим ёш бўлди.

– Уларга ҳозир ким қарайпти? Эринг билан биргами улар?

– Ойим Харьковдан келиб қарайптилар.

– Туғиб ташлаш борасида ҳаммамиз устаси фаранг бўлиб кетганмиз. Турмуш қуриш масаласида эса...

– Йўқ, Йўқ, Танюша, унинг ишлари жуда кўп. Иши ўзи шунаقا. Бўлди Танья, ортиқ ҳолим қолмади.

– Леночка, азизим! Ке, яна бир бориб келайлик... йўқ демагин!..

– Вой! – кўқисдан деди Лена. – Толя!.. Менинг эrim.

Йўлакнинг охирига нигоҳ ташлаб, менга тегишли «махсус гурухнинг» раҳбари, милиция капитани Анатолий Андреевич Кудрявцевга қўзим тушди.

Бежирим костюм кийиб, бўйинбоғ ҳам тақиб олган, одатдаги қўзойнаги, елкасида оппоқ халат, қўлида эса елим халта. Халтадан анвойи гуллар чиқиб турибди.

– Бу ёғи неча пулдан тушди, – дедим. – Шуми сенинг эринг?

– Толя! – унга талпинди Лена. – Вой, Танечка! Мени ушла...

Толя чаққонлик билан Ленанинг бошқа қўлтиғидан олди.

– Толенька, танишинглар, – деди Лена ва эрининг қўлига осилиб олди. – Бу Танечка. Операциядан сўнг тун бўйи ёнимдан жилгани йўқ.

– Анатолий Кудрявцев, – ўзини таништириди у.

– Татьяна Зайцева, – дедим унга жавобан.

– Олиб келдингми? – сўради Лена.

– Бўлмасам-чи, – Толя бир қути шоколад ва бир даста чиннигул чиқарди. – Булар сенга, Танюша, – деди Лена.
– Ҳамма-ҳаммаси учун!

– Раҳмат, – дедим-да, сурбетлик билан сўрадим: –
Бундай антиқа шоколадларни қаердан топа қолдингиз?

У эса хотиржамлик билан деди:

– Интуристга қарашли меҳмонхоналардан биридан.
Буфетдан.

– Валютага харид қилмадингизми, мабодо?

– Нималар деяпсиз! – Кулди Толя. – Менда валюта нима қилсин.

Кечқурун иккаламиз биринчи қаватда чекиб турар-дик.

– Ҳужжатларни расмийлаштираяпсанми? – деб сўра-ди у.

– Асти сўрама... Маълумотномалар, тавсифнома-лар... Тинкам қуриб қолаяпти. Югуравериб...

– Онангни ёлғиз ташлаб кетишга наҳотки кўзинг қийса?

– Ўзимнинг ҳам бошим қотяпти. Уни ҳам олиб ке-тишнинг имкони бўлса эди...

– Ойинг бу ердан кетмайди.

– Рост. Гапинг тўғри. Фожеанинг ўзгинаси.

– Сенинг гапинг ҳам тўғри, Таня. Сенга синчиклаб назар ташланса, қисматинг фожеали экани аён бўлади.

– Оғзингдан ел учирсин... – кулимсирадим мен. – Ав-вал ўзингга боқ, капитан. Тўрт йилдирки, эгнингдаги костюмни янгилай олмайсан. Бунинг сабаби нимада экан-а?

«Шу гапни чакки айтдинг-да, лаънати», дейман ўзимга ўзим. Битта костюмни неча йил кийиши билан

нима ишим бор?! У эса парво ҳам қилмади. Сигаретани торти-да сүради:

– Қайси пулимга янги костюм оламан, Танечка? Икки юз түқсон сүм маош нимага ҳам етарди. Лена ҳам бор-йүғи бир юз үн сүм олади.

– Бинойидек костюмлар ҳозир икки юз йигирма, икки юз қирқ. Ленага түгри келадиган қишилик этик эса бир юз олтмиш сүм... Болаларимга ёз ойларида дала ҳовлини ижарага олиш түрт юз эллик, беш юз сүмга тушади. Қолаверса, фақат байрамларда әмас, бегим кунлари ҳам уззукун уларни едириш-ичириш керак. Үзингдан қолар гап йўқ, мен ҳаромга ўрганмаганман...

– Биламиз, биламиз, – дедим унга. – Отнинг қашқасидай ҳаммага маълумсан. Шундай экан, Толя, қайси биримизнинг қисматимиз фожеалироқ? Меникими ё сеникими?

Унга тикилиб қарапканман, нозик жойидан ушлаганимни пайқадим. Бирон нарса деб кўргин, шундай узуб оламанки!.. Ҳаммаси учун миқ этмади.

Нега бунаقا сурбетман-а, деган фикр хаёлимдан кечди. Бирон-бир айб қилдими, унга азоб бераман?.. Нима учун бу беозорни чаёндай чақаяпман!.. Үзимнинг қилмишимидан йиғлаб юборай дедим...

– Раҳмат, сенга, Толя... Мен галварсни кечир. Хафа бўлма. Ҳаммаси изга тушиб кетади. Ишга кетяпсанми?

– Ҳа.

– Ҳаммага салом деб кўй.

– Яхши.

У ҳовли бўйлаб кетди, мен эса бўлимга қутарилдим.

Туман ОВИР бўлимида тўладан келган истараси иссиқина оқиш жувон – милиция майори қабул қилди. Қирқлардан ошиб қолган, бироқ қўзлари чақнайди,

атир-упани керагидан ортиқ чаплаган, тирноқларига ҳам бежирим оро берилган.

– Расмийлаштириш учун ҳужжатлар етишмаяптику, Татьяна Николаевна, – деди-да, менинг ҳужжатларим солинган жилдни очди. – Келинг, бирга текшириб чиқа қолайлик. Никоҳдан үтганингиз тұғрисида гувоҳнома, Швецияга таклифнома, анкеталар, тавсифномалар... Сил касалліклари шифохонасидан, руҳий хасталиклар, тери-таносил касалліклари шифохоналаридан маълумотномалар... Яна нималар бор экан? Онанғиз Зайцева Алла Сергеевнанинг нотариус тасдиқлаган розилиги... Бу бор. Отанғизнинг розилиги қани?

Устимдан совуқ сув қуиб юборишгандай бўлди!

– Отамнинг розилигиниям олишим керакми?! Мен бутун умр онам билан яшаган бўлсан!.. Ҳеч қанақа отам йўқ, бўлмаган ҳам!

– Татьяна Николаевна, болалар эркакларнинг муайян аралашуви натижасида туғилишларини эслатишининг ҳожати бормикан? Хуллас, отанғизнинг нотариус тасдиқлаган розилик тилхатини келтириб беришингиз керак. Унда сизга моддий даъвоси йўқлиги ҳамда чет элга жўнаб кетишингизга рози эканини расман билдириши керак...

– Шуниси етмай турган эди, – чинакамига ғазабландим мен. – Ахир, у биз билан яшамаётганига йигирма йилдан ошди! Ҳамма ишни ойимнинг ўзлари уddaлаганлар! Ҳамиша ва ҳамма жойда! Шу йиллар мобайнида ундан сариқ чақа ҳам олганимиз йўқ! Ҳатто қасам ичишим мумкин!..

– Бирон нарса деяпманми? Бироқ бундан қатъий назар...

– Ўлган бўлса-чи? Унда нима қиласиз?

– Сизнинг отангиз, Николай Платонович Зайцев, күйидаги манзилда соғ-саломат яшаяптилар...

Майор столдан бир варақ қоғозни олиб, менга узатди:

– Мана, марҳамат. Шундай гап-сўзлар бўлишини олдиндан билганимиз учун отангизинг манзилигача аниқлаб қўйдик. Шошилганингиз маъқул, Татьяна Николаевна. Мабодо шу ҳужжатни топширишни чўзиб юборсангиз, бошқа ҳужжатларингизни талай қисми муддати ўтиб кетгани учун ўз кучини йўқотади ва деярли ҳаммасини бошидан бошлишингизга туғри келади. Бу виза ва чет эл паспорти олишингизни яна ҳам кечикириб юборади. Хуллас, масалангиз ижобий ҳал қилинишига таъсир кўрсатади. Масалангиз ижобий ҳал қилиниши борасида...

– Салбий ҳал қилиниши ҳам эҳтимолдан холи эмас, денг? – сўрадим мен.

– Бўлмасам-чи? – деди майор хотин.

Курсатилган манзил томон борарканман, шунаقا ғазабландимки, такси тўхтаганда йўлкира тўлашни ҳам унугиб, сакраб тушибман.

– Ҳой! – қичқирди ҳайдовчи. – Ҳақини ким тўлади?!

Уч сўм узатиб, узр сўраганимдан сўнг такси жўнаб кетди. ОВИРда берилган қоғоздаги рақам билан уйнинг рақамини солиштириб, етмиш олтинчи уйни қидира бошладим.

Биринчи ҳовлидан ўтдим – йўқ. Иккинчи ҳовлида ҳам учратмадим. Бундоқ қарасам болалар аравачасини ҳайдаб бир аёл келаяпти. Аравачага элликтacha буш шишалар юкланган. Ярми вино, ярми ароқдан бушаган. Аёл тушмагур улар кўринмаслиги учун латта-путталар билан ўраб-чирмамоқчи бўлаётир.

– Етмиш олтинчи хонадон қаерда, айтиб беролмай-сизми? – деб сўрадим.

– Зайцевларнинг уйими?

– Ҳа.

– Учинчи ҳовлига ўтсанг, ахлатдоңлар ортидаги бурчакда эшик бор. Бир неча зина пастга тушсанг, Зайцевларнинг эшигига рўпара бўласан. Доктормисан?

– Йўқ.

– Ижтимоий таъминот бўлимиданмисан, – аёл шундай деди-да йўлида давом этди.

Учинчи ҳовлига ўтдим, ахлатдоңлар кетидаги эшикни ҳам топдим – ахлатларнинг бад бўйидан нафас олиб бўлмайди! Зина қоп-қоронғи, зажигалкани ўт олдириб, етмиш олтинчи хонадонни қидира бошладим. Бошимни ёриб олишимга сал қолди! Мана у, жин ургур! Бўр билан эшикка ёзиб қўйишибди. Кўнғироқ ўрнатиш ҳеч кимнинг эсига ҳам келмаган. Эшикни ура бошладим... Қаҳрамон шаҳарнинг қоқ марказида одамлар шу аҳволда яшаса-я! Яна қаерда денг – Пассаж билан Мусиқали комедия театрининг ўртасида! Боз устига, рўпаратда Рус музейи, ён тарафда эса филармония, «Европа» меҳмонхонаси шундоқ биқинида, чет элликлар изғиб юришибди. Лоақал шулардан уялишса бўларди! Бунақа марказни ер ютиб кетмайдими!..

Эшикни жулдур кийимдаги қария очди. Кўлида ярим яланғоч гўдак. Қариянинг ортида яна бир жуфт – олти ёшли бола ва тўққиз ёшлардаги қизалоқ мўралаётир. Эгнидаги кийимларига қараб бўлмайди.

– Зинадаги чироқ ўчиб қолибдими? – очик чехра билан сўради қария.

– Чироқ йўқ экан, – деб жавоб бердим.

– Кираверинг, доктор.

– Мен доктор эмасман.

– Кечирасизу, бироқ бизга фақат түшден кейин келишингизни айтишувди.

– Мен доктор эмасман. Менга Зайцев Николай Платонович керак.

– Ижтимоий таъминот бўлимиданмисиз?... Зайцев Николай Платонович мен бўламан, – мамнун бўлди қария ва ғарип қулбасининг ичкариси томон қичқирди:

– Бу доктор эмас, Люсенька! Ижтимоий таъминотдан мени қидириб келишиби!

Шундай деб қўлидаги болани қизалоққа узатди:

– Ларисочка, Стасикни олгин. Уйга кириб ўйнанглар. Ойингни қўрқитиб юбормаслик учун шовқин солманглар. Мен эса манави хола билан ошхонада гаплашиб оламан. Қани, бўла қолинглар...

Мен эса уларни кузатардим: «Ё раббий! Ахир бу менинг отам. Менинг синглим, менинг укаларим... Наҳотки бизнинг замонамизда мана шундай қашшоқлик, ғариблик бўлиши мумкин?! Даҳшат... Нима учун бунчалар қариб қолибди?.. Ойимдан атиги уч ярим ёш катта бўлса. Йўқ! Йўқ!!! Мен янгишдим. Янгишдим, янгишдим!..»

– Сиз ростдан ҳам Зайцев Николай Платоновичмисиз?

– Паспортим керакми?.. Ҳозир, ҳозироқ олиб келаман.

У деворларга суяна-суяна аранг лапанглаб юрарди.

– Йўғ-е. Керак эмас. Оёғингизга нима бўлган?

– Билмайдигандай гапирасиз-а! Полиартрит ахир. Менга ногиронлигим учун нафақа тўлайсизлар-ку. Яна ижтимоий таъминотданман, дейсиз!

– Мен ижтимоий таъминотдан эмасман.

Қария тўхтади, қотиб қолди, таажжубланиб менга тикилди:

– Бу ёғи неча пулдан тушди... Қаердансиз бўлмаса?

Шундан сўнг ошхонада у билан ўтиридик, мен столга қўлимни кўйишдан жирканардим. Ҳамма ёқ ифлос, ёпишқоқ, қараб бўлмайдиган аҳволда.

– Нима учун тиш қўйиб олдирмайсиз? – дедим уни кўздан кечирар эканман.

– Ҳеч қўлим тегмаяпти... – кулди у кўз ёшларини артар экан. – Иккинчи тоифа ногирони сифатида менга бепул тиш қўйиб беришлари керак.

– Соқолингизни ҳам олмабсиз.

– Уйда бўлганим учун олганим йўқ. Ишга борадиган бўлсам ёки одамлар орасига чиқадиган бўлсам, албатта, қиришилайман.

– Ишлайсизми?

– Бўлмасам-чи? Трамвай паркида ваҳтёрман. Уч кунда бир бораман. Жуда қулай. Ногирон бўлишимга қарамай ишлашга ҳам рухсат беришганига нима дейсиз. Хуллас, ҳаётимиз чакки эмас...

– Кўриб турибман.

– Люсяни оёққа турғазиб олсам бас. У шўрлик касал... Стасикни туққанидан буён ўрнидан тургани йўқ. Врачлар айтишича – орқа мияси... Ойинг қалай?

– Сизга нима?

– Шунчаки сўрадим-да...

Ичкари хонадан болаларнинг бўғиқ овозлари эшитиларди.

– Оёқларим қаттиқ совуқ қотади, – алам билан деди отам. – Артрит касаллигида қон айланиши қийинлашади, шунинг учун ҳамиша оёғим совқотади.

– Гап бундай, – дедим унга. – Эрга тегмоқчи бўляяпман...

– Наҳотки, қизгинам! Табриклайман...

– Биринчидан, мен сизнинг «қизалоғингиз» эмасман, иккинчидан эса табригингизга қараб қолган жойим йўқ. Чет элликка турмушга чиқаяпман, у билан бирга юртига жўнаб кетишимиз керак. Менга моддий даъвогар эмаслигингиз тўғрисидаги ҳужжатга нотариал идорада кўл қўйишингиз керак.

– Ана холос... – ҳайратланди у. – Чет элга? Шуниси етмай турганди!.. Демак, Ватанни ташлаб кетаяпсан? Ойингнинг ҳоли не кечади? Буни ўйламадингми?..

– Сиз ойим ҳақида жуда қойиллатиб ўйлаб қўйган-сиз! – уни бўтиб ўлдириб қўя қолгим келди.

– Бундай хайрли ишни ювмасак гуноҳ бўлади-я. Қиттак ичасанми?

– Мен ичмайман.

– Тўғри қиласан, болам. Лекин буни мен ўзим учун қилганман – қўлбола – фақат шакар ва оз-моз ачитки солганман, холос, ҳеч қанақа химия-пимия йўқ. Шу билан яна қачон учрашамиз, Худо билади. Унга қараб туриб, яна йиглаб юборади, деб ўйладим.

– Жин урсин, – дедим мен. – Қуйинг.

У алмисоқдан қолган шиша, сариқ чақага ҳам қиммат иккита рюмка олди-да, ошхона эшигини ёпди. Рюмкаларни тұлатиб, олмани иккига бўлди.

– Қани, олдик, отагинам, – дедим мен. – Келинг, Николай Платонович Зайцев, ит эмган қарри қирчанғи, йигирма уч йил муқаддам бизларни ташлаб, собиқ хотинингиз Алла Сергеевна билан қизингиз Татьяна Николаевна қандай кун кечираётгани билан бирон марта қизиқмаганингиз учун ичайлик. Яна уч болани дунёга келтириб, уларни одамдай овқатлантира олмаётганингиз учун мана шу қўланса ювиндингизни ичайлик. Зора, бир тийинга қиммат ҳаётингиз сўнгида мана шу

болакайлар рисоладагидай вояга етиб, хотинингиз ҳам соғайиб кетса!

Мен ичдим, у эса яна йиглашга тушди.

– Ичинг! – дедим мен. – Ўзингиз айтдингиз-ку ичамиз деб. Нима учун ичишнинг қандай аҳамияти бор?

У қўрқанидан ичиб юборди. Қалтираб уф тортди, жиққа ёш кўзлари билан мўлтиллаб тикиларкан, лаблари титраб деди:

– Бунчалар ҳам золим бўлмасангизлар?..

– Қашқирлар билан яшашнинг ўзи бўлмайди, – дедим унга. – Кийининг. Нотариусга борамиз.

– Нима учун?

– Нима учунга бало борми! Бир соатдан буён қулоғингизга танбур чалаётган эканман-да. У ерга бориб, менга моддий даъволарингиз йўқлиги ва чет элга жўнаб кетишимга қарши эмаслигингизни айтишингиз керак!

Қарасам яна шишага қўл узатаяпти, ўзимнинг рюмкамни кафти билан беркитдим. У фақат ўзига қуиди ва беихтиёр тиhsиз оғзини ўрадай очиб кулди.

– Даъвом булса-чи? – Ичиб юборди. – Моддий даъволарим...

– Менга даъво қилмоқчимисиз?! – Кўзларим чақча-йиб кетганини сездим. – Менга ким бўлиб кетибсизки, даъво қиласиз?! Вой лаънати-ей! Терингни шилиб оламан!..

– Ва ҳеч қаерга кета олмайсан! – У дақиқа сайин сурбетлаша бошлади. – Ҳаётда ҳамма нарсанинг ҳақини тулаш керак, Татьяна.

Бир лаҳза буларнинг ҳаммаси туш, уйкудан уйғонсам, бас, ўтади-кетади, деган оний фикр хаёлимдан лип этиб ўтди. Менинг рӯпарамда исқиртдан ҳам исқирт, соқоллари ўсиб кетган, атиги икки рюмка ароқни ичиб олиб кайфи тароқ ҳолда отдан тушса ҳам

эгардан тушмайдиган телба ғолибона тарзда ўтиради. Мен ғазабланганим ва нафратланганимдан бўғилиб қолаёздим, бироқ ўзимни кўлга олиб, деярли хотиржамлик билан сўрадим:

– Қанча керак?

– Нима десам экан... – каловланди у.

– Қанча? – У менинг нозик жойимдан ушлаганини сезиб турадим.

У менга кирланиб кетган уч бармоғини кўрсатди

– Сўмми? Ўттизми? Уч юзми?.. – Мен ўзимни йўқотиб қўйган эдим.

– Уч минг, – деди отам ва рюмкани учинчи марта тўлатди.

Нима қилаётганимни ўзим ҳам билмай қаншарига боплаб тушириш учун шишага қўлимни узатдим. Менинг ниятимни тезда пайқаб, деворга тиқилганча башарасини қўллари билан бекитди.

Бироқ шу пайт ошхона эшиги очилиб, тўққиз ёшли Лариса кенжа Стасикни кутарганча кириб келди-да деди:

– Дада, ёрдам беринг. Ойим ҳожатта чиқаман, деяптилар. Мен Стасикка қарайпман. Бу ёқда Димка ҳам ийғлаб кўна қолмаяпти.

Ҳафсалам пир бўлганча столга ўтириб қолдим. Отам мендан кўз узмай столдан турди ва аранг жилмайганча гўлдиради:

– Бир дақиқа... Йўқса, ҳамма ёғини булғаб ташлайди. Ортиқча иш бўлади-да. Маъзур тутасиз.

– Келишдик, – дедим мен ва ўрнимдан турдим. – Сурраганингизни ҳаммасини олиб келаман. Бунинг учун бир неча кун керак бўлади.

– Яхши, яхши... – деди шоша-пиша отам. Ва мендан пул олишдан кўра тезроқ хотинининг ёнига бориш

унинг учун муҳимроқдай туюлди. – Марҳамат, юра қолинг...

Йўлакда турганча ичкарига қичқирди:

– Люченка, бир дақиқа сабр қил!... Ижтимоий таъминотдан келган ўртоқни кузатаману кираман!..

– Бунча пулни унга қаердан топиб бераман? Қаердан?! – Кисуля билан Гулливерга жазавага тушганча бақирдим.

Қаёққадир гумдон бўлган мұхандисдан шерикчиликка ижарага олган «кулба»ларига ўн дақиқа аввал етиб келгандим.

Қизлар жўшқин «тунги» ишдан сўнг узоқ ухлаганла-ри учун ювинмаган-таралмаган бир алфозда юрарди. Бу кулба фоҳишалар мижозлар билан топишадиган ўзга «кулбалар»нинг айни ўзгинаси эди: алоҳида бир хонали хонадон, мебеллари деярли йўқ, кенг пастак каравот ёки бошқача айтганда «ётоқ дастгоҳи», кичкина столча ва отам замонидан қолган оромкурсидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Ётоқ дастгоҳининг ёнида кўзгу, деворга яланғоч қизлар сурати ҳам бор тақвим илинган. Юви-ниш хонасидаги кафеллар кўчиб тушган, бироқ атирупаларга гап йўқ. Дарз кетган унитаз ёнида Америкада ишлаб чиқарилган майин ҳожат қофози. Икки конфор-кали газ плита ўрнатилган беш метрли ифлос ошхонада эса хилма-хил ичимликлардаи бўшаган шишаларнинг сони бор, саноғи йўқ...

Ўриндиқнинг бош томонида икки кассетали «Шарп» видеомагнитафони ўта замонавий плёнкалар билан турибди.

– Шошмасанг-чи, – деди Кисуля. – Қанча керак ўзи?

– Уч минг! Уч минг сўрайяпти, лаънати!.. – ҳайқирдим мен жон-жаҳдим билан.

– Күпроқ сұраганида нима қиласынды? – секингина деди Гулливер ва Кисуляга ишора қилди.

– Ёрдам бер, Кисуля, – ёлвордим мен.

– Нима, сенда «күк»идан ҳеч йүқмиди? – ишонмади менга Кисуля. – Сүнгги йил мобайнида эшшакдай ишладинг-ку.

– Менда «күк»и нима қиласы? Сенга үхшаган хасис бүлмасам. Дарвоқе, үн минг түплаб қўйгандим. Тўрт мингини пальто учун сенга бердим. Икки мингини ўзимнинг майдо-чўйда сарф-харажатларим учун асраб турибман. Беш мингни эса мендан кейин қийналиб қолмаслиги учун ойимларнинг номига жамғарма банкига қўйдим. Тамом-вассалом! Кўлимда бор-йуғи бир ярим минг бор, холос... Ойимнинг номига қўйилган пулни ололмайман, касалхонада ҳам ҳеч кимнинг ортиқча пули йўқ. Ваҳоланки, уч минг топишим керак. Бу ёғи қиши келаяпти...

– Менда пул йўқ, – қатъий деди Кисуля. – Уч фоизли заём облигациялар сотиб олганман, икки ҳафтадан кейин ўйнайди. Таваккал қила олмайман.

– Гулливер! Симка!.. Бир иложини қилинглар, – йиғлагудай ёлвордим мен. Чет элга чиқиб олсам бўлди – қарзимни узаман, мени яхши биласизлар-ку...

– Бу гапларнинг нима ҳожати бор, Танька! Ҳаммасини валюта қилиб қўйганман. Харидорларимдан биттаси қўлга тушиб қолди, мени ҳам қидириб келиб қолишмаса, деган хавотирдаман. Яна биттасининг иши пишиб турибди. Машинага қанча пулим кетганидан хабаринг бор – тўрт минг устама ҳақ тўлашга тўғри келди. Бор бўлганида...

– Нима қиласам экан, қизлар? Энди қандоқ қиласман?

– Мен тамомила боши берк кўчага кириб қолгандим.

– Намунча тузокқа тушган қүшчадай типирчилайсан? – жеркиб берди Кисуля. – Гадойчилик құлмоқчимисан? Үзинг ишлаб топа олмайсанми? Бутун дунёдан келган тибиёт асбоб-ускуналари күргазмаси намойиш қилинаяпти, мүйиначилар кимошди савдосига йиғи-лишган, шаҳарда иш тиқилиб ётибди, сен бұлса, ғариф-ғурабо қилиб күрсатмоқчи бұлжапсан үзингни?! Сассик алаф-ей! Эрга тегиб олиб, бундан бүён онаси үпмаган роҳибаман, деб даъво құлмоқчимисан?

– Эсингни еб қўйибсан! – қичқирдим мен. – «Махсус хизмат»дагилар бир марта илинтиришса, бас, ҳаммасини бой бераман-ку!..

– Ҳеч ким сени меҳмонхона хоналари бўйлаб сайдрага таклиф этаётгани йўқ. Манави кулбанинг калитини олгин-да, кунига эллиқдан тўлаб қўйиб, ишингни қила-вермайсанми. Ҳар ҳолда дугонамизсан...

Гулливер анқайганча Кисуляга термуларкан, деди:

– Кизлар, мен ошхонага чиқиб, қаҳва қайната қолай...

У жуфтакни ростлаб қолди. Менинг яна гирибонидан олишди.

Бу гал ўз дугоналарим пайтдан фойдаланиб қолишини мўлжаллаётган эдилар.

– Демак, кунига эллиқдан тўлашим керак? – истеҳзо қилдим мен. – Сен эса ойига икки юз ижара ҳаки тўлайсан?

– Икки юз эллик, – совуққонлик билан деди Кисуля.

– Ахир, сенга жуда пул зарур. Бундай пайтда үзингдан қолар гап йўқ.

– Валютани кейин кимга топшираман. Ҳаммасига барҳам бергандим, ахир...

– Валютани сендан энг юқори баҳода менинг ўзим сотиб оламан, – кулди Кисуля.

– Вой худойим-эй... ойимга нима дейман, Эдиккачи?..

– Энг намунали тиббиёт ҳамшираси сифатида ўн кунлик ҳарбий тайёргарликка олиб кетишиди, деб қўя қоласан. Шундай десанг, ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Тайёрагоҳнинг чет элликларга мўлжалланган тарафидан Эдикни ойим билан Лялька кузатиб қолишиди.

Лялька тўрт томонга аланглар, ойим эса Эдикка зўр бериб тушунтиришга уринарди:

– Тиббиёт ходимасими – демак ҳарбий хизматга лаёқатли. Ҳарбий хизматга лаёқатли бўлгач, қандайдир ҳарбий тайёргарликдан муентазам ўтиб туриши керак. Илгари ҳам шундай бўлган, бироқ бунчалик фавкулодда рўй берганини эслай олмайман... Эдик! Мен жуда ташвишланаяпман – бу ҳар ҳолда дунёдаги ташқи сиёсий кескинлик билан боғлиқ эмасмикан?

– Йўқ, ойи. Ҳозир мамлакатингиз хушёрлик билан сиёsat юритаяпти, шу боис фақат Шарқда кескинлик мавжуд. Бунга Танечканинг ҳеч қандай даҳли йўқ! Бизларда ҳам шундай қилишади. Ҳатто полициячиларни ҳам қисқа муддат ҳарбий хизматга чақиришади. Хавотир олманг, ойи. Буларнинг барчаси тез орада барҳам топади. Бизлар сизниги мөхмонга келамиз, сиз эса биз томонга борасиз...

Улар қучоқлаб хайрлашдилар, ойим Эдикнинг юзларидан ўпиб, бошини ҳам силадилар.

– Мен уни жуда яхши кўраман, – оҳиста дебди Эдик.
– Қайтиб келган заҳоти менга, Стокгольмга қўнғироқ қиласин...

Менинг эрим, Эдвард Ларссон Скандинавия йўналиши бўйлаб тайёрада ўтирганча, ҳавога юксалиб, булутлар орасига сингиб кетаркан, Лялька орзиқиб:

– Мен ҳам бажонидил жўнаб кетган бўлардим, – дебди.

Бироқ ойим Ляльканинг гапларига эътибор бермайди. Унинг қўлидан силтаб ўзига қаратар экан, шундай деди:

– Қаерда у? Кўзимга қараб гапир! Қаерда у, деб сендан сўраяпман? Уч кундан буён қаерда санғиб юрибди?!

Ўта даҳшатли, ўта жирканч томони – япон билан бу галги ётиб-туришларим Эдик билан ётгандан ҳам ёқимлироқ бўлганида эди! Мен ўзимни ҳар қанча қарғаб-янганим билан қўлимдан ҳеч нарса келмасди.

Шайтонвачча Итиро Кенэда билан кетарканман, оҳвоҳлар, энтикиш ва ҳар хил инграшларга ҳеч бир ҳожат қолмади. Ваҳоланки, аксарият мижозларимизни ана шундай воситалар билан жунбушга келтириб, алоқа вақтини иложи борича қисқартирамиз. Чунки бизнинг ишимизда вақт ниҳоятда қадрланади.

У билан ётарканман, ҳар хил хунарлар кўрсатишимга ҳожат қолмайди.

– Мен сенга ўхшаган жувонни ҳеч қачон учратмаганман...

Япон йигитлари, умуман, жуда ҳам мулойим ва ёқимтой бўладилар. Бу борада бунисининг олдига тушадигани топилмасди...

Исми шарифини унугтиб юборганимга қарамасдан, Гулливер билан Кисуля уни ўша оқшомнинг ўзидаёқ топиб беришди. Дастробки икки кун мобайнида орада узилиш бўлгани учун инглизча гаплашишга қийналдим. Кейин эса ўрганганларим хотирамда қайта тикланиб, ҳаминқадар гаплаша бошладим.

– Таня-тан, сизларнинг «Берёзка» дўконларингдан бирон нарса харид қилиб, совға қилсан деган ниятим бор эди!

– Кераги йўқ, Итиро, керакмас. Ахир эрга текканман, совғангизни уйга бари бир олиб боролмайман. Турмуш қурганман, тушунасизми?.. Шунинг учун ҳам қамоққа тушган бандилардай сен билан шу ерда бикиниб ўтирибмиз.

– Қандай ажойиб қамоқхона-а!.. Қолган умримнинг ҳаммасини сен билан мана шу қамоқда ўтказишга тайёрман!

Киплингнинг шундай сатрлари бормиди?.. «Кун-тун, кун-тун, Африкада юрибмиз ҳамон... Қадам ташлага-нимизда чанг кўтарила, фақат кўтарила чанг...» Бирон кувватдори ичиб олганми бу? Ларьнати «жапан»!..

Итиро кимошди савдосида бўлган кундуз куни қаровотга узанганча французча модалар журналини варақлар эканман, енгил машинадан қисқа-қисқа икки марта янграган сигнални эшийтдим. Деразадан ўғринча назар ташлаб, Кисулянинг машинасига кўзим тушди-ю эшикни очишга ошиқдим. Улар менга қандайдир егулик келтиришган экан, Гулливер тилга кирди:

– Лялька уйда ҳам, ишхонангда ҳам йўқлигингни билдирамасликка зўр бериб ҳаракат қиляпти. Эдикни кузатганларидан сўнг тайёрагоҳда Алла Сергеевна уни шундай қийин-қистовга олибдики, боласи тушмагур ўшанда ҳам сир бой бермабди. Жуда ишончли-да!..

– Яна озгина чидагин, Танюха, – деди Кисуля. – Эртага кимошди савдоси якунланади ва тўрт томонинг қибла-да. Эрли хотин, ЧАО! Индинга келамиз, яканларни тайёрлаб тур!

Эртасига эрталаб Итиро ювинаётганда ваннахонага мураладим:

– Чойми? Қаҳвами?

Итиро кўзгудан менга назар ташлар экан, майин жилмайди:

– Хайрли тонг. Имкони бұлса, чой.

У чеккаларини қыртишлаб бұлған, соқол олишда ишлатадиган чұтқасини яхшилаб ювиб қүйгани эътиборимни тортди. Мен ҳатто останада бир оз туриб қолдимда, соқол оладиган ашқол-дашқолларини чаққонлик билан рисоладагидак филофга жойлашини кузатдым.

– Марҳамат қилиб чой тайёрласанг, – такрорлади Итиро мени тушунмади деган хаёл билан.

– Хұп, хұп... Ҳозир-да, – мен бирдан ҳүшёр тортдимда, ошхонага йүл олдим.

Оппоқ қүйлагу бүйінбоғини таққанича арчилган пиёздай дастурхон атрофида нонушта қиласкан, Итиро икки құзини мендан узмасди. Мен нима учундир үзимни ноқулай ҳис этиб, соchlаримни асабий тұғрилаган бұлдым ва Кисулянинг халатига яна ҳам яхшироқ үраплиб олдим ва шунчаки йүлиға дедим:

– «Астория»даги ҳамкасларинг сени бутунлай йүқотиб қўйишиди, чоги. Жаҳллари чиқаётган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас...

– Йўқ. Улар фаҳм-фаросатли ва ишбилармон одамлар, – жилмайди Итиро. – Улар кимошли савдосида мени ҳар куни кўриб туришибди ва барчаси ҳамма ишларим жойида эканини яхши биладилар. Мен меҳмонхонада тунамаган беш оқшом эса ёлғиз иккаламизга тегишли, Таня-тян.

– Ҳамма ишинглар рисоладагидай бекаму қуст-а, – дедим мен хиёл зарда билан.

Жаҳлим чиққанини сезиб, хушмуомалалик билан кўлимдан ушлади:

– Мен икки нарсани англадим, Таня-тян, афсуслар бўлгайким, сен билан ортиқ ҳеч қачон учрашмаймиз ва сенга пул ҳаводай зарур бўлиб турибди.

– Тўғри пайқабсан.

- Қанча керак?
- Уч минг сүм, – иддао қилдим мен.
- Менда сүм йўқ... Долларда қанча бўлади?
- Тўртга бўл.
- Етти юз элликми?
- Ҳа.
- Балки сенга қўпроқ керақдир?
- Йўқ. Фақат етти юз эллик, – мен тезроқ бу кўнгил-сиз суҳбатни якунлаб, ёлғиз қолишни истаётгандим.
Итиро ҳам индамай ҳамёнини чиқарди-да, етти юз элликта «кўки»дан санаб, дастурхонга қўйди. Кейин эса столнинг остидан сумкасини олди-да, ундан олмос нукралар билан безатилган жуда чиройли соат чиқарди. Ва менга узатди.
– Мен мана шу соатни таваккал қилиб сенга совға қилмоқчиман. Бу ута бадавлат аёлларни мўлжаллаб эн-дигина ишлаб чиқарилган соат, Япониянинг фахри.

Мен Кисуля кучадан машинасининг сигналини чалганини ҳам, ўз калитлари билан Гулливер эшикни қандай очганини-ю уйга қандай киришганини ҳам пайқамбман.

Хонада «Шарп»ни бор овози билан варанглатиб қўйиб қўйганча, ўзим иссиқ ваннада узала тушиб ётардим. Ёнгинамда турган тоза виски шишаси тугай деб қолганди.

Кайфим ошиб, хиёл томим кетай деб қолгани учун Гулливер билан Кисуля теннис ракеткаларини қўлларида тутганларича, спорт майдонида юзларига қизил югуриб, бамаъни одамлар билан тоза ҳавода ҳамнафас бўлганидан улар кўзимга рисоладагидай бўлиб кўринаркан, «сизларнинг соғлигингиз учун» дегандай стаканни хиёл кўтариб, бир қултум ичишга улгурдим, холос.

– Хў-уш... Бу кутилмаган янгилик нимаси яна, – деди Кисуля.

– Етти юз эллик доллар... – тилим аранг калимага келди. – Анави ерда... Ошхонада. Столда ётибди. Ҳатто қўл ҳам урганим йўқ...

Гулливер Кисуляни итариб юбориб, отилиб кирди-да, қўлимдаги стаканни тортиб олди. У стакандагини унитазга тўкиб ташлади, шишанинг тагида қолганини ҳам унга ағдарди. Ва зўр бериб мени ваннадан чиқара бошлади. Мен тамомила адойи тамом бўлишимга бир баҳя қолганини фақат шунда англадим...

– Едеяпман, лаънати қанжик! – Гулливер қичқирган-ча қовурилган тухумни оғзимга тиқарди. – Е деяпман, тентаквой!.. Вой ароқхўр-эй! Ҳозироқ қаҳвани ҳам ич!.. Буни қаранглар-а?! Бир қарасанг, фариштанинг ўзгинаси бир томчи ҳам ичмайдилар, кутилмаганда молдай ичib олганига нима дейсан. Е деяпман!

Кисуля ошхонада рўпарамда, эрталаб Итиро Кенэда нонушта қилган жойда ўтиради. Кисулянинг олдида долларлар ва сўмлар, ихчам электрон калкулятор, шарикли ручка ва бир парча қофоз ётарди.

– Сен, албатта, бирон нарса еб олишинг керак, – тақорлади Кисуля ва қўлига қалам олди.

Мен момиқ чойшабга ўралганча стол олдида титраб ўтирадим. Гулливер мажбурлаб оғзимга қовурилган тухумни тиқиб юборди ва бошим айланиб қўнглим айнай бошлади. Ҳиқиқоқ тутиб тебранганча ўрнимдан турдим. Симка қултиғимга кирди-да, унитаз томон бошлади. Куса бошладим.

– Жуда соз! – қичқирди ошхонадан Кисуля. – Ҳаммасини қайт қилиб ташласин, ҳаммасини!.. Афтини ҳам совуқ сув билан ювиб ташла.

Мен ҳушёр тортиб, фикрлаш қобилиятим тикланиб, үзимни тутиб юра бошлаганимдан сүнг Кисуля бир боғлам совет пулини мен томон сурди-да деди:

– Буларнинг ҳаммаси сеники, роппа-роса икки минг.

– Нима-нима?!

– Икки минг сўм. Мана, қара... – У менга бир парча қоғоз кўрсатди.

– Етти юз эллик доллар уч сўмдан – икки минг икки юз эллик сўм бўладими?

Ижара ҳақи – икки юз эллик сўмни олиб ташлаймиз. Роппа-роса икки минг сўм қолади.

– Нима учун тўрт сўмдан эмас, уч сўмдан?

– Ёқмайдими, доллар даллолларини үзинг топиб, үзинг топшира қол.

Симка деразага ўгирилганча, сигарета тутунини қўча томонга пуфларди.

– Ахир, менга уч минг сўм керак-ку... – үзимни йўқотганча дедим мен.

– Уйда бир ярим минг сўм пулим бор, деб үзинг айтганимидинг?

– Минг сўм қўшсанг, уч минг бўлади-да, – насиҳат қилди Кисуля.

– Бу ёғи неча пулдан тушди... Сенга нима ёмонлик қилган эдим, Кисуля?

– Мен сенга нима ёмонлик қилдим?! Долларни сендан тўрт сўмдан олиб, яна тўрт сўмдан топширишим керак экан-да?! Аҳмоғингни топиб бўпсан! Сен бу ерда ваннада сулжайиб ётгин-у, мен шўрлик ҳётимни гаровга қўйиб, доллар даллоллари билан олди-берди қилишим керак экан-да?

– Ахир биз дўстмиз-ку, Кисуля?!

– Дарвоқе, давлат ҳам сенга ғаним эмас, Танюха. Мехнаткашларнинг «талабларига биноан» нарх-на-

вони оширганда, эътиroz билдиришни хаёлингга ҳам келтирмайсан-ку? Давлат билан савдолашмайсан-ку?

– Баҳслашишнинг нима кераги бор, қизлар, – унинг гапини бўлди Гулливер. Бошбошдоқлик деганлари шу бўлади. Мамлакатда пул тизимининг олтига бирлиги амал қилинганидан мана шундай бош-кетини топиб бўлмай қолди. Менинг ожиз фикримга кўра, ҳаммаси мана шунинг оқибати.

– Яна қанақа «олтига бирлик», – тушунмадим мен.

– Ҳисобла! Сенга ишхонада берадиган сўмлар – биринчисими, аввалги сертификатлар, яъни Ташқисавдо-банкининг чеклари, – иккинчисими, социалистик мамлакатлар билан ҳисоб-китоб қилинадиган инвалиота сўмлари – учинчиси, капиталистик мамлакатлар учун инвалиота сўмлари – тўртинчиси, «Березка» учун «Д» серияли чеклар – бешинчиси, чет элларга қатнайдиган кемаларнинг денгизчилари учун – боналар – олтинчи-си! Бошбошдоқлик бўлмай нима бу, ахир?

– Буларга менинг қандай дахлим борлигини тушунтириб беринглар, қизлар?!

– Сен мана шу тузумнинг аъзосисан, – истеҳзо қилди Кисуля, зажигалкасини ўт олдириди-да, ҳисоб-китоб ёзилган қофоз парчасини ёндириб юборди. – Қисқаси, пулларни оласанми?

– Олмай нима ҳам қиласадим...

– Тўғри қиласан, – мақтаган бўлди мени Кисуля. – Энди, қизлар, қиласадиган ишимизнинг аниқ режасини тузиб олишимиз керак: «отахон-пул-нотариус». Токи Танкани алдаб кетмасин. Менинг таклифим шундай...

Нотариал идоранинг олдига отам билан таксига етиб келганимизда Кисулянинг машинаси ёнида сабрсизлик билан аланг-жаланг қилаётган Гулливерга олисданоқ кўзим тушди.

– Тезроқ бўла қолсанг-чи! – қичқирди у менга. – Икки кишини ўтказиб юбордик!..

У отамни машинадан деярли судраб чиқарди:

– Бўла қолсангиз-чи, отагинам, бўла қолинг!

Бир сония унга раҳмим ҳам келди, бироқ шу лаҳза қўрқа-писа шивирлаб қолди-ку:

– Пул қани, аввалига пулни чўзларинг!..

Ачиниш ўрнига ундан яна нафратлана бошладим.

Уч минг сўм солинган хатжилдни қўлига тутқаздимда, эшик томон бошладим.

– Санаб олсам бўлармиди... – отам нафаси тиқилганча йўл-йўлакай хатжилдга солинган пулни чамалай бошлади.

– Нимадан қўрқасиз, отагинам! – жеркиб берди Гулливер. – Ҳеч ким сизнинг қулоғингизга лағмон осмоқчи эмас. Қадамни каттароқ ташланг...

Нотариал идора жуда гавжум! Кисуля нотариус эшигининг шундоқ остонасида турганча қўли билан бизларга ишора қилди:

– Бу ёққа, Танька! Тезроқ!.. Тайёрлаб кўйилган ҳужжатларни қўлимга тиқишириди: – Ҳаммаси тайёр, бўлақол!

Отамни олдинга ўтказиб юбориб, нотариуснинг хонасига кирапканман, сўнгги паллада ортимдаги кампирнинг минфирилаганини эшийтдим:

– Нима учун улар навбатсиз киришяпти?

Унга жавобан Кисуля билан Гулливернинг дағдағаси янгради:

– Ким «навбатсиз» кирайпти?! Ким «навбатсиз» кирайпти?! Бутунлай кўздан қолибсан, қари қарға? Кампиршоҳнинг гапини қаранглар-а!..

Нотариал идорадан чиққанимизда Кисуля «Жигули»сининг олдинги ойнасини хафсала билан артар,

Симка эса узун чиройли оёқларини солинтирганча олдинги ўриндиқда ўтиарди.

– Ҳаммаси жойидами? – қичқирди менга Кисуля.

Мен муҳр ва штамп қўйилган қофозни бошим узра силкитдим.

– Ўтири, – Гулливер орқа эшикни очди, Кисуля эса рулга ўтириди.

Оtam пул солинган хатжилдни ғижимлаганча менга мўлтайиб тикилиб турарди. Кейин эса хиқиллаганча деди:

– Қизалоғим...

Мен лом-лим демай машинага ўтирдим.

– Саломат бўлинг, отахон! – Симка унга хитоб қилди-да, машина эшигини зарб билан ёпди.

– Ҳиқиллама, – деди шафқатсиз Кисуля.

Биз жўнаб кетдик. Мен ўтирилиб, отамнинг хатжилдни очганини, атрофга олазарак назар ташлаб олгач, пулларни санай бошлаганини кўрдим.

...

Қалин ялтироқ қорда чуқур из қолдирганча, ўттиз иккинчи уйнинг олдига совавтотрансга қарашли бесўнақай фургон тиркаб олган АВЕ- 51-15 рақамли «Вольво» юқ машинаси аста-секин келиб тўхтади.

Унинг баланд кабинасидаги свитер ва чангичиларнинг қалпоғини кийиб олган ҳайдовчи пастга сакради. Бир сония қотиб қолди-да, қилт эмасдан қулоқ солиб тургач, бизнинг ойнамиз томон қаради.

Айни бизнинг уйимизга қаради. Қиши ойларида ойналаримиз тамбалаб ташланганига қарамасдан ошхона ва бошқа хоналардаги дераза дарчалари очиб қўйилган, шу боис Хас-Булат тўғрисидаги эски қўшиқни берилиб айтиётганимиз кўчадан эшитилган бўлиши мумкин.

*Хас-Булат ҳей, Хас-Булат,
Сенга сирни очайин.
Бошингдан дур-жавоҳир,
Майли, тиљло сочайин.
От берай, берай эгар,
Милтиғим ҳам керакмас.
Буларнинг бари учун,
Хотинингни берсанг, бас...*

Даврада ўтирганларнинг ҳаммаси баравар жўро-воз қўшиқ айтардилар. Конъяқдан беармон отиб, учиб қолган Ляльканинг отаси ҳам қатордан қолмаётганди... Ляльканинг онаси – Тоня хола ҳам ҳаммага жўр бўлар, Кисуля билан Гулливер эса юракдан қуйлардилар... Зинка Мелейко паст, хиёл хирилловчи дилбар овози билан самимий қуйлар эди... Кўзлари жиққа ёш онагинам ҳам қўшиқ айтаётганди. Столнинг остидан бири-бирларининг қўлларидан ушлаб олганча Лялька ёш докторимиз Володя билан бирга қуйлар эдилар. Бу қўшиқнинг сўзларини улар қачон ўргана қолди экан...

Мен ҳам улар билан бирга қуйлардим. Кулоғим гаранг бўлиб қолганига ҳам қарамасдан қўшиқ айтишда давом этардим. Қуйлар эканман, тўққиз ва беш қаватли, бир пулга қиммат, хоналари товуқнинг каталагидай биноларнинг деразаларидан енгил-елпи режалаштирилган бинолар оралиғида музлаб ётган йўлакларга, янги қурилганига қарамасдан ғарип ва файзи йўқ маҳаллага – қадрдон уйим қадрдон ватанимга назар ташлар эдим...

*Қартайиб қолдинг, ахир,
У ёш, навқирон ҳали.
Гулдайин ёшлигининг
Бўлма дейман заволи...*

Кейин онам очиқдан-очиқ йиғлаётганини күрдим.
Бунга бефарқ қарай олмасдим. Уни беш метрлик ошхонамизга бошлаб чиқиб, стулга үтқаздим-да, қулига пичоқ тутқаздим:

- «Наполеон» кесинг. Мен пирожнийларни тақсим-чаларга жойлаб, қаҳва тайёрлайман.
- Балки кимдир чой иchar, – күз ёшларини ютиб деди онам.
- Чой ҳам дамлайман.

Она-бала ишга киришдик. Ҳолдан тойиб бұлаёзған-дим. «Мени ташлаб кетма, болагинам», – деб қолмасалар эди, деган фикр күнглимга ғулғула соларди.

– Мени ташлаб кетма, болагинам, – деди ойим ниҳоят. Шундай дейишиларидан қанчалар құрқаётган әдим-а!

– Сизни ташлаб кетаётганим йүқ, ойи. Ҳаётимни ўзгартириш учун кетяпман.

Хонадан эса қүшиқ овози әшитиларди:

*Ёш чинорнинг тагида
Иккимиз әдик ёлғиз...
Сузар экан олтин ой,
Чор-атроф сокин, сассиз.*

Турмуш шароитимизии ўзгартиришим шарт, ўзгартиришим керак, ойижон. Аксинча кутилмаганда ҳаммаси барбод бұлади. Мен шунча йиллардан буён...

- Кетма. Мен сенга ёрдам бераман.
- Бұладиган гапни гапирсангиз-чи, ойижон. Ошхона остонасида Кисуля пайдо бұлды:
- Ёрдам керак эмасми?
- Йүқ, бориб жойингга үтиравер. Бизлар ҳозир чиқамиз...

Кисуля ғойиб бўлди, мен эса ойимга бор гапни айтиб қўяқолдим:

– Ёлғон-яшиқ билан кун кечириш жонимга тегди... Оғизда бутунлай бошқа нарсаларни гапирадилар-да, амалда бутунлай бошқа нарсага дуч келамиз. Мен ҳам ёлғон гапираман. Ёлғон гапиришимни сиз ҳам биласиз. Ёлғончилигимни билишингизни ҳам биламан... Бироқ ёлғон гапиравераман, сиз эса ўзингизни менга ишонаётгандай тутаверасиз! Бу ҳам ёлғончиликнинг бир кўриниши... Ҳамма ёқда, ҳамма жойда шу аҳвол. Жонимга тегиб кетди!.. Мана бунисиға нима дейсиз, рестораннынг сурбет дорбони ёки ҳовлиқма ҳайдовчи расман – ойижон, расман!.. – ўқитувчи, муҳандис, доктордан икки баравар кўп маош олади?! Яна кўлига илинганини ўмаради. Кечдим бундай ҳаётдан. Тамомвассалом!

– Шундан келмайсанми, – деди ойим. – Ватанинни шундай аҳволда ташлаб кетишинг ўзи ҳам гуноҳи азим! Куприн билан Вертинский чет элдан она юртларига қайтиб келганларида ватандан кетиб, фожеали хатога йўл қўйганликларини умрларининг охиригача эътироф этганлар...

– Қиёслаган одамларингизни қаранг-у!.. Мабодо улар ҳам чет элга жўнаб кетиш учун мен каби минг машиқкат билан ҳужжатларни расмийлаштирганда эди, қайтиш-қайтмасликлари борасида бирон нарса дея олмаган бўлардим...

Шу палла Ляльканинг бор овоз билан қичқиргани эшитилди:

– Жим бўлинглар! Телефон!.. Чет элдан кўнғироқ қилишяпти!!!

Телефон қаттиқ жиринглар эди. Хонага ўқдай учиб кириб, телефон гўшагига ёпишдим:

– Лаббай! Ҳа, мен Ларsson хонимман. Ҳа. – Стол ат-рофида ўтирганларга қарата дедим: – Швеция. Стокгольм...

Яна телефон гүшагига бақира бошладим:

– Ҳа, Эдик! Ҳаммаси жойида!.. Таксига буюртма бердик! Ҳа! Хавотирланма! «Су» эллик учинчи рейсда уча-ман. Ҳамма сенга қызғин салом йўллаяпти... Ойим ҳам сени ғойибона ўпмоқдалар! Нима? Мен ҳам албатта!.. Яхши! Яхши, деяпман!.. Кутиб олгани чиқ!

Мен телефон гүшагини қўйиб, эрим билан қисқа суҳбатлашганимдан хиёл хижолат бўлдим. Гарчи суҳбатни мен тўхтатиб қўймаган бўлсам ҳам.

– У ёқда телефонда гаплашиш учун отнинг калласидай пул тўлаш керак. Биздагидан бирмунча қиммат...

Яна телефон жиринглади. Яна гўшакни олдим.

– Лаббай! Ҳа, чақирган эдик! Бироқ биз икки машинага буюртма бергандик. Тайёрагоҳга. Бир дақиқа!

– Мен деразадан қарадим. – Илтимос, ҳайдовчиларга айтинг, ўттиз иккинчи уйнинг олдига келишсин. Бизнинг уйнинг олдига машина кела олмайди. «Совтрансавто»нинг машинаси йўлни тўсиб қўйган... Яхши, куттамиз.

Мен Лялькани юваниш хонасига чақириб, жамғарма дафтарчасини қулига тутқаздим.

– Эртага, ойим ўзига келгандан кейин берасан. Бу эса мендан эсадалик. – Мен олмосчалар билан безатилган соатни Лялькага узатдим. – Бадавлат аёлларга мулжалланган, Япониянинг фахри.

– Раҳмат...

– Володяни хафа қилма. У ажойиб йигит. Тушундингми?

– Мен ҳам сен билан кетгим келяпти, – Лялька кўзларини олиб қочди.

– Нима қиласан?.. А, Лялька, – бирданига самимий гумонсирадим.

Стокгольмга учаётганларга паспорт назоратидан ва божхона күригидан ўтишни таклиф қилган паллада икки машинада тайёрагоҳга етиб келдик.

Ойим биринчи марта мўйна пальтосини кийиб олган эди. Гаплашиш ва хайрлашишга деярли вақт қолмаганди. Володя босиб-босиб чекар, Лялькани сийпалар эди, бошқалар эса одатдагидек аёлларга хос йифи-сиги қилишарди.

Божхона хизматчилари, юкчилар ажнабийлар ҳамда таржимонларга, Интурист ва аэрофлот хизматчиларига эътибор ҳам бермасдан Гулливер билан Кисуля очиқдан-очиқ йиглар, Зина Мелейко ва Тоня хола бўлса, мархумни йўқлагандай уввос тортар эди.

Мен ўпкам тўлиб, ўқсиб-ўқсиб йигланча, ойимнинг қўлларини ўпардим, гўё ундан рози-ризолик сўраётгандай эдим...

Ойим эса йиглайвериб қуриб қолган кўзлари билан тикиларди ва иккаламиз ҳам бу ҳаётда сўнгги марта кўришаётгандай хис этардик ўзимизни.

Қор қоплаган Ленинград узра тайёрамиз айланиб учар экан, музлаган, қатор кўприклар солинган Нева дарёсига кўзим тушди ва негадир ўзим ўзимга дедим:

– Бўлди!..

Ёнгинамда жойлашган миқти ажнабий қария менга ўгирилди-да, қошларини уйиб, саволомуз тикилди. Мен эса бурнимни тортиб кўйдим-да, унга имкон бори-ча хайриҳоҳлик билан жилмайдим...

ИККИНЧИ ҚИСМ

Швецияда универсам билан унвермагнинг антиқа умумлашмаси бўлган «Сторгмаркнада»дан чиқиб келаетганимизда таниш-билишлардан бирортаси дуч келишини бир ярим йил мобайнида қанчалар орзу қилмадим! Бу маҳобатли дўконга келиш мен учун ҳар гал байрамга айланиб кетади!

Йирик ойнабанд эшиклар ўз-ўзидан очилди-да, миттигина ёқимтой «Вольво343» енгил машинам ёнига бораман. Бу ерда доимий ҳамроҳим – япон лайчасини қўлимдан қўймайман. Кетимдан эса ялтироқ халтачаларга жойлаштирилган озиқ-овқатлар билан лиқ тўла аравачани фиддиратганча маҳсус коржомада дўкон хизматчиси бўлган болакай чиқиб келади.

Мен «вольво»гинамнинг юхонасини очаман ва болакай Фросяга хушмуомалалик билан тегажоғлик қилганча харид қилинган егуикларни аравачадан машинамга эҳтиётлаб жойлаштиришга тутинади.

Ҳаммасини жойлаб бўлгач, машина юхонасини оҳиста ёпади-да, хиёл таъзим билан калитни менга тутқизар экан, харидларим учун миннатдорчилик изҳор этади. Мана шу жойга келганда бизлар қўришмаган кейинги ҳафта мобайнида бўйи яна ҳам чўзилиб, яна ҳам тўлишганини, эндиликда эр кишидай бўлиб қолганини албатта, таъкидлайман. Ва унга икки крона

тутқазаман. Бизлар хайрлашамиз ва мен ўз машинам рулига ўтираман.

Шведча валақлаш ва машина бошқаришни жуда тез үрганиб олдим ва бу борада ҳеч қандай қийинчилликка учраганим йўқ.

Бизнинг уйимиз Стокгольмдан йигирма километр масофада, шаҳар яқинидаги Салем қишлоғининг ёнгинасида, Швециянинг жанубига олиб борувчи Е-туртинчи шоҳкӯчасидан беш юз метр ичкарида жойлашган.

Кичик шаҳарлар ва йўл бўйидаги қишлоқлар аҳолиси одатда бир-бирларини номма-ном танийдилар ва деярли ҳамиша ҳайриҳо бўладилар.

Шу боис Салем қишлоғидаги шоҳ кўчанинг ёнгинасида жойлашган қўйиш шаҳобчасининг хизматчиси дарҳол менга қичқиради:

– Хайрли тонг, Ларsson хоним!

– Салом Мартин! Рея аллақачон дўконни очгандир?

Еттидаёқ очган. Ларsson хоним, кириб гаплашаверинг. Мен ҳаммасини қиласман-да, машинани қаҳвахона ёнига олиб бориб қўяман.

– Салют! – деди мени остоңада кўрибоқ Рея. Ҳаммаси жойидами?

– Жойида! Узинг қалайсан?

– Чаккимас. Ҳар доимгидаими? – У йирик стаканни олди.

– Албатта. Узингга ҳам қўй.

Раҳмат. Эдвардга қўнғироқ қилмайсанми?

– Бўлмасам-чи, – мен телефон ҳақини узатаман, Рея эса телефон аппаратини мен томон суради-да, йирик стаканларни мен хуш кўрадиган ичимлик – кокос ёнғогининг сути аралаштирилган ананас шарбати билан тўлатади.

Мен «Белитроник» фирмасининг телефон рақамини тераман.

– Лаббай? Мұхандис Ларссон эшитяпти.

– Ассалому алайкум, жаноб Ларссон, – русча гапирапканман, Рея бегона тилдаги гап-сүзларни ҳар доимгидай берилиб тинглайди. – Сиз билан Совет Иттифоқининг Балиқ саноати вазири ўртоқ Тютькин гаплашяптилар.

– Салом, ўртоқ Тютькин, – русча жавоб берди Эдик. – Сиз билан гаплаштганимдан жуда мамнунман. Нима хизмат?

– Биз бакрабалиқтарни уй шароитида автоматик овлаш учун махсус дастурли мантупульяторни сизнинг фирмандызга буюртма бермоқчи эдик.

– Жуда соз! Буюртманғизни қабул қиласыз, ўртоқ Тютькин.

– Мемлекеттің қоғамдық қайсы пулда тұлашимизни хоҳлар әзінде, жаноб Ларссон? Кронадами? Доллардами? Рублдами?

– Гап шундаки, ўртоқ Тютькин, ағасуски, жағон валюта бозорида швед корхонаси билан америка долларининг баҳоси үзгариб турибди. Рус рублиниң қийматы эса барқарор. Шунинг учун, ўртоқ Тютькин, мен рус рублини афзал күраман. Сизге ҳам шуниси маъқулми?

– Үйга әртароқ келишингнинг ўзиёқ мен учун кифоя, жин урсин! Гаражда яна чироқ ёнмаяпти, машинани олиб чиқиш учун кирганимда афтимни бузиб олишимга сал қолди!..

– Шўрлик ўртоқ Тютькин! Бечора қуёнчам!.. Яна Реяниң қаҳвахонасида заҳардан ҳам қиммат кокос сути аралаштирилган буламиқни ичяпсанми?

– Соғлиқ ҳаммасидан ҳам қиммат, – дейман унга. – Эдинька! Бугун әртароқ келгин... Фрося билан қанчалар зерикаёттганимизни билсайдинг?

– Яхши, яхши. Якшанбага меҳмон чақирганимиз ёдингдами?

– Ҳозиргина «Стромаркнада»дан келаяпман. Ҳаммасини харид қилдим.

– Ақллигинам! Реяга салом айт. Үпаман.

Мен телефон гүшагини қўяман-да, шарбат тўла стаканни кўтараман.

– Чин-чин, – дейди Рея ва биз шарбатни хўплай бошлиймиз.

– Эдвард билан русча гаплашишларингизни ёқтираман-да.

– Қанчалар бўлмағур нарсалар ҳақида гап сотишимизни билганингда эди, – куламан мен.

– Нима фарқи бор. Рус тилининг жарангдорлигини яхши кўраман.

Қаҳвахонага Мартин кириб келади ва машина калитини менга тутқазади.

– Ҳаммаси жойида, Ларsson хоним. Сизнинг ҳисобингизга ёзиб қўйдим.

– Ташаккур, Мартин. Мен дераза ортига келтириб қўйилган митти енгил машинамга назар ташлар эканман, бесўнақай фургонли йирик юқ машинаси дизель ёқилғили алоҳида колонка ёнига келиб тўхтаганини кўрдим.

Бутун фургон бўйлаб узунасига «Совтрансавто» дея зангори ҳарфлар билан ёзилганди...

Бир кўтаришдаёқ стаканни бўшатдим. Мартинга чой пули узатдим, Реяга ҳам пулни тўладим-да, Фросяни қўлимга олиб, қаҳвахонадан чиқдим. «Вольво»гинамга чиқишига эндиғина чоғланган ҳам эдимки, россиялик ҳайдовчи Мартиннинг ҳамкасабаси дизель колонкадан ёнилғи қуядиган кимсага харитани кўрсатганча ниманидир сўрамоқчи бўлаётганини кўриб қолдим. У ҳайрон бўлгандай елка қисарди.

Йигитга ёрдам бермасам виждоним қийналадигандай бўлди. Уларнинг яқинига бордим ва (майнабозлик ҳам эви билан-да!) озгина ҳунар кўрсатгим келиб қолди.

– Бу йигитга нима керак экан, Эйнар? – сўрадим шведчалаб.

– Ларsson хоним, у немисча гапиришга уринаяпти-ю, бироқ гапларини фақат Жанубий Африкадагина тушунишлари мумкин.

Рус ҳайдовчиси ўттиз уч ёшлар атрофида, лаънатининг қадди қомати келишгангина, биринчи май плакатидан ҳозиргина тушиб келгандай!.. У менга мутлақо тушуниб бўлмайдиган тарзда немисчалаб мурожаат қилди. Ва йўллар харитасини узатди.

– Етар, – дедим мен унга русчалаб. – Немисчани қойиллатиб гапираксансан. Нима гап ўзи?

У аввалига анқайиб қолди ва ҳайрон бўлганча деди:

– Русча жуда яхши гапиракансиз...

– Мен шунаقا жуда қобилиятлиман. Қаерликсан?

– Ленинградлик. Сиз шу ерлиkmисиз?

– Шунаقا десак ҳам бўлаверади. Ленинградда қаерда яшайсан?

– Сиз, эҳтимол, билмассиз. Фан проспектида.

Хушёр тортдим:

– Қайси уйда?

– Нима аҳамияти бор? – кулди у. – Айтсам айтиқолай – ўттиз учинчи уйда...

Мен хиёл ортга чекиндим-да, машинанинг олдинги рақамига назар ташладим – АВЕ-51-15 ва ҳаммасини тушундим:

– Демак, мен ҳар гал айни сен жин ургур туфайли ўз уйимнинг олдигача енгил машинада бора олмаган эканман-да!..

Фросяни күттарганимча «Сторгмаркнада» – Салем қишлоқасидаги дүконнинг кийим-кечаклар билан савдо қилинадиган иккинчи қавати бўйлаб елиб югу-парканман, Витя хилма-хил лаш-лушларни аранг кута-риб, ортимдан зўрга етиб улгуарди.

– Хотинингнинг бўксаси қанча? Айланасининг узун-лиги-да.

– Мен қаёқдан биламан?! – жаҳли чиқади унинг. – Бўлди қил, Татьяна. Сен мени ўта нокулай ахволга со-либ қўяяпсан!..

– Вой аҳмоқ-эй! Йўқ, Витъка, сен ҳақиқатдан ҳам аҳ-моқсан, ана қулоқларинг айтиб туриби. Бу сарф-хара-жатлар мен учун хамир учидан патир ҳам эмас. Шундай экан нима учун сен ўз ҳамёнигдан сарфлашинг керак? Хотинингга манави шимни олмаймизми? Ленинградда ҳозир бунақасини биронта ҳам чайқовчидан тополмай-сан! Қизингга ҳам шунаقا камёб нарса харид қилай-лик... Кейин хурсанд бўласан! Ҳамма анқайиб қолади – ҳозир бу жуда урф бўлган-да!

Кейин йўл бўйида жойлашган қаҳвахонанинг айво-нида ўтиарканмиз, машиналаримиз – менинг митти «Вольво»м билан унинг улкан «Вольво»си ёнма-ён ту-риб олганча, гўё бизларни кузатар эди. Стол остида эса ҳолдан тойган Фрося ғингшир эди.

– Ўзимиздан фанер, грузин шароби, полиэтилен, торф олиб келамиз, – дейди у.

– Бу ердан эса Хексенесдан металл кукуни, Эсловдан «Жигули»лар учун иситгичлар билан ойна олиб кета-миз... Клиппандан инерцион хавфсизлик қайишлари, Гётеборгдан мана шундай «вольво»лар учун эҳтиёт қисмлар ташиймиз... – У ўзининг машинасига ишора қилди.

– Яна бирон нарса еб олсанг-чи, Витя, – оҳиста дедим унга.

– Шундоғам жуда сийлаб юбординг!

– Балки бир хўплам ичарсан?

– Нималар деяпсан, Татьяна! Ахир рулдаман-а.

– Мен яна қиттай отмасам бўлмайди, шекилили, – шундай дедим-да стаканимга жин қўйдим.

– Шуни бекор қилдинг-да, Танька, – бош чайқади Витя. – Бу ернинг полициячилари бу борада юз-хотир қилиб ўтирумайди!

– Қирқ йил қирғин бўлганда ҳам ажали етган ўлади, деган гапни эшигтансанми, – деб стаканин кўтардим.

– Сен учун. Ленинград учун... Хотининг, қизинг учун. Менинг ойим учун.

Мен ичдим ва негадир хўрлигим келди. Бироқ сир бой бермадим.

– Швецияга шу билан яна қачон келасан?

У ҳамёнидан «Совтрансавто»нинг фирма жадвалини чиқарди-да, бироз тараддуллангач, деди:

– Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлса, йигирма биринчи ёки йигирма иккинчиде Стокгольмда бўлиб, «Викинг-Лайн» бандаргоҳидаги паромдан ўтаман.

– Шу тақвимни ҳадя қилгин-а, – ўтиндим мен.

– Ма, олақол.

– Раҳмат... Раҳмат сенга, Витя.

– Раҳматнинг нима ҳожати бор!... Аксинча, мен сенга миннатдорчилик билдиришим керак.

– Бемаъни гапларни гапирма. Бизлар харид қилган кўйлак ва туфлини ойимга, кофтани эса келишгани миздай Лялькага берасан-да, ишларим жуда-жуда яхши эканини уларга айтасан...

Шу ерга келганда ўзимни тута олмай йифлаб юбордим.

Уйда Эдикни кутар эканман, пирог пиширишга ту-
тиндим. Америка мультфильмларини қўйиб, овозини
пасайтиридим-да, тез-тез ишимни қила бошладим. Ха-
мир ейиш билан бир вақтда телеэкрандан ҳам қўзимни
узмай дейман:

Қип-қизил анқовларнинг ҳаммаси четдан ёпирил-
ганлар, келгиндилар эмасми. Кичик шаҳарчалар, ту-
ман марказлари, қишлоқлардан мур-малхадай ёпири-
лишган... Москвага ёки бизнинг Ленинградга бокира
оиймқиз бўлиб келадилар. Аввалига техникумлар, пе-
дагогика билим юрти, савдо мактабларига кириб оли-
шади. Маъзур тутасиз...

Стаканга бир оз жин қўйдим-да, тоник билан ара-
лаштиридим. Икки-уч қултум ичиб, ёнимга қўйдим.

Бу ҳунар билан шуғулланадиган асил москвалик ва
ленинградликлар нима учун нисбатан камлигини анг-
лаб етдим. Бизлар аслида ҳам бармоқ билан санарли
даражада озмиз. Биз... Нима десам экан?... Биз табиа-
тан лоқайдмиз. Ота-онамиз ёнимизда, уй-жойимиз му-
ҳайё. Бирон бир нарсаннинг ташвишини қилишнинг
ҳожати йўқ.

Улар эса уй-жойи йўқ бедана, қаерга боришмасин
– таралла бедод. Мен ойимга ҳар хил ёлғон-яшиқлар-
ни тўқиб-бичишим керак: «дугонамникида қолиб
кетдим...», «метрога улгуролмадим...», улар эса ҳеч
кимнинг олдида ҳисоб беришмайди. Ётоқхонасига ту-
нагани келмади – бунинг кимга оғир-енгили бор? Мен
уйдан чиқаётганимда ёғ суриб, бир бўлак нон ола ке-
таман, бу қизлар еб-ичиш ва биноийдай кўринишлари
учун жон олиб, жон беришлари керак!..

Яна озгина ичдим-да, хамир ийлашни давом эт-
тиридим.

Улар устаси фаранг бўлишлари керак! Мана ўзинг қара, ҳозир ҳамма соҳаларда – спортда, илм-фанда, ҳатто маъмурий соҳадаги энг юқори лавозимларга-ча фақат вилоятлардан келганларнинг ошиғи олчи! Биз лаллайиб турарканмиз – улар олдимиздаги насибамизни илиб кетишаяпти. Валютага юрадиган фоҳишаларнинг энг зўрлари кимлар? Ўта айёrlари, ўта очкўз, ўта зийраклари ким, ахир? Ўшалар-да!.. Мана Кисуля. Маданият институтини тугатган Сима Гулливер волейбол бўйича спорт мастери. Зинка Мелейко саксон саккизинчи модда бўйича қамоқقا қаерда тушиб қолган эди? Университетнинг бешинчи курсидан, фалсафа факультетидан! Ваҳоланки, қайси бири Псковдан, яна биттаси Вологдадан, яна бири эса Череповецдан... Энг уддабуронлари орадан саноқли йиллар ўтиб-ўтмасдан уй-жойли ҳам бўлади, машина ҳам харид қиласидар, боз устига «кук»идан керагича тўплаб ҳам қўйишга улгуради. Шаҳарни ёппа босишаяпти-да!

Стаканни кўтардим, чироққа бир қараб олиб, яна бир хўпладим.

– Уларнинг ишни пухта қилишларини айтмайсизми! Ҳамма билан тил топишади... Ўзлари ҳам отнинг калласидай пул ишлайдилар ва бошқаларни ҳам қуруқ қўйишмайди. Керакли ўринларда пулнинг бетига қараб ўтиришмайди... Валютага юрадиган фоҳишалар кунига йўқ деганда элликдан икки юзгача сарфлашади! Албатта, кунига қанча топишига қараб сарфлайди... Уларнинг орқасидан қанча текинхўрлар кун кўрадилар, дейсанми!.. Бошимдан ўтказганман – яхши биламан.

Хамирнинг тузини кўрдим – мазза-матра деган нарсанинг ўзи йўқ. Туз қидирдим – туздан бўш...

– Оббо, жин ургур-эй! Наҳотки туз тугаган бўлса?!
Миям қурсин-а! Икки ҳафтадирки, туз олиш эсимдан
чиқиб қолади? Шу ҳам иш бўлди-ю!..

Қўлимни артиб, пешбандни ечдим-да, ягона сухбат-
дошимга юзландим:

– Етар, Фрося. Кечиргайсан. Тиланчилик қилмасам
бўлмайди, шекилли. Қолганини кейин айтиб бер-
ман...

Кунда-шунда ягона тингловчим Фрося думини ли-
киллатиб кўйди.

– Хёльстрем хоним! Хёльстрем хоним!.. Сиздан арзи-
мас илтимосим бор эди...

Кўшним Хёльстерм хоним шу заҳотиёқ сувни берки-
тиб, меҳмондўстлик билан жилмайди:

– Марҳамат, Ларsson хоним. Тортинмай сўрайве-
ринг. Бажонидил!

Сўнг Эдик ишдан келди. Уни нималар билан овқат-
лантирамадим дейсиз. Албатта, ўзи хуш кўрадиган ка-
рамли пирожкани хам маза килиб еб олди. Ўзим эса
деярли хеч вақо емадим, факат анчагина тоник ара-
лаштирилган жиндан хўплаб ўтирдим.

– Пирожка жуда ширин бўлибди-да! – деди Эдик. –
Назаримда, бўлим бошлиғи этиб тайинлашса керак.

– Яшшавор! – Кучсизгина дринкни тантанавор кў-
тардим. – Омадинг чопганидан шунақаям хурсандман-
ки!..

– Бу сенинг ҳам омадинг чопганинг ҳисобланади.
Маошимни анчагина оширадилар ва биз ниҳоят...

– Совет Иттифоқига йўлланма харид қиласиз! – ку-
вониб кетдим мен.

– Шундай қилсак ҳам бўлади. Бироқ мен навбатдан
ташқари уй учун ижара ҳақи тўлаб қўйган бўлардим.
Узокни кўзлаб иш тутиб, шундай қилганимиз маъқул.

– Ахир Ленинградга бориши бусиз ҳам ярим йилдан буён орқага суриб келаяпмиз-ку. – Мен хафа бўлганимдан салкам ярим стаканни симириб юбордим.

– Нотўғри гапирайпсан, – ранжиди Эдик. – Ўтган йили машина оламан деб харҳаша қилмаганингда Россияга бориб келган бўлардик. Илтимос, ичишни бас қилгин.

– Мен ичаяпманми? Наҳотки шуни «ичиш» деб бўлса? Шунчаки тоник хўтлаяпман, холос. Ишонмасанг, ичиб қўра қол!..

– Раҳмат, ичгим келмаяпти. Раҳмат, сенга айтдим-ку... Мен сенга ишонаман, асабингни бузма. Ва яна. Арзимас илтимосим бор: фрау Хёльстремдан ортиқ туз сўрамагин. Умуман, ундан ҳеч нарса илтимос қилма. Бошқалардан ҳам. Ҳеч қачон. Ахир сенга неча марта айтишим керак – бизларда бундай таомилнинг ўзи йўқ. Бизнинг ташвишларимиз – фақат бизнинг ўзимизга тегишли, шубоис ҳеч кимга оғирлигимиз тушмаслиги керак...

– Вой, қанжиф-эй! – ғазабландим мен.

– Гапим тугагани йўқ, – Эдик қатъий шундай дегач, тилимни тишлаб қолдим. – Фақат русларга хос дилбар самимийлигингни бу ерда бошқача тушунишлари мумкин.

Мен бир қутаришда стаканни бўшатдим, столга тақиллатиб қўяр эканман буюк ва қудратли рус тилида сайрай кетдим:

– Ахир мен бу қари қарғадан бир кафтгина туз сўрадим, холос!!! Виждан деган нарса борми ўзи унда?!

– Ҳар бир халқнинг миллий ўзига хос хислатлари бўлади, – Эдик ҳам русчалаб имкон борича босиқлик билан деди, бироқ энди мени тўхтатиш амримаҳол эди. Эҳтимол, кайфим хиёл ошиб қолган бўлиши ҳам мумкин...

– Жуда тұғри! Жуда ҳам тұғри!.. Үрф-одатларингиз билан құшмозор бүлмайсизларми!.. Құшнимдан бир овқатлик туз ёки бир бүлак нон сұрасам қандай бүлар-кан, деган фикр Ленинградда ҳатто хаёлимга ҳам кел-маган бүларди! Ёки маошгача ҳеч тортингінде беш-үн сүм сұрашим ҳам ҳеч гап әмас!... Бундай миллий хусусиятингизга туптурғаним бүлсін! Ҳамманғиз бир-бірингизга тишиңгизнинг оқини күрсатиб, тиржайиш-га устаси фаранг бүлганингиз билан панд бериш учун пайт пойлайсизлар!

– Жаҳлинг чиқмасин, жонгинам, – охиста деди Эдик ва столдаги жин шишасини олиб қўйди. – Хафа бўлишингга арзимайди.

Тун бўйи гапимиз қовушмади. Эдик мутолаа қилди. Мен шипдан кўз узмасдим. Ёнимда Фрося мудраб ётарди.

Сунг Эдик газетани бир четга қўйди-да чирокни ўчирди.

– Доктор нима деди? – деб сўради.

– Айтишича, менда қўрқадиган нарсанинг ўзи йўқ экан. Сени тиббий кўриқдан ўтказмоқчи...

– Шунақами? Қизик...

– Қизик-пизиги йўқ. – Мен ҳам бошимдаги чироқни ўчирдим. – Эр билан хотин фарзанд кўришни истар экан, иккаласини ҳам тиббий кўриқдан ўтказиш керак.

– Мен бирон нарса дедимми, – муросагўйлик билан шивирлади у ва мени бағрига босмоқчи бўлди.

Митти Фрося унга астойдил ириллади.

– Фросяни ёнингда олиб ётишинг шартмиди? – сўради Эдик.

– Кераги йўқ, Эдик... Бусиз ҳам жуда-жуда чарчадим, – дедим-да Форсяни бағримга босдим.

Эдик индамай ўрнидан турди-да, кўрпа-тўшагини олиб, бошқа хонага чиқиб кетди.

Фросянинг тумшуғидан упдим-да, кўзимни юмдим...

Якшанба куни ҳовлимиздаги манзара чет эл фильмларини эсга соларди: бизникига меҳмондорчиликка келганларнинг машиналари қаторлашиб турар, хотинлари ва бола-чақалари билан машина соҳиблари эса яйраб ўтиришарди: ҳаммасининг эгнида гард ҳам қўнмаган оппоқ кийим-кечаклар...

Аёллар тўр ўриндиқларга чўкишган, эркаклар эса Эдварднинг атрофида уймалашадилар.

Эдварднинг ўзи эса пешбанд тақиб олганча кийик гўштидан кабоб пишираётир.

Фақат Гюнвальд оиласи келмаган эди. Бирон сабаб билан кечиккан бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Балки, Стокгольмдан машинада оила аъзолари шошиб келаётгандир. Гюнвальд азбаройи бесарамжом эди, буни хотини Ева пайқаган бўлиши ҳеч гап эмас.

Бизнинг ҳовлимизга кириб келаверишда Гюнвальд кимгадир қаттиқ сигнал берди ва Ева ажабланиб унга тикилди:

– Сенга нима бўлди, Гюнт? Нима учун бунчалар асабийлашётганингни тушуна олмаяпман?

– Чунки қабул маросимиға кечикаяпмиз, бу ахир яхши эмас!

Ева хотиржам жилмаяркан, енгини мулойимлик билан силади:

– Азизим, ўз хотининг ва пушти камарингдан бўлган болаларингни рус фоҳишасиникига меҳмондорчиликка олиб бориш одобдан эмас.

– Ева, ўтинаман, бас қил... Таня – эски қадрдонимизнинг хотини, шунинг учун ҳам...

– Ленинградда сен ҳам у билан ётганимисан, азизим?

– Вой худойим-эй! Ахир неча марта айтишим керак...
– Тұшакда үзини қандай тутади? – Ева сигарета тута-таркан, эрига қизиқсинаң қарайди...

Катталар ва болалар учун столларни меҳмонлар ке-лишидан анча олдин тайёрлаб қўйган эдим. Россияяда бўлган ҳар бир швед меҳмондорчиликни самоварсиз тасаввур қила олмайди. Шунинг учун самовар ҳам қай-натдим.

Эркакларнинг ҳаммасини Ленинградда ўтган кўр-газмалар чоғида таниб олгандим ҳисоб. Уларнинг аёл-лари билан эса шу ерда танишдим. Уй бекаси сифатида эндиликда ўн беш чоғли болалар билан овора бўлаёт-гандим. Улар тўрт ёшдан ўн иккигача бўлган чурвақа-лар эди.

Асабийлашганимдан бирон-бир қизиқроқ фикр хаёлимга келмади, фақат арқон тортиш билан уларни машғул қилишни ўйлабман, холос. Лекин боласи туш-магурларга айни шу керак экан. Мен болакайлар билан арқоннинг бир томонидан Гюнвальднинг тўнгич ўғли ва яна бир неча болалар бошқа томондан торта бошли-дик...

Ўйинга шундай берилиб кетибманки, атрофимда нима рўй бераётганини ҳам салкам унугаёзибман! Ваҳоланки, кайфи анча ошиб қолган Гюнвальд мен-га ҳирс билан тикилар, фирма директорларидан бири жаноб Туррелнинг атрофида эркаклар гирдикапалак бўлишар, Гюнвальднинг туртинчи фарзандига ҳомила-дор хотини эса бизнинг қалтис ўйинимизни кузатаёт-ган экан. У тўқима оромкурсида ястаниб ўтирас, қўли толганда ялтироқ қоғозга ўралган музқаймокни дум-пайган қорни устига қўярди.

– Қани тортдик!.. – далда бердим мен ўз томонимда-гиларга. – Яна бир марта, я-н-а! Бўш келманлар!

Ва менинг жажжи шведларим ҳеч вақо англамасалар ҳам менга құшилиб русча сүзларни тақрорлашар, арқоннинг икки томонидан тортганча бутун ҳовли бүйлаб чир айланар эдик. Фрося эса оёқларимиз остида үралишар, эси оғадиган даражада жон-жаҳди билан акилларди!

Аёллар бизларга қарсак чалишар, әрқаклар эса ҳайқириб далда берган булишарди.

Буларнинг ҳаммаси шу билан тутадики, охир оқибат арқонни торта-торта, айланана-айланана ҳаммамиз аралаш-куралаш бир жойга йиқилдик. Қийқириқ кулгу, бақир-чақир!.. Ғолиблар қаёқда-ю, енгилғанлар қаёқда билиб бұлмас эди?

Мен айқаш-үйқаш бўлиб ётган болакайлар орасидан аранг чиқиб олдим. Не кўз билан кўрайки, кўйлагимга қараб бўлмас эди – майсаларнинг ранги уриб, кўкариб кетган, кўкрагимда эса шапалоқдай жигарранг доғ.

– Даҳшат-ку! – дедим алам билан.

– Бу менинг шоколадим, – тушунтириди болакайлардан биттаси. – Йиқилаётганимизда оғзимдан чиқиб кетди.

– Ҳечқиси йўқ. Ҳозир кийимимни ўзгартираман-да, сенга бошқа шоколад ола келаман.

Юқорида, ётоқхонада ифлос бўлган кўйлагимни тезгина ечиб, ёлғиз ички кийимда қолдим (бу ерга келиб сийнабанд тақмай қўйдим), жавонни очиб, ёзги жинси ва оппоқ кофтани олдим. Шу асно бир пайтлар беркитилган жин шишасига кўзим тушди. Қўлимга олдим – тагида озгина қолган экан – кўтариб қўя қолдим.

Ва зинадан кимдир кўтарилаётганини эшилдим. Бу ҳунаримни бир ками Эдик кўриши қолганди! Шишани каравот тагига тиқдим-да қичқирдим:

– Сенмисан, Эдик? – ва ўгирилдим.

Ётоқхона остонасида кайфи ошиб қолган Гюнвальд Рённ пишиллаб нафас оларди.

Құрқиб кетдим, жинсини олдим-да, күкрагимни яширдим.

– Бу нима қилганинг?! Ҳозироқ чиқиб кет! Құрмаяпсанми, кийимимни алмаштираяпман... – Үзимни йүқотиб қўйганимдан ва қўрқанимдан русча гапираётганимни ҳам пайқамабман.

Бесўнақай Гюнвальд эшикни ёпди-да, мендан кўз узмай миқ этмасдан шимини еча бошлади.

– Нима қилаяпсан?.. – Мен ҳатто қичқира олмасдим. Ётоқхонамизнинг деразаси очиқ бўлгани учун боғдагилар эшитиб қолишлари мумкин эди. – Ҳозироқ бас қил!..

Унинг ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлдим, бироқ тутиб олди-да, жинсини юлқаб ташлаб, ўпа кетди.

– Кўйиб юбор!.. Кўйиб юбор деяпман, газанда!.. Кўйиб юбор!..

– Ҳақини тўлайман!.. – шивирлади у хирс билан ва мени тўшак томон судрай бошлади. – Ленинградда тўлаганимдан ҳам кўпроқ берганим бўлсин! У ёқда қанча берганим эсингда бўлса керак, ахир?!

– Кўйиб юбор, ҳайвон! Ифлос!.. Лаънати!.. – У менинг қўлларимни қайирар, тамомила ҳолдан тойиб бўлгандим. – Наҳотки шундай қилиб бўлса?! Ахир сен менинг уйимдасан! Менинг уйимда!..

– Сен менинг уйимдасан! Менинг мамлакатимда!.. – ҳириллади у ички кийимимга чанг соларкан. – Бу ерда яшаётганинг учун мендан қарздорсан! Эдвардни ким топиб берганди сенга!.. Ё ким эканинг эсингдан чиқиб қолдими?! Фоҳиша!!!

У мени каравотга итариб ташлади-да, шоша-пиша шимини еча бошлади. Бир дақиқа унинг чангалидан

кутилганимдан фойдаланиб, құнимни каравотнинг тағига юборганимни биламан, жиндан бүшаган шиша илиниб қолди-ку, бор кучим билан Гюнвальд Рённнинг бошига солдим!

Шиша синиклари түрт томонга сачради. Гюнвальд бошидан қон оқаркан ҳолдан тойиб, йиқила бошлади...

Сакраб ўрнимдан турдим, ётоқхона эшигини очиб, хушидан кетган гүрсүхтани зинанинг олдига судраб келдим – шунча күч қаердан пайдо бүлганига ҳайронман! – заррача раҳм қилмасдан зинадан пастга итариб юбордим. Пиллапоялардан юмалаб пастга тушди-ю, ўликдай қотди-қолди.

...Бир дақиқа үтиб, кийиниб үзимни тартибга келтирған ҳолатда Гюнвальднинг бошидан минерал сув қўяр эдим. Минерал сувдан унинг боши ва юзидағи қон юқи қизғиш кўпикка айланарди.

Кўзини очганда дастлаб Эдварднинг қўшотар ов мильтифини ўқталиб турганимни кўрди. Милтиқ ўқланган, уни тинчтиб қўя қолишим ҳеч гап эмас эди!

– Шимингни тутгасини қадагин-да, гапларимга диққат билан кулоқ сол, ит эмган, – оҳиста дедим унга.
– Минерал сув учун уйга киргансан. Үзингни ёмон ҳис қилиб, йиқилиб тушдинг ва бошинг ёрилди. Эшитаяпсанми? Бошингни бехосдан уриб олдинг, уқдингми? Мабодо бир оғиз ортиқча гап айтадиган бўлсанг – отиб ташлайман. Менинг қўрқадиган жойим йўқ. Такрорла!

– Нима?.. – у ҳеч вақо тушунмади. – Нимани такрорлай?

– Такрорла деяпман, лаънати: «Мен минерал сув учун уйга кирдим. Негадир бошим айланди. Йиқилаёттиб нимагадир бошимни уриб олдим. Бошқа ҳеч нарса эслай олмайман». Бўл тез! – Мен нақ пешонасини мўлжалга олдим.

Гюнвальд милтиқнинг стволларидан кўз узмай гўлдиради:

– Минерал сув ахтариб уйга кирдим. Бошим айланди. Йиқилаётиб нимагадир бошимни уриб олдим...

– Жуда соз. Энди шимингни тутмасини қадагин-да, шошилмай такрорла. Ҳозир бошингни боғлаб қўяман, – шундай дедим-да, биринчи қаватнинг очиқ ойнасидан ҳовли томон қичқирдим: – Эдик, Бенни! Бу ёқقا, тез!..

Милтиқни Гюнвальддан узоқроқ, ўзимга яқинроқ жойга оҳиста қўйдим.

Орадан ярим соат ўтгач, ҳаммамиз – катталар ҳам, болалар ҳам – боғда самовар атрофида тўпланганча гўё ҳеч нарса бўлмагандай хотиржам сұҳбатлашар эдик.

Боши ва қўли (зинадан айланиб тушаётганида жиддий лат еган кўринади) боғланган Гюнвальд соғ қўлида стаканни тутганча, безрайиб ўтиради. Эдикдан бўлак ҳамма уни майна қиласди:

– Гюнвальд Рённ ҳеч ўзига ўхшамаяпти, – деди Бенни. – Илгари қанча бўлса ҳам қайтмас эди.

– Ва ҳеч қачон бундай ахволга тушмасди, – унинг фикрига қўшилди Стиг.

– Йиқилиб қолиши ҳақида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмасди, – гапга қўшилди Кеннет.

Ҳомиладор Ева Рённ Гюнвальднинг елкасини силар ва мамнуният билан менга жилмайиб қўярди.

Эдвард бир неча марта хавотирланиб мен билан кўз уришириб олмоқчи бўлди, лекин эътибор бермадим. Айбимнинг очилиб қолишидан қўрққаним йўқ – банд эдим, холос. Рённларнинг кенжаси тиззамда ўтириб олганча музқаймоқ ер экан, устимни ифлос қилиб қўйишидан хавотирланиб, дикқат билан кузатиб ўтирадим!

– Муҳтарам, дўустлар! Эдвард Ларssonни янги лавозим билан, қолаверса шундай дилбар хотини билан

күтлайлик, – деди жаноб Түррел ва ҳаммасини англаб етгандай таассурот пайдо бўлди...

...

– Ҳа яна, Алла Сергеевна, у ёқда ҳамма ишлари жойида эканини айтиб қўйгин деди! – деб айтиби Витя ойимга.

Бу гапларни ойим кейин телефон орқали суҳбатлашганимда айтиб берди. Витя уни қидириб боргани, унга ҳам, Лялькага ҳам совға-саломларимни етказганини оқизмай-томизмай гапириб берди. Шунча гапларни гапирдилару, бир ярим ҳафтадан буён кўрпа-тушак қилиб ётгани ҳақида оғиз очмабдилар.

– Раҳмат сизга, Виктор! Ляльканинг шаҳарда йўқлиги – жанубга дам олгани кетиб қолгани чакки бўлибдида. Боши нақ осмонга етган бўларди!

– Балки у-бу керакдир, Алла Сергеевна? Уйимдагилар – дала ҳовлига кетишган, қиласиган ишим йўқ... Эҳтимол дўконга ёки дорихонага чиқиб келиш керакдир? Тортинмай айтаверинг.

– Йўқ, йўқ, Витенька, нималар деяпсиз! Қўшниларим – Ляльканинг ота-онаси ажойиб одамлар. Рости, улар ҳозир Всеолжскка кетишган, боғдорчилик билан шуғулланишади, лекин қаровсиз қолганим йўқ. Ҳолимдан хабар олиб туришибди.

– Шифохонага ётганингиз маъқул эмасмикан, Алла Сергеевна?

– Қўқисдан Танечка қўнғироқ қилиб қолса-чи? Эдик билан келиб қолишлиари ҳам ҳеч гап эмас, йўқ, уйдан қимириламаслигим керак. Витя, унинг ранги-рўйи қанақа?

– Отдай. Юзидан мой томади. Тагида енгил машина...

– Бу ҳақда мактубида ёзган эди. Хатарли жойи йўқми, ишқилиб?

Хавф-хатар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.
Машинани жуда яхши бошқарайти!

Кўча эшикнинг қулфи шиқирлайди. Калит қандай айланаётгани эшитилиб турарди. Витя саволомуз ойимга назар ташлайди.

– Мени йўқлаб келишди, – жилмаяди ойим.

Эшик очилиб, Козел – ойимнинг синфидағи мишиқининг айни ўзи кириб келади.

У сумкани полга қўйиб, эшикни яхшилаб қулфларидан сўнг калитни чўнтағига солди. Сумкани кўтариб, индамай ошхонага кириб кетди. Ва ошхонадан овозининг борича бақирди:

– Алла Сергеевна! Адельфин бизнинг дорихонамизда йўқ. Дорихонадагиларни топиб берасизлар деб икки оёғини бир этикка тиққанимдан кейин телефон орқали фақат Тихорецкда борлигини билиб беришди. Нарсаларни қўяман-да, ўша ерга бориб келаман. Йигирма икки тийинлик батон ҳам олдим. Ўн олти тийинлигини талаб кетишибди. Бошқа нарсаларни ҳаммасини рўйхат бўйича харид қилдим...

– Юрочка! – чақиради уни ойим. – Бери кел. Танишинглар...

Козел хонага киради. Виктор ўрнидан туради-да, унга қўл узатади:

– Виктор Евдокимов.

– Козлов Юрий, – унинг қўлини олади Козел.

– Юрочка – ўқувчим. Виктор эса чет элларга юк ташийдиган ҳайдовчи. Бормаган мамлакати қолмаган ҳисоб, – дейди онам уларнинг иккаласи билан ҳам фахрланиб.

– Ошириб юбордингиз, Алла Сергеевна! – қизаради Виктор. – Демак, келишдик-а? Ўн тўққизинчидага машинамга юк орта бошлайдилар, йигирма иккинчидага

у ёқда бўлишим керак. Мактубни почта орқали юбора қолинг; бизларга бу тамомила таъқиқланган...

Албатта, шундай қиласан! Сиздан бусиз ҳам миннатдорман.

– Тезроқ соғайиб кетинг, Алла Сергеевна. – У ойимга ҳиёл эгилиб таъзим қиларкан, Козелга имо қиласи: – Кузатиб кўясанми?

Зинапояга чиқишганида Виктор ёнидан сигарета чиқаради. Козелнинг мўлтайиб турганини кўриб, унга ҳам сигаретадан тутади. Иккаласи ҳам чека бошлийдилар.

– Кампирнинг касали жиддийми? – сўрайди Виктор.

– Қанақасига у кампир бўлсин? – жаҳл билан туфлайди Козел.

– Кечирасан. Алла Сергеевнага нима бўлган?

– Юраги сиқиляяпти, холос. Асабдан. Ёлғизлик...

– Буларнинг ҳаммасини сен қаёқдан биласан? – ажабланади Виктор.

– Ердан чиққан кўзиқорин эмасман, ахир. Қолаверса, қулоғим ҳам кар эмас: шифокорлар нима деяётгандарини эшитаяпман.

Шундан сўнг жим қоладилар. Бир оздан сўнг Виктор сўрайди:

– Эҳтимол, пул керакдир?

– Бир иложини қиласиз.

Улар бир-бирларининг қўлларини сиқиб хайрлашадилар, Виктор зинапоялардан пастга тушиб кетади. Козел эса сигарета қолдигини оёғи билан эзгилаб, тутунини қўллари билан ҳайдаган бўлади-да, бизнинг уйга қайтиб киради...

...

Эдик Столгольмга, ишга жўнаб кетишидан олдин эрталаб нонушта қиласи. Мен елкамга енгил халат

ташлаб олганча, гирди-капалак бўлиб у билан Фросяни овқатлантираман. Ҳовури чиқиб турган янги соғилган сут ва қора нонни айтмагандага одамнинг жонидан бўлак ноз-неъматларнинг ҳаммаси дастурхонда муҳайё!

– Жуда қора нон егим келаяпти-да... – энтикаман мен.

– Сизникилар телекс юборишибди. Қўргазмага таклиф қилаяптилар. Биз розилик билдиридик. Бундан катта наф кўришни мўлжаллаяпмиз.

– Ура! – қичқирдим мен.

– Мен ҳам жуда хурсандман. Бу иккаламизнинг сарф-харажатларимизни икки баравар камайтириш имконини беради.

– Қанақасига?

– Мен ахир фирма ҳисобига бориб келаман-да.

– Ҳал бўлдими?

– Эртага узил-кесил ҳал бўлади. Ҳўжайнин бўлим бошлиқларини йигирма учинчида тўплаяпти...

– Йигирма учинчига, дейсанми? Бугун йигирма иккинчими?

– Ҳа-да.

– Мен қанот боғлаб чир айланганча, қичқирганча юваниш хонасига югураман:

– Мен ҳам сен билан бирга бораман! Соат тўққизда «Викинг-лайн» бандаргоҳида бўлишим керак!

Юваниш хонасида апил-тапил бет-қўлимни ювар эканман, Эдварднинг ҳали совун кўпиги қотиб улгурмаган, ювилмаган соқол олиш чўткасига қўзим тушади. Жаҳлимни аранг босиб, чўткани иссиқ сувга тутар эканман, зарда билан бақираман:

– Соқол оладиган чўткангни ювиб тозалаб қўйсанг, ҳақинг кетиб қоладими?!

Юваниш хонасининг остонасида пайдо бўлар экан, қўлини сувга тутганча, бўйнимдан бўса оларкан, дейди:

– Ювишнинг нима ҳожати бор? Шу кўпикнинг ўзи билан эртага ҳам соқолимни олган бўлардим.

Е-4 шоҳқўаси бўйлаб Стокгольм томон менинг митти «Вольво»амда елиб бораяпмиз. Машинани мен бошқариб бораяпман. Эдик ёнимда, Фрося эса «ИКЕА» савдо уйининг чоғроқ маҳсус қутичасида орқа ўриндиқда талтайиб ётибди.

Йўлнинг орқа томонини кўрсатиб турувчи кўзгунинг ёнгинасида «Совтрансавто»нинг жадвали илинган. Унда йигирма иккинчи рақам қизил ҳошияга олинган.

– Мана кўрдингми, – дейди Эдик... – Битта машина икки ҳисса арzon тушади, Менинг «сааб»им ёнилғини бир ярим баравар кўп исроф килишини ҳисобга олмаганда.

Бу гап-сўзлардан кўнглим оза бошлайди.

– Ишдан нимада қайтиб келасан?

– Автобусда.

– Ё бориб олиб келайми?

– Йигирма километр у ёққа, йигирма километр орқага... йигирма у ёққа, йигирма бу ёққа, кераги йўқ.

– Иккинчи машинанинг кераги йўқми? – асабим бузила бошлайди.

– Бир йилдан буён қулоғингта танбур чертаяпманми?

...Ўн дақиқа кам саккизда «Белитроник» олдига етиб келамиз. Машинамни фирманинг маҳсус ажратилган жойига ҳайдаб олиб киарканман, Стиг, Бенни, Леннарт ва Эдикнинг хўжайини жаноб Туррель – ўша бизникида меҳмондорчиликда бўлган – машиналарида кетма-кет келишларини ўз кўзим билан кўраман.

Ҳаммадан кейин Гюнвалъд Рённ етиб келди. Боши ҳамон танғилган, қўли ҳам боғланган.

Леннарт, Стиг, Бенни ва жаноб Буррель ғоят хушмуомалалик билан саломлашдилар, Гюнвалъд эса им-

кон борича биз томонга қарамасликка ҳаракат қилиб машинаси эшигини тезгина беркитиб, дархол фирма эшиги томон йўналди.

– Фариштанинг нақ ўзисиз-а, Ларсон хоним, – мулоzамат қилади Туррель. – Эд, хотинингиз билан хайрлашган заҳоти менинг ҳузуримга киринг. Хайр, Ларсон хоним.

– Саломат бўлинг, жаноб Туррель.

Беш дақиқа ўтгач, Эдикнинг юзидан бўса олдим-да, рулга ўтириб, секин-аста чоррача томон машинани ҳайдай бошладим. Светафор олдидан энди чапга бурилмоқчи бўлган ҳам эдимки, отам замонидан қолган шалоғи чиққан машина машинамнинг ўнг томонидаги эшигига келиб урилди-ку. Яхшиямки тўғридан-тўғри урилмади, хиёл тегиб ўтди, халос!

Тутакиб кетдим! Менинг «вольвочкам»ни пачоқ қилишди, менинг арзанда машинагинамни!.. Машинадан шиддат билан тушиб, жаҳлим шунчалар чиққанидан Стокгольмнинг нақ марказида оғзи коски вайсақидай русчалаб аюҳаннос солаётганимни ҳам пайқамабман:

– Қайси гўрдан пайдо бўлиб қолдинг!!!

Шалдироқ аравадан фарқ қилмайдиган машинадан эса мен билан тенгдош (эҳтимол, хиёл ёши катта) жувон тушиб келди-да, у ҳам бақира кетди:

– Кўзинг кўр эмас экан, у ёқ-бу ёғингга қараб юрсанг, ўлармидинг?!

Иккаламиз ҳам тошдай қотиб қолдик, чунки бир-биримизга айни русчалаб таъна тошлари отаётганимизни пайқаб қоламиз.

– Вой худойим-эй... – анграјман мен. – Қаерликсан?

– Москвалик, – жаҳлидан тушади рўпарамдаги жиннивой. – Сенчи?

– Ленинградданман, – дейман унга.

Шундан сўнг иккаламиз ҳиёбонда чекар эканмиз, менинг эшиги пачоқ бўлган, унинг олдинги ойнаси синган машиналаримизга термилиб ўтирадик.

– Сенга нима... Ошиғинг олчи – яхши кўрадиган эринг бор, – маҳзун деди москвалик Верка. – Мен эса Москва «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида ишлаб топганларимнинг ҳаммасини бир тийинигача унга қўшқуллаб тутдим. Фақат мен билан никоҳдан ўтиб, бу ерга олиб келишининг ўзи шунчалик қимматга тушди. Бунисига нима дейсан?

– Йўқса, бу жойларни тушингда кўриб юраверардинг-да.

– Келганимиздан кейин, ажрашдик, у Гётеборгга – ўз юртига равона бўлди, мен эса шу ерда қолдим. Шундан сўнг ҳаммаси бошланиб кетди-ку... Мени дарҳол полицияда ҳисобга олиши – унга унча бер, бунисига бунча. Бу ернинг эркаклари жуда оз ҳақ тўлайдилар – пасткашлар... Биз келгиндиларни одам ҳисоблашмайди. Мабодо биронта исловатхонага жойлашиб олганимда-ку, ишларим юришиб кетарди-я. Бироқ ундей муассасаларга муҳожирларни олишмайди... Лаънатилар! Шунақа ҳам тенгсизлик бўладими!.. Буларнинг суюқёёларига қўзинг тушгандир? Турқи тароватига қараб бўлмайди, бироқ ҳаммасининг «Мерседес»лари борлигига ўласанми! Алам қилас экан. Гамбургга кетвортсаммикан, деяпман... У ёқда, айтишларича, қизларининг бозори яна чаққонлашиб қолибди.

Унинг оби дийдасини тинглар эканман, мен ҳам унга ўхшабчув тушиб қолишим ҳеч гап эмаслиги хаёлимдан кечди. Ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарозу, деган мақолни биламизу амал қилишга келганда...

– Бу ерда менга бир иш таклиф қилишди... – ўйчаник билан деди Верка.

– Агар келиша олсак – анча ўзимни тутиб олардим.

– Қанақа иш экан? – хүшёр тортдим мен.

– Ишга ўхшаган иш-да, – чайналди Верка. – Ҳозирча бирон нарса дейишим қийин. Рози бўлсаммикан, бўлмасаммикан, ҳайронман... Ҳал бўлса-ку...

У шундай дер экан, ишқилиб ҳаммаси жойида бўлсин-да, дегандай столга уриб қўйди ва менга синчковлик билан назар ташлади. Бироқ бизлар ортиқча гапсўз қилиб ўтирадиганлар хилидан эмасмиз.

Соатимга қараб олдим-да, ўрнимдан турдим. Верка ҳам ўрнидан турди. Бу баҳтиқарони бағримга босиб, икки юзидан ўпдим-да, дедим:

– Майли, Верка. Мен кетдим. Қўнғироқ қилиб тур. Мен ҳам сенга қўнғироқ қиласман. Вақтинг бўлганида келиб тургин; сен учун эшигим ҳамиша очиқ. Ул-бул пиширамиз, қиттай-қиттай қиласмиз, қўшиқ айтамиз дегандай...

– Қўнғироқ қиласман... – шошиб деди у. – Албатта, қўнғироқ қиласман!..

Фрося билан Стокгольм шаҳар ҳиёбонининг ёнидан ўтиб борарканмиз, эгарда ғоз ўтирган чавандозларга, ранг-баранг машқ кийимларидаги қарияларга, уйкудан кўзлари шишинқираган болаларга кўзимиз тушди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас «Викинг-Лайн» бандаргоҳи олдидаги катта майдонга етиб келдик.

Ҳали барвақт бўлгани учун майдонда машиналар жуда оз эди, шунинг учун «вольвочкам»ни полициячилар нуқтаи назаридан ноқулай, бироқ паромдан тушиши билан Витяning кўзи тушадиган жойга қўйдим.

Хельсинкидан паром келишига ҳали ўттиз беш дақиқа бор эди.

Фрося билан офтоб қиздирған асфальт йүлга чиқиб, аллақандай нарсага ўтириб олдим. Ва құзларим тұрт булиб кута бошладим.

Кейин билишимча, айни мана шу үттис беш дақықа эрим Эдвард Ларссон учун жуда қимматта тушган экан.

– Сизга муносабатим қандайligини жуда яхши биласиз, Эдвард, – жаноб Туррель ўз хонасида Эдикка шундай мурожаат қилибди. – Фирмамизнинг ўта қобиляятли муҳандисларидан бири сифатида қадрлаганим учун бұлым бошлиғи бўлишингизни мен талаб қилгандим. Бироқ директорлар кенгашининг кече кечқурун бўлган йигилишида «Белитроник» вакили сифатида Ленинградга боришингизни мақсадга мувофиқлиги хусусида шубҳа билдирилди.

– Нима сабабдан эканини билсан бўладими? – сўрабди Эдик.

– Нима десам экан. Хуллас, хотини Россияда шубҳали ҳаёт кечирған одам Россияга вакилимиз сифатида боришига йўл қўйиб бўлмайди, деган қарорга келдик.

– Бизнинг вакилларимизга ким бошчилик қиласи? – қизиқиб сўраган Эдик.

– Чамаси, Гюнвальд Рённ бошчилик қиласи.

– Шунақа ҳам бемаънилик бўладими! – Эдик нафрат билан шундай деган-да, шефнинг хонасидан чиқиб кетган.

Вой худойим! Пароходга шунча кўп машина сиғиши мумкинлиги ҳатто хаёлимга ҳам келмаган.

Ярқираган маҳобатли паромнинг ёнига улкан ҳарфлар билан «Силья Лайн» деб ёзиб қўйилган, боз устига дengiz йўлбарсининг сурати чизилганди.

Унинг улкан дарвозаси очилиб, енгил машиналар кетма-кет чиқиб келяпти, дейсиз, охири кўринмайди-

да. Тахминан, мингтагача енгил машина паромдан тушган бўлса керак!..

Уларнинг кетидан эса баҳайбат мамонтлардай фургонларини эргаштирганча оғир юқ машиналари тушиб келди. Улар ҳам камида икки юз ёки уч юзта эдиёв! Инглизларники, немисларники, французларники, польякларники, советларники... бандаргоҳ эмас, цирк томоша майдони!

Мен жуда қулай жойга ўрнашиб олган эканман – уларнинг ҳаммаси шундоқ рӯпарамдан бирма-бир ўта бошлади. Шундай бўлса ҳам Фросяни «Вольво» енгил машинамнинг устига чиқариб қўйдим-да, ўзим ҳам яхшироқ кўзга ташланиш учун ҳалиги нарсанинг устига чиқиб олдим.

Ҳайдовчилар турли тилларда гап отишар, мен эса эътибор бермасдим. Интиқ бўлиб «ўзимнинг» машинамни кутаётгандим.

Наҳотки келмаса, деган фикр хаёлимдан ўтиши биланоқ йирик юқ машиналаридан бири чироқларини бир неча бор ўчириб-ёқиб, уч марта қисқа-қисқа сигнал берганини эшилдим. Унинг рақамларига қарадим – АВЕ- 51-15, «Совтрансавто»!..

– Витя!.. Витенька!!!

51-15 рақами машина катта йўлдан четга чиқиб, мен томон бурилди.

У баланд кабинадан сакраб тушди-да, мени турган жойимдан кўтариб олди. Шу куйи анча туриб қолди. У мени ёш боладай кўтариб турар, мен эса бўйинлари, юзлари, кўзларидан, дуч келган жойидан ютоқиб бўса олардим...

Бир соатдан сўнг илк учрашувимизда ўтирган йўл бўйидаги қаҳвахонада қаҳвахўрлик қиласардик.

Машиналаримиз яна бир-бирлариға тикилиб турар, Фрося аввалги сафар бўлгандек бу гал ҳам столнинг тагида тимирскиланарди. Бу гал фақат қаҳва билан қаноатланганим учун ниҳоятда хушёрга эдим. Столда Ленинграднинг юмалоқ жавдар нони ётарди.

– Всеволжскдаги қўшниларинг бор-ку, боғдорчилик билан шуғулланадиган...

– Биламан.

– Шуларнинг қизи жанубда дам олаётган экан.

– Ойимнинг аҳволи яхшими?

– Алла Сергеевнага бир болакай кўмақлашяпти. Дорихонага бориб келиш борми, дўконга югуриш борми, ҳаммасини қиляпти.

– Яна қанақа болакай? – ажабландим мен.

– Болага ўхшаган бола-да. Ўн олти ёшларда. Ойингнинг ўқувчиси. Козлов Юрамиди-ей?

Столдан йиқилиб тушишимга сал қолди:

– Козёл!!! Наҳотки!...

– Балки ростдан ҳам Козёлдир, бироқ ҳақиқий ўғил бола экан. Ойингнинг суюнгани ҳозир шу булиб турибди.

Ходима қиз олдимизга келди:

– Яна бирон нарса керак эмасми, хоним? – Шундай дер экан столдаги жавдар нонга ажабланиб қаради.

– Яна қаҳва ичсанми? – Витядан сўрадим.

– Етади, раҳмат. Турақолсак бўларди. Гёте борггача яна беш юз чақирим йўл босишим керак.

– Яна бирон дақиқа сабр қилгин, – ўтиндим мен ва қизалоққа шведчалаб дедим: – Бир блок энг яхши Америка сигаретасидан олиб кел. Бир марта фойдаланадиган чақмоқтош ҳам борми?

– Бор, хоним. Қанақа рангли бўлсин?

– Ҳар хил ранглисидан.

- Битта ғилофда ўн дона.
- Битта ғилофдагининг ҳаммасини бера қол.
- Кечирасиз, хоним. Манови нима? – Қиз шундай савол бериб, юмалоқ қора нонга имо қилди.
- Рус нони, – кулдим мен.
- Ширинми?
- Жуда ҳам. Татиб құрасанми?
- Йүқ, йүқ, нималар деяпсиз. Ҳозир сигареталар билан чақмоқтошларни олиб келаман.

У кетди ва биз яна бир оз жим ўтирик. У күзимга оловдай күринар, умрим бино бўлиб биронта кимса менга бунчалар ёқмаганди! Унга бор гапни айтиб кўя қолдим:

- Менга шунчалар ёқяпсанки, умрим бино бўлиб ҳеч кимни бунчалар ёқтиргмаганман!
- Сен ҳам менга ёқяпсан, – деди у. – Оловдай кўри-няпсан!
- Жин урсин... Илгари қаерларда юрган эдинг, Витя?..
- Сен қаерларда юрган эдинг?
- Мен шунақа тубанлиқда эдимки, ҳатто эслашга ҳам юрагим бетламайди.
- Ундей бўлса, эсламай қўя қол.
- Қани бунинг иложи бўлса. Эсламайман дейман-у...

Ходима қиз келди, бир блок сигарета ва ранг-баранг чақмоқтошлар билан бирга ҳисоб-китоб варагини ҳам столга қўиди. Мен ҳаммасининг ҳақини тўлаб, жавдар нонни сумкага солгач, Фросяни қўлимга олдим ва машиналаримиз томон йўл олдик.

- Мана буларни Козелга бериб қўй, – сигареталар ва чақмоқтошларни Витяга узатдим. – Ойимга ҳеч нарса бериб юбормайман – яқинда ўзим бораман. Машинангнинг кабинасига қўйган пакетни эса Ракова қўчасидаги ўн бешинчи уйга олиб бориб берасан. Манзилни ёзиб

кўйганман. Мусиқали комедия театри билан Пассаж-нинг оралиғида. Менинг отамга берасан. Унинг оёғи оғрийди – ҳамиша совуқ қотади. Пакетда отамга иссиқ пайпок ва болалари учун ул-буллар бор. Келишдикми?

– Келишдик.

– Эркалигим ҳаддидан ошиб кетган бўлса, узр. Сендан бошқа нажоткорим бўлмаса, нима қилай...

– Кўйсанг-чи шу гапларни. – У мени меҳр билан ўпа бошлади.

Ўзимни хушдан кетиб қолгандай сездим.

– Аравангга чиқа қол, – бўғилиб дедим унга. – Седертельегача беш чақирим кузатиб қўяман. Ана шу ердаги кечувда қоламан, сен эса тўхтамай Гётеборгга кетавер. Сенга «хайр» дегандай қўл силкийман.

Шундай қилганимиз маъқул...

Биз ҳамма машиналарни қувиб ўтиб, катта йўлда елиб борардик. Олдинда мен, кетимда – Витя.

Рўпарамизда ҳеч қандай машина кўринмаганда тезликни пасайтиардим-да, Витянинг машинаси билан ёнма-ён, унинг чап томонида елиб борардим. Олдимизда машина кўринганда эса яна тезликни ошириб, олдинга ўтиб олардим...

«Седертелье» дея кўк ҳарфлар билан ёзилган лавҳа тегидан ўтишимиз билан ўнг томонга бурилиш чиргини ёқиб, йўлнинг четига, кечувнинг шундок олдига келганда машинамни тўхтатиб, ундан тушдим.

Витя тезликни камайтирди, чироқларни ёқиб-ўчирди, қаттиқ сигнал берди-да қандайдир эҳтиёт қисмлари олиш учун лаънати Гётеборг томон ўқдай ўчиб кетди!..

Мен ёқилғи қуийш сганциясининг қаҳвахонаси пештахтаси ортида ўтириб олгач, анбаҳ сути аралаштирилган ананас шарбати ичарканман, Реянинг ишлашини кузатардим.

– Мени ўзингга ёрдамчи қилиб олмайсанми, – беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди.

– Машина ювишга эса Дания маликасини ишга таклиф қиласиз, шундайми? – Кулди Рея. – Ларssonни шундай йирик фирманинг бўлим бошлиги этиб тайинлаганларидан сўнг сен ўз хусусий корхонангга эгалик қилишинг керак. Мавқеинг шуни талаб этади!..

– Бунаقا мавқега тупурганим бўлсин.

Рея пештахт ортидан телефонни олди.

– Эдвардга қўнғироқ қиласанми?

– Йўқ. Кайфиятим йўқ.

– Афсус, – Рея телефонни олиб қўйди. – Русча суҳбатларингизни тинглашни хуш кўраман...

Барibir русча гаплашишга тўғри келди. Телефон орқали ҳам, юзма-юз ҳам русча гаплашди. Кўнгилда гидек гап-сўзлар бўлмаган бўлса-да, русча гаплашишга тўғри келади-да...

Уйга келгач, юрагим сиқилганидан ўзимни қўйгани жой тополмадим. Аккиллайвермаслиги учун ҳатто Фросянинг думидан қасдан босиб олдим. Сўнг телефон рақамлари ёзилган дафтарчамни олиб, москвалик Веркага қўнғироқ қилдим.

Сўнгги рақамни теришим биланоқ телефон гўшагини кутарса-да, ҳатто қўрқиб кетдим.

– Алло, Верочка? Салом! Бу мен Таня Larssonman, ленинградлик. Зайцева Татьяна, эсингдами?

– Вой, худойим! Танюша! Ҳозиргина сени эслагандим.

Менинг ҳатто нафасим тиқилиб қолди – у билан шунчалик суҳбатлашганим келдики, нима билан ёрдам берсам экан, деган фикр ҳам хаёлимдан кечди.

– Ҳозир этиб келолмайсанми, Верка, – дедим мен. Оз-оздан иcharдик...

– Келақол. Құшиқ ҳам айтамиз. Илтимос.

– Танька, гап бұлиши мүмкін эмас! Қанот боғлаб ҳозироқ етиб борган бұлардым! Лекин әндигина бир жойга шайланиб турғандым. Сенга айттан ишим бұладиган бұлиб қолди. Бирон ҳафтага битта жойға бориб келишим керак. Қайтганим заҳоти уйингга борганим бұлсін! Құнғироқ қылғанингдан қанчалар хурсанд бұлганимни билсанг эди!..

– Аттанг, – афсусландым. – Аксига ичимга чироқ ёқса, ёришмаяпты...

– Хафа бұлма, Танюша! Құнглингни кенг қил! Қайтиб келсам, албатта, олдингга бораман... Бұпти, Танька! Кетяпман... Саломат бұл!..

Шу заҳоти телефон гүшагидан қисқа-қисқа товушлар әшитилди.

Ниҳоят Эдик ҳам ишдан келиб қолди. Юрагим сиқилиб, тамомила әсим оғиб қолмаслиги учун уйни росмана йиғиширишга киришдім-да, чангютгични варнглатиб ишлатиб қўйдим. Эдик эса тишини-тишига қўйиб янгиликларни томоша қиласарди.

Мен чангютгич билан унга халақит берсам ҳам у қилт этмай асабимга тегарди – бу иккаламизнинг ҳам жаҳлимизни чиқарар, асабийлашаётганимизни бир-биримиздан яширмасдик. Бундай ҳолат нуқси Фросяга ҳам урди шекилли – бетиним акиллаганча ҳамма хоналар бўйлаб кетимдан зир югуради.

– Нима учун айни кеч бўлганда уйларни йиғишириш керак, – жўяли қилиб сўради Эдик телевизор, чангютгич шовқини ва Фросянинг акиллаши остида овозининг борича бақирап экан.

– Чунки эрталаб банд эдим, – мен ҳам паст келмадим.

– Ундей бўлса, аввал иккинчи қаватни йиғиштириб тушарсан, «Янгиликлар»ни кўриб олишга имкон берарсан?

Мени эса биринчи қаватни ҳам, иккинчи қаватни ҳам, чангютгичу унинг ўзини ҳам кўргани кўзим йўқ эди. Вазмин «Вольво» юк машинасининг кабинасида Фросяни тиззамга олганча, Витяning йирик рулга ёпишиб олган забардаст, чиройли, бакувват қўлларига суқланиб, у билан бирга Гётеборгга кириб борсам дер эдим. Ахир Гётеборгда шу пайтгача бирон марта ҳам бўлмагандим...

Юваниш хонасига ҳаллослаб бориб, соқол оладиган чўткани олдим-да, уни телевизор оралиғида турган стол устига зарда билан ташладим.

У ҳам оромкурсидан сапчиб турди, юваниш хонасига йўл олди-да, совунли крем идишини олиб чиқиб, чўтканинг ёнига ташлади:

– Чўткани юв, деб сендан ҳеч ким илтимос қилаётгани йўқ! Сенинг мана шундай озодалигинг сабаб мана бу совун кўпиги икки баравар тез тугаб қоляпти! Бу фалон пул туради!..

Чангютгич гувиллаб ишлаб тураг, Фрося акиллар, боз устига телевизор ҳам гапиради...

– Шуми?! – Мен имкон борича унинг асабига тегадиган қилиб хоҳоладим. – Бу матоҳга ахир сариқ чақа ҳам кетмайди-ку!

– Бекорларни айтибсан! Сариқ чақа ҳам пул. Пул эса ҳаёт демақдир! – деб қичқирап экан, «мана ҳаёт дегани нима», дегандай ён-атрофга ишора қилди.

– Ундей бўлса, бундай ҳаётга тупурганим бўлсин! – бўкирдим мен ва чўтка билан совун кўпикли тюбикни уриб юбордим. Чўтка билан тюбик дераза томон шиддат билан учиб бориб, дарпардага қаттиқ урилди. Дар-

парда тебранди, унинг ортида нимадир сирпангандай бўлди ва қарсиллаб ерга тушди...

... Шу пайт варанглаган милтиқ овози эши билди!!!

Полда турган йирик кўза чил-чил синди-да, куруқ ковилнинг шохчалари ёйилиб кетди.

Мен кўркиб кетганимдан,вой-войлаб Эдикнинг пинжига тиқилдим. У мени бағрига босганча, полда ётган ов милтиғига анграйиб тикилиб қолганди.

Ўшанда милтиқни олиб қўйиш қандай хаёлимдан кутарилиб кетгани асти ақлимга сифасди!..

– Ўшанда милтиқни олиб қўйиш қандай эсимдан чи-киб қолди экан, ҳайронман... – пиқиллар эдим мен.

Қалин мовут рўмолни устимга ташлаб олганча, безгак тутгандай титраб ётардим. Пашиб учса билинадиган осойишталик. Телевизор ҳам, чангютгич ҳам ўчирилган, Фрося эса оёқ томонимда узала тушиб ётарди.

Эдик ёнимда ўтириб олганча, менга қайноқ чой ичи-рарди.

– Нима учун буни айтмадинг? – У ўқи олинган, полда ётган милтиғига ишора қилди. Унинг ёнида ўқлари ҳам ётар эди.

– Сени ҳафа қилгим келмади...

– Эртага саёҳат бюросига бораман-да, иккаламиз учун виза ҳамда Совет Иттифоқига билетлар буюртма қиласман. Неча пул бўлишидан қатъий назар. Ленинградга десанг, Ленинградга, Москвага десанг Москва-га, хоҳласанг Қора денгизга борамиз!

– Ленинградга, ойимнинг олдига борамиз.

– О’кэй! Ленинградга, ойижонимизни кўргани борганимиз бўлсин. Ҳозир эса Ларsson хоним, мен сизни Стокгольмнинг энг қимматбаҳо ресторанига таклиф қиласман!

Ресторан ҳақиқатдан ҳам ўта қимматбаҳо экан! У аллақандай тунги ҳашаматли клубнинг бир қисми бўлиб, етти ухлаб тушимга кирмаган таомлар билан бизларни сийлашар, боз устига роҳатижон испан виносидан ичиб, ҳолдан тойганча танца тушдик... Менинг эгнимда узун кечки кўйлак, Эдик эса смокинг кийиб олганди.

У эндиғина институтга кирган думбул талабадай эркалик қилас, теша тегмаган гапларни топиб гапирав, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган эди. Мен эса имкон борича камроқ гапириб, ён-атрофга анқайиб аланглар эдим, холос. Эдикнинг айтишича, кўринишимидан фариштадан қолишмасдим!

Тун яrimдан оғиб, соат иккига қараб кета бошлиганида ҳолдан тойган алфозда бир-бири миздан миннатдор кайфиятда ресторандан салқин кўчага чиқиб, машинамиз томон йўл олдик. Бу Швецияда яшаган йилларим мобайнида ягона баҳтиёр оқшом бўлган эди.

Уйку элтган Стокгольмнинг бошқа маҳаллаларидан фарқли равища бу мавзеда ҳаёт қайнар: тунги қаҳваконаю ошхоналар, аллақандай сирли муассасалар ишлаб туради, кўчаларда ҳамон савдо қилишар, кинотеатрларда эса ҳамон кино намойиш қилинар эди.

Сўнг бамайлихотир қишлоғимиз томон йўл олдик. Иккаламиз ҳам миқ этмасдик. Машина радиосидан вазмин мусиқа тарагалиди. Мен кетма-кет сигарета тутатар эканман, Швециянииг оппоқ туни бағрида илиққина ҳаводан ўпкамни тўлдириб симирардим. Хаёлим фаромуш, фақат чанқагандим.

Уйимизга етиб келгач, Эдик олисдан бошқариш мосламасининг тутмачасини босиши билан дарвоза секин очила бошлиди. Шу асно чироқ ҳам ёнди. Бизлар маши-

нада гаражга кириб бордик. Машинадан тушишимга ёрдамлашар экан, Эдик бошимдан оҳиста ўпид қўйди ва секингина деди:

– Сени жуда яхши кўраман, Таня.

Беихтиёр кўзларимга ёш қуйилди, бундан қатъи назар унга жилмайдим:

– Шундай экан... Шундай экан, қўрқадиган нарсанинг ўзи йўқ.

– Бугун ҳаво жуда ажойиб бўлди, – деди Эдик гараж дарвозасини ёпар экан. – Ва иккаламиз кечки пайт...

«Агар Ленинградда ҳам бугун шундай ажойиб ҳаво бўлса, Симка Кисуля билан «Динамо» спорт иншоотининг очиқ чўмилиш ҳавзасига, албатта, чўмилгани боришади...» – деган фикр хаёлимдан кечди.

...

Кисуля билан Симка Гулливер очиқ ҳавзанинг кимсасиз минбарларида спорт сумкаларини ушлаганларича ўтирад эдилар. Улар чўмилиб бўлишган, эндиликда курбақалардай чапиллатиб чўмилаётган мишиқиларни томоша қилиб, болалар тренери бўлган ёқимтой йигитчаларга гап отар эдилар.

Кисуля соатига қаради-да, сумкасини елкасига ташлаб деди:

– Симка, сен гаплашиб тургин. Мен ҳозир қайтиб келаман...

У минбардан пастга тушиб, шошилмасдан спорт иншоотидан чиқар экан, офтобшувоқдаги машиналар турар жойи томон йўл олади. Бу ерда турган ёлғиз «Жигули»си ёнига келди-да, сигарета тутатиб, яна соатига қараб олади.

Шу асно яп-янги «Жигули»сининг ёнига шарти кетиб, парти қолган «Москвич-407» келиб тўхтайди. Кисуля ҳеч ким кузатаётганмикан, дегандай атроф-

га аланглаб қараганидан кейин «Москвич»нинг орқа ўриндигига ўзини ташлайди.

Бу шалдиrok арава ҳайдовчиси кимсан Петр Никанорович бўлиб чиқади! Мехмонхонага кираверишдаги бобой, ресторон дарбони!

Кисуля унга семиз хатжилд узатади. Петр Никанорович доллар тиқилган хат-жилдни салмоқлаб сўрайди:

– Қанча?

– Келишганимизча, – Кисуля асабийлашади.

– Мана, ол, – дарбон унга бир даста совет пулларини тутқазади.

– Машинанинг муҳарригини ўчирсанг-чи, нафас олиб бўлмаяпти.

– Ўргатма, – Петр Никанорович чўмилиш ҳавзаси дарвозаси ва тўсиқнинг ёнидаги қалин бутларга син-чиклаб тикилади. Лекин машина муҳарригини ўчирмайди.

Кисуля бир даста пулни тиззасига кўйганча санашга тутинди.

– Эсингни еб кўйибсан? – жаҳли чиқади дарбонинг. – Топган вақтини қара-ю!..

– Ўтган гал иккита юзталикни кам солибсан, қарри кўппак, бу гал ҳам алдаб кетмоқчимисан? – тишларини ғижирлатади Кисуля.

Шу лаҳза «Москвич»нинг олдинги икки эшиги очилди-да, Толя Кудрявцевнинг таҳдидли овози янграйди:

– Ҳеч ким жойидан қимиirlamasin!

Петр Никанорович долларли хатжилдни асфальт йўлга улоқтирди-да машинага газ беради. Машинанинг чап томонида турган Толья, ўнг томонидаги Михаил Михаилович юз тубан қулайди. У «Москвич»и билан уларга шундай хунар кўрсатади! Бироқ шу лаҳзанинг ўзида буталар орасига беркитилган «Волга» хизмат

машинаси учеб чиқади. Уни Женя бошқаарди. Женя «Волга»ни «Москвич»нинг йўлига кўндаланг қўйиб, ҳаётини хавф остида қолдиради...

Кейин «Тез ёрдам» ва яна битта милиция машинаси етиб келади. Қўлига кишан солингган Петр Никаноровични айни шу машинага ўтқаздилар... «Волга» ҳам, «Москвич» ҳам пачоқ бўлганди... Қонга бўялган, ранги бўздай оқариб кетган Женяни авайлаб «Тез ёрдам» машинасига ётқизадилар... Кисуля Женя томон талпинаркан, жазаваси тутиб қичқиради:

– Мен айбдор эмасман, Женечка! Бундай бўлишини хоҳламаган эдим, Женечка!.. Ҳаммасига у айбдор! У!.. Мен айбдор эмасман, Женя!..

Толя Курдяцев камзулинин қоқиб, шимини тозалар экан:

– Ўчир овозингни, қанжиқ, – дея секингина Кисуляга дўқ уради. – Ҳаммасига ёлғиз сен айбдорсан. Сен таклиф қилмаганингда, у бу ерда қорасини кўрсатмас эди, – шундай дея машинада кишанбанд ўтирган Петр Никаноровичга ишора қилди. – Женянинг ҳам биронта туки қилт этмасди. Лунжингни артиб, машинага чиқ. Унга кўмаклашиб юбор, Миша.

Буларнинг барчасидан бехабар, бир ҳафтадан сўнг ойимга, Ленинградга кўнғироқ қилдим.

– Ойижон! Мени яхши эшитяпсизми? Яхшилаб қулоқ солинг! – қичқирадим телефон гўшагига. – Эдик Совет Иттифоқига, Ленинградга бориб келишим учун йўлланма харид қилди. Шу ойнинг охирига билет буюртма қилди. Йўқ... ундан олдинги кунларнинг ҳаммасига билетлар сотиб бўлинган экан. Унинг ўзи афусски, бора олмайди. Йўқ... Ҳозир бўлим бошлиғи бўлган, фирмада ҳозирча иш кўплиги туфайли унга рухсат

беришмаяпти!.. Йүк, йүк! Ҳаммаси жойида!.. Ҳаммаси жойида деяпман! Козелдан сұранг-чи, Швециядан нима олиб борганим маъқул экан... Сиз ахир беназир үқитувчисиз! Песталоцци, Ушинский ва Макаренко сиз билан қиёслаганда ёш бола бўлиб қоладилар! Кайфиятларингиз яхшими? Шунисига ҳам шукур!..

Ойим тўшакда ўтирас, унинг яланғоч билагига қон босимини ўлчайдиган мослама боғлаб қўйилганди.

«Тез ёрдам» врачи телефон орқали сухбатимиз якунланишини сабр-тоқат билан кутаётган экан.

Столда кардиограф ётарди. Ҳамшира кордиамин дорисини шприцга тортади.

Ошхона деразасининг ёнида Козел сигарета тутади...

– Яқинда Сима қўнғироқ қилди!!!.. Сима қўнғироқ қилди деяпман! Ниночка нимагадир гирифтор бўлибди... Йўқ, менинг хабарим йўқ. Симочкиа ҳаммасини қўнғироқ қилиб айтаман деди... Йўқ, Ляля ҳали келмади. Яхши, болагинам, – деди менга ойим. – Хавотир олма. Эдикка салом айт. Сени ҳам ӯпид қоламан. Ӯпид қоламан деяпман ва интизорлик билан кутаман. Кўришгунча, қизалоғим.

Ойим телефон гўшагини қўйиб, айбордай докторга қарайди.

– Мени маъзур тутишингизни сўрайман. Ҳар ҳолда чет эл билан гаплашмасликнинг иложи йўқ-да...

– Алла Сергеевна, яна битта кардиограмма қилишимиз керак, – дейди унга жавобан доктор.

– Ойим салом айтиб, қўй дедилар, – эсладим мен.

– Саломат бўлсин, – миннатдорчилик билдириди Эдик. – Бизлар эмас ойингнинг ўзи Россиядан бизларга қўнғироқ қилсалар, яхши бўларди-да. Россияда теле-

фон ҳақи анча арzon. Кейинчалик телефонда гаплашгани учун ҳақини тұлардик.

– Нима дединг? – тушунмадим мен.

– Россиядан халқаро телефон орқали сұхбатлашиш биздагидан анча арzon деяпман. Шу боис ойим телефон қылсалар, кейин ҳақини тұлаймиз.

– Вой худойим-эй!!! – жаҳлимни тия олмадим. – Нималар деяётганингни биласанми!.. Сени қачон одам қиласалар, экан-а?!

Уйга қайтишда Виборг божхонасида Витянинг машинасини тинтүв қилишибди. Унинг машинасидан мен отамга юборған ҳадымни топиб олиб, очиб күришиб-да, ёпишиб олишибди:

– Бу матоҳлар сизники эмас экан, баённомага нима учун киритиб қўймадингиз? «Бегоналарга тегишли буюм қимматбаҳо...» деган банди бор ахир.

– Бутунлай эсимдан чиқиб кетибди! Булар қанақасига «қимматбаҳо нарсалар» бўлсин...

Божхона ходимини рўпарасида икки жуфт юнгдан тўқилган пайпоқ, болалар кийимлари ва Ленинградда отам яшайдиган манзил ёзилган ИКЕА фирмасиининг маҳсус кутичаси ётарди.

– Сиз йилига йигирма маротаба чегарадан кириб чиқасиз! Божхона қонун-қоидаларига риоя қилиш наҳотки шунчалар қийин бўлса? Бутун баённомага киритилмаган бегона кимсанинг қимматбаҳо буюмларини олиб ўтасиз, эртага советларга қарши видеофильмларни олиб ўтасиз. Кейин эса шарм-ҳаёсиз фильмларни чегарадан олиб ўтишга уринасиз, шундайми?..

– Буларнинг барчасини бўйнимга қўйиб қўймасан-гиз, бас, – писанда қиласи Витя.

– Ҳеч ким сизнинг бўйнингизга ҳеч нарса қўймоқчи эмас. Лаш-лушларингизни олинг-да, йўлингизга раво-

на бўлинг. Ўз бошлиқларингиз олдида ҳисоб берасиз. Кимдан олиб, кимга олиб кетаётганингизни уларга тушунирасиз... Омон бўлинг.

Икки ҳафтадан сўнг Витянинг Швецияга навбатдаги марта келиши муддати келадиган куни ниҳоятда асабийлашиб, Эдикни тезроқ ишга жўната қолсайдим, дея сабр-тоқатим чидамасди. Чунки ўзимга оро беришга улгуришим, боз устига «Викинг-Лайн» бандаргоҳига кечикмасдан етиб боришим керак эди.

Кўзгу рўпарасида қиз боладай ивирсир эканман, ўнта кўйлакни кийиб кўргандирман. Оёғимнинг тагида ўралишаётган Фросяни ҳатто тепиб юбордим...

«Совтрансавто» фирмасининг жадвалини (Витя келадиган кунлар қизил сиёҳ билан ўраб кўйилган) ошхонада илинган йирик тақвим билан уч маротаба солиштирдим. Қисқаси, Кисулянинг тили билан айтганда, «бўйнига сиртмоқ тушган чўчқадай чир айланардим».

Лекин бу гал бандаргоҳга бирмунча бошқа йўлдан бордим. Витя келишига ҳали анча барвақт бўлгани учун Стокгольмдаги ягона православ черковига бамайлихотир кириб ўтишни мўлжалладим. Анчадан буён шу черковга киришни мўлжаллар эдиму, ҳеч йўлим тушмаётганди. Бугун эса унга кирмаслигимнинг имкони бўлмади!

Машинадан тушиб, энгил-бошимни яхшилаб кўздан кечирдим-да, юзимга упа сургандай бўлдим. Гўё Яратганга бинойидек кўринишга уриндим.

Черковнинг очиқ эшигидан муздай ҳаво уфурарди. Нимқоронғи ичкарида, авлиёларнинг тасвирлари рўпарасида шамлар липпилар эди.

Мен остонада анчагина туриб қолдим-да, ичкари киргани юрагим бетламади. Энтикиб нафас оларканман, машинамга қайтдим...

Роппа-роса түккизда бандаргоҳга етиб келиб, «ўзим»нинг кундамда ўтирадим, Фросяни эса «Вольво» машинамнинг устига чиқариб қўйгандим.

Баҳайбат паромнинг дарвозасидан чиқиб келаётган хилма-хил давлатларнинг катта-кичик машиналарини охири кўринмайди. Лекин бу сон-саноқсиз машиналардан менга фақат биттаси керак эди, холос.

Нихоят «Совет Юнион» тамғасига ва АВЕ 51-15 рақамига кўзим тушиши билан лаънати тош кунда устида такадай ирғишладим ва қўлларимни силкитдим!

Бироқ менинг «вольвом» бу гал машиналарнинг умумий оқимидан четга чиқмади, У менга парво ҳам қилмасдан аллақандай француз ҳайдовчисининг машинаси кетидан оҳиста эргашиб борарди.

Мен томоғим йиртилгудай қичқирдим:

– Витя! Витенька!!! Бу ёқдаман!..

Машина рўпарамга келганида рулда бегона қария ўтирганини кўриб, даҳшатга тушдим. Унинг ёнидаги йўловчилар ўтирадиган ўриндиқда яна биттаси жойлашганди.

– Тұхтанглар! Тұхтасаларинг-чи!.. – қичқирдим тамомила ўзимни йўқотиб. – Витя қани ахир, Витя?! Ўртоқлар!..

Ҳайдовчи ёнидаги ҳамроҳига мени кўрсатди-да, нимадир деди.

Мен қўлларимни яна ҳам кучлироқ силкита бошлидим:

– Ўртоқлар!!!

Машинани тұхтатмасдан ҳайдовчи рўпарамга келганда кабина эшигини очди-да, йўл йўлакай қичқирди:

– Ит! Итнинг дүсті – бит! Лаънати фоҳиша!..

У қарсиллатиб кабина эшигини ёпди-да, ёнимдан ўтиб кетди.

Витя билан икки марта қаҳвахүрлик қилган йўл бўйидаги қаҳвахонада қанча ичганимни билсангиз эди! Тусиқнинг нарёғида ёлғиз «вольво» машинам мултабийб турарди. Ифлос стол устида садоқатли Фрося ўтириб олганча юзимни яламоқчи бўлар, ўқтин-ўқтин ғингшиб кўярди. Пештахта устидаги телевизор қўйиб қўйилган, қандайдир ахборот кўрсатуви намойиш қилинар, швед диктори аллақандай янгиликлар ҳақида сафсата сотар эди...

«Тушларимга кирди заъфарон кузак» – мен Пастерканинг мисраларини зўр уриб эслашга уриндим. – Тушларимга кирди заъфарон кузак... Гўё самолардан... Йўқ! Бундай эмас эди.

*Тушларимга кирди заъфарон кузак,
Дўстлар даврасида бўлдинг намоён...*

Кўққисдан телевизор экранида ўта таниш қиёфа кўрингандай бўлди... Мен оғирлашиб қолган қовоқларимни кўтардим, диққат билан тикилиб москвалик Веркани таниб қолдим!

Ва ғайришуурурий равища дикторнинг сўzlари қулоғимга кира бошлади:

«Вера Густавсон, рус фоҳишаси, кейинги йилларда Швецияда истиқомат қиладиган...»

– Салом, Верочка... – мен Веркага қўлларимни силкиб, унинг учун ичдим.

«...бир неча килограмм гиёванд моддани чегарадан олиб ўтаётганида қўлга олинган. Дастребки тергов чогида аниқланишича...»

Вера учун ичдим-да, столдан оғир сопол кулдонни олиб, телевизор экрани томон бор кучим билан улоқтирдим. Ойна чил-чил синиб, унча қаттиқ бўлма-

ган портлаш эшитилди ва Веранинг сурати ҳам ғойиб бўлди...

Сўнг кўрганим шу бўлдики, кўрқиб кетган ходима қиз сумкамни ушлаб туар, қаҳвахона хўжайини эса унинг ичидан ҳужжатларимни олиб, қаергадир қўнғироқ қиласарди...

Кейин янгишмасам, ўз «сааб»ида ўта хавотирили қиёфада Эдик келди, у ёнилғи қуиши станциясидаги қаҳвахона ходимаси Реяни ҳам бошлаб келган эди.

Улар мени аранг «сааб»га ўтқазиши, чунки мен жоиймдан қимиirlагим келмас, аксинча зўр бериб шеърнинг давомини эслашга уринардим:

*Гўё яраланган лочиндаи юрак,
Қўлларингга инди оҳиста, жонон...*

Рея менинг «вольво»мни юргазди, Эдик – ўз «сааб»ини бошқарди ва шу асно мени уйга олиб кетиши...

Телефон! Телефон! Телефон!.. О, жин ургур!.. Миямни пармалаётгандай жиринг-жиринг-жиринг! Ҳаммангиз қўшмозор бўлмайсизларми! Ҳаммангиз...

Телефон гўшагини пайпаслаб топиб, ёнгинамга ёстиққа қўйдим. Ҳатто кўзимни оча олмадим:

– Ким бу?.. Нима керак ўзи?

Русча валаклаётганимни пайқамайман ҳам. Телефон гўшагидан эса шведча овоз эшитиларди:

– Ларссон хоним, Ленинграддан сўрашяпти. Совет Иттифоқи. Ларссон хоним...

– Лаббай! Ҳа, ҳа! Эшитяпман! Ойижон?

Оғзим қуруқшаб қолган, бошим тарс ёрилай дейди, тилим қотиб қолган – аранг калимага келарди.

– Ойижон?

– Бир сония! Ўляпман...

Ён-атрофимга алангласам – ётоқхонада ёлғиз ётибман. Эдик, чамаси, ишга кетиб бўлган эди. Унинг ёстиғида Фрося мудрарди.

– Швециями? Салом?.. – русчалаб шундай дейишди.

– Ҳа! Ҳа! – шундай дея қичқирар эканман, минерал сувли йирик шиша идишни кутараман. – Ойи?

– Танька! Бу мен – Гулливерман... Гапимни бўлмасдан эшит! Кисуляни ашёвий далиллар билан қўлга олишди... Икки ярим минг «қўқ» и билан қўлга олдилар. У биринчи сўроқдаёқ ҳаммаси сеники эканини айтган. Тушуняпсанми?! Гўё бу долларни менинг гувоҳлигимда унга бергансан! Мени ҳам сўроқ қилишди – миқ этмадим; ҳеч нарса билмайман, ҳеч нарса кўрганим йўқ... Кисуля ҳаммасини сенга тўнкаяпти! Гўё жўнаб кетишинг арафасида мана шу икки минг долларни унга қолдирган эмишсан. Кейинчалик уларни сотиб, совет пуллари шаклида ойингга беришни Кисулядан илтимос қилганмишсан...

Бундан ҳам баттар тубанлик бўладими? Мени тутиб берадими, деб хавфсираган эдим! Эсингда бўлсин, Танька, бу ерга келишинг биланоқ қўлга олишади ва терговни бошлаб юборишади. Шунинг учун бу ерга келишга ошиқма! Ҳозирча у ёқда писиб ўтирганинг афзал!

– Буларнинг ҳаммаси бўлмаган гап! Бўхтон!!! – қичқирдим мен. – Симка! Симка, буларнинг ҳаммаси бўхтондан бошқа нарса эмаслигини яхши биласан, ахир!.. Тухмат! Яна бир неча кундан сўнг етиб бораман ва иккаламиз...

– У ёқда тамомила эсингни еб кўйибсан?! – бор овози билан қичқирди Симка. – Беш йилни шундоқ ёпишириб қўя қолишади, тушуняпсанми?! Тайёрадан тўппа-тўғри қамоқхонага элтишади! Ҳеч қандай айбинг йўқлигини исботлаганингча йўқ деганда уч йил ўтиб

кетади, аҳмоқ!.. Эсингда бұлсин – сендан қарздор жо-
йим йүқ: мендан хомтама бұлмай құяқол! Сизларни
деб бошини ғалвага құядиган аҳмоқ йүқ. Қылт этмай
жойингда үтиравер!

– Ойим бетоблигини биласан-ку!..

– Касал бұлса, тузалади. Қамаб қўйишса, сени қўрга-
ни қатнагани маъқулми? Ландовур лақма-ей! Ҳа, дар-
воқе!.. Наташа ўкувчи эсингдами? СПИДга чалинипти,
лаънати думбул суюқоёқ!.. Врачлар ҳеч қандай умид
йўқ деяптилар, ажалидан беш кун аввал тўнғиз қўпади-
ган бўлди!.. Хуллас, ҳозирча бор гаплар шу...

– Тўхтаб тур, Симка...

– Мени гапим тугади, – деди-да Симка телефон гўша-
гини қўйиб қўйди.

Энди нима қиласман? Нима қилсан экан? Наҳотки
бирон иложи бўлмаса?!

– Нима қилсан экан, Фрося?! – қичқирдим мен ва ку-
чукчамни чанглаб латта қўғирчоқдай силкита бош-
ладим.

Кейин уни улоқтирдим-да, телефон гўшагига ёпиш-
дим. Керакли рақамни териб, жаврай бошладим:

– Эдик! Тезда уйга етиб кел! Сендан ўтинаман!
Азизим...

– Олтига етиб бораман. Илтимос, спиртли ичимлик
ичма.

– Қанақа спиртли ичимлик?! Яна қанақа алкоголь?!
Нималар деяпсан! Сен менга айни паллада кераксан!
Ҳеч қачон ҳозиргидай зарур бўлмаган эдинг!.. Эдинъка,
қадрдоним, ёлғизгинам... Ўтинаман...

– Ишни ташлаб кета олмайман. Ўзинг кела олмай-
санми?

Сочларим тараалмаган, авф-ангормига оро берилма-
ган, эгнимига дуч келган нарсаларни илиб олган алфозда

Салем – Стокгольм шоҳ кӯчаси бўйлаб кетиб бораяпман, рўпарамдан келаётган машиналарнинг ҳайдовчилари аранг машиналарини четга олиб улгурадилар...

«Белитроник» фирмасининг машиналар учун ажратилган майдончасида содир бўлган машмашани кўриб, вазмин шведларнинг оғзи ланг очилиб қолган бўлса, ажаб эмас: биз Эдик билан машиналаримиз атрофида елиб-югурап, эшикларини қарсиллатиб ёпар, бир-биримизнинг қўлларимиздан тутиб силтаб тортар, иккаламиз ҳам гоҳ русча, гоҳ шведча сўзлаб оғзимиздан боди кириб, шоди чиқарди. Хуллас, шаҳарнинг муассасалар жойлашган қисми учун мутлақо нолойиқ томоша кўрсатардик.

– Ҳеч қаерга бормайсан! – қичқирди у. – Билет билан сенинг номингга очилган визани эртагаёқ ёптириб келаман ва билетни ҳам қайта топшираман! Сени ҳаддан ташқари яхши кўраман... Сенинг ҳаётингни хавф остига қўя олмайман! Ва дарҳол фуқаролигингни ўзгартирасан!..

– Бунинг яна нима кераги бор?! – унинг чангалидан қутилиб чиқдим.

– Бундай бемаъни қонун-қоидалар мавжуд мамлакатнинг фуқароси булишнинг ҳеч кераги йўқ! Бутун маданиятли дунёда валюта харид қилиб, сотиб ётибдилар – бунинг учун банклар, биржалар, давлатлар ўртасида рисоладагидай молиявий муносабатларнинг маҳобатли тизими йўлга қўйилган... Ва буларнинг ҳаммаси очиқдан-очиқ амал қилаётir. Сизларнинг мамлакатингизда эса нима учундир бундай қилиб бўлмайди!.. Бир давлатнинг пулини бошқа бир давлатнинг пулига алмаштиргани учун наҳотки одамни қамоққа олиш керак?!

– Ахир бизларда пул алмаштирганлик учун эмас, балки чайқовчилик учун ҳисбсга оладилар! Бунинг фарқи борлигини биласанми? – Мен Совет Иттифоқида ке-

йинги бир неча йил мобайнида ҳаётимни хавф остига қўйиб деярли ҳар куни чап берган қонун-қоидаларни беихтиёр ҳимоя қила бошладим.

– Ҳеч нарсани тушунишимнинг ҳожати йўқ! – қичқирди у. – Мен сени яхши кўраман... Сенсиз яшай олмайман! Сендан айрилиб қолишни истамайман! Паспортингни алмаштирамиз... Швеция фуқароси бўлиб олганингдан сўнг шафқатсиз совет қонун-қоидалари-нинг сенга ҳеч қандай дахли бўлмайди!

– Ойим нима бўлади?!

– Ойимни бир амаллаб бу ёққа олиб келамиз! Ҳозир бунинг иложи бор – ҳатто сизларнинг матбуотингизда бу ҳақда ёзаятилар!.. Мени ташлаб кетмасанг бас... Кетма... Сени бу ёққа қайта жўнатмайдилар! Ҳеч қандай гуноҳинг йўқлиги токи равshan бўлгунча, худо билади, қанча вақт ўтиб кетади!.. Бунга чидай олмайман... Эшитаяпсанми?..

– Эдинька! Ахир ойим касал ётибди!..

– Унга энг яхши дори-дармонларни харид қилиб юборамиз! Энг қимматларини! Мени ҳамон яхши кўрмаслигингни биламан... Лаънати мамлакатингдан бош олиб кетиш учунгина мен билан никоҳдан ўтгансан... Бироқ мен сени севаман, ахир! Шу боис сенсиз яшай олмайман... Нима десанг ҳаммасини жон деб қиласман. Спиртли ичимликлар ичмоқчимисан – ичавер. Фақат саломатлигингни йўқотиб қўймасанг бўлди. Хоҳласанг бошқа мамлакатга яшаш учун жўнаб кетамиз. Масалан, Австралияга... Янги Зеландияда яшашни ҳоҳлайсанми? У ерда ҳамиша иссиқ...

– Ё Раббий! Ё Раббий... Нима қилсам экан, Эдинька?! – алам билан қичқирдим мен ва деразалар ҳамда йўлакларда бизларни кузатаётган шведларни лол қолдириб, бир-биrimizning бағримизга отилдик.

...

Ленинграддаги хонадонимиз остонасида Толя Кудрявцев турибди.

– Алла Сергеевна, сизга сўнгги саволим. Расмийлаштириш учун эмас, балки шахсий савол, агар сизга малол келмаса, албатта.

– Бажонидил, – астагина розилик билдиради ойим.

– Таня чет элга жўнаб кетишидан олдин нима билан шуғулланганини ростдан ҳам билмас эдингизми?

Ойим миқ этмайдилар.

– Наҳотки шунча йил мобайнида ҳеч нарса пайқамаган бўлсангиз?

– Жавоб беришим шартми? – алам билан сўраган ойим.

– Йўқ, – тез жавоб қайтарган Толя. – Хоҳишингиз...

– Биласизми, Анатолий Андреевич, балки бу сизга галати ва ёлғондай туюлар... Лекин Таня мени, мен эса қизимни авайлар эдим. – Ойим хиёл сукут сақладилар-да, қўшиб қўядилар: – Жуда-жуда авайлар эдик.

– Тезроқ соғайиб кетинг, Алла Сергеевна. Яхши қолинг, – Толя шундай дея чиқиб кетади.

Толянинг машинаси уйимизнинг олдидан жилиши билан Козел беш ўртоғи билан келиб қолади. У машинанинг кетидан қараганча, оғайниларига бир қути америка сигаретаси тутар экан, шундай дейди:

– Бироз ўтира туринглар. Алла Сергеевнага бирон нарса керак эмасмикан, билиб тушаман.

Болакайлар йўлагимиз олдидаги ўриндиқقا жойлашиб, ранг-баранг чақмоқтошларни чиқариб, ошкора чека бошлайдилар...

Козел ўз калити билан эшикни очиб киради. Ойим ошхонада болалигимда тушган суратларимни кўраётган бўладилар.

- Кимдир келдими? – шубҳаланиб аланглайди Козел.
- Таня билан илгари бирга ишлаган танишларидан бири келган эди.
- Нима учун ички ишлар хизматига қарашли машинада юришибди?
- Нималар деяпсан? – тушуна олмайди ойим.
- Үзим шунчаки... Ҳеч нарса керак эмасми, Алла Сергеевна?
- Агар малол келмаса, Юрочка, почтага бориб келақол. Таняга шошилинчнома жұнатиш керак. Мана матни. – Ойим Козелга битта дафттар вараги узатади. – Бу матндардың сүзлар русча, фақат лотин ҳарфлари билан ёзилған. Шошилинчномага күчириб ёза оласанми?
- Нима деб ёзилған?
- «Анча яхши булиб қолдим. Ҳозирча келишинг шарт эмас. Ойинг». Ба манзил.
- Шунинг үзини күчириб ёzsам бұлдими? – Козелга матн ёқмаган эди.
- Ҳа. Фақат лотин ҳарфлари билан. Мана пули.
- Бұлти, – деган Козел. – Кейин биз болалар билан бир жойга бориб келмоқчи эдик.
- Бемалол бориб келавер, – тез розилик берган ойим.
- Козел почтада ичиб олған үттис ёшлар атрофидаги ҳовлиқма йигитнинг кетидан навбатга турған.
- Почтада икковидан бұлак ҳеч ким бұлмаган, «Шошилинчномалар ва пулларни қабул қилиш» деб ёзилған ярим ой шаклидаги дарча ортида үтирган ёшгина қизалоқни ҳисобға олмаганда, албатта.
- Олдинда турған йигит бир даста **үн** сүмликлардан уч юз **сүм** ажратиб, қолған икки юз сүмни күрткасининг чүнтагига қайтариб солиб құяди ва қызчага құлидаги қоғозни узатади:
- Энди түғри ёзилибдими?

– Бу бошқа гап. – Ва қизча уни расмийлаштиришга киришади.

Козелнинг гумашталари кўчада нимадир тұғрисида баҳслашар эдилар, уларни йирик ойна орқали куриб турарди. Кейин у олдида турган йигитнинг чўнтағига назар ташлайди: бир даста ўн сўмликлар оҳанрабодай тортиб, йигитга бақамти келади.

– Ҳақини ким тўлайди? – сўрайди қизча.

– Айборман, айборман, айбдор... – маст йигит ғулдираганча чўнтағига кўл солади.

Козел ўзини орқага олади. Йигит чўнтағидан ўнталикни олиб, пештахтага шапиллатиб уради:

– Марҳамат қиласилар!

Козел унинг чўнтағига қолган пулларни сездирмай чиқариб олади-да, рўпарасидаги бир тўп шошилинчнома варақалари тагига тиқиб қўяди. Ва ҳеч нарса билмагандай турли почта эълонларини кўздан кечира бошлайди.

Йигит квитанцияни, қайтимни олиб, имкон борича дадил қадам ташлаб кўчага чиқади. Козел дераза орқали уни дикқат билан кузатади.

– Шундай тураверасанми? – сўрайди қизча.

– Айборман, айбдор... – Козел маст йигитни масхара қилгани қизгача хуш ёқиб кулади.

Козел дафтар варагининг ўртасидан буклаб фақат манзилни қолдирди-да, дейди:

– Мана манзил. Чет элга юборилади. Шошилинчнома варагига лотин ҳарфлари билан ёза оласанми?

– Нимани ёзиш керак?

– Ҳозир... Ёз: «Тезда етиб кел. Ойингнинг аҳволи оғир. Козел».

– Яна қанақа Козел?

– Оддий. У ёқда ўзлари тушуниб оладилар. Ёз, ёз.

Козел деразага қараб олади – маст йигит қайтиб келиши ҳам ҳеч гап эмас.

– Уч сүм олтмиш икки тийин.

Козел беш сүм узатиб, квитанция ва қайтимни олади. Бир дақиқа тұхтаб, яна бир ойнага қараб олади. Йигит күрінмасди. Дераза ортида гумашталар сигареталарини бурқситиб чекар әдилар.

– Бир-икки дона шошилинчнома варагидан олсам майлими?

– Менга деса ҳаммасини ол.

– Раҳмат, жуда катта раҳмат, ажойиб қызы экансандада! – Козел қувонганидан ирғишлиар экан шошилинчнома варактарини бир даста үн сүмликлар билан чүнтағига уриб күчага чиқади.

– Қани, кетдик! – оғайнилариға шундай деб қичкирар экан үзини нарироқдаги үйнинг панағига олади. Шу ерда тұхтаб, атрофға бир қараб олғач, оғайнилариға күзини қисиб дейди:

– Сизларға антиқа томоша күрсатаймы, жанблар! У шошилинчнома вараклари орасидан бир даста үн сүмликтен чиқаради.

– Марра бизники, болалар! Ҳозиргина пул олдим.

– Яшшавор, Козел! Үзингдан зўри йўқ-да!.. – уни мақтайди оғайнилари.

Болалар үйимизга кираверишдаги ўриндиққа яна жойлашадилар, Козел оғзи қулоғида: «Ҳозир!.. Квитанция билан қайтимни бераману, қайтиб чиқаман!» – дея бизнинг тұртинги қаватдаги хонадонимизга чопқиллаб кетади.

Козел учинчи қаватга чиққанида югуришини секинлаштирап экан, қандайдир бадбүй ҳиддан хавотирга тушади. Атрофига аланглаб, кичик ахлат чөлагининг қопқоғини күтәради. Бироқ бадбүй ҳид чөлакдан эмас,

балки юқоридан келаётган эди. Козел гап нимадалиги-ни англайди-да, икки хатлаб, тұртингі-қаватта чиқади.

Бу ерда чидаң бұлмас даражада құланса ҳиддан Козел йұтала бошлайды, оғзи аччиқ сұлак билан тұлиб, құнгли айнийди. Бадбүй ҳид әшигимизнинг тагидан чиқаётганини Козел пайқаб қолади!

Почта квитанцияси ва ойим берган беш сүмдан қайтимни тушуриб юборган Козел құллари титраганча әшик зулфига калитни тиқишига уринади... Нихоят қулф очилади. Козел әшикни очишга очади-ю үзини орқа олади – унинг афтига гупиллаб бадбүй газ ҳиди урилади.

– Алла Сергеевна!.. – Козел қичқирғанча оғзи ва бурнини құллари билан беркитиб, уйимизга киради.

Деразалар тақа-тақ ёпилған. Ошхонадан пишиллаган овоз әшитилади. Козел қайт қилиб юборади. Енги билан оғзини артар экан, ошхонага бөш суқади ва полда үтирган ойимга, сочилиб ётган суратларға ҳамда газ плитасининг очиб қўйилған духовкасига қўзи тушади. Козел газ ҳидидан бўтилиб йиғлар экан, газ камфоркалари ва духовкасини ёпиб, зўр бериб деразани очишга уринади. Саросимага тушганидан деразани оча олмайди. Шунда у ошхонадаги тарелкани олиб зарб билан ойнага уради.

Ошхонага тоза ҳаво ёпирилади. Козел қон сизаётган құллари билан ойимнинг устки кийимидан ушлаб йўлакка судрай бошлайды.

– Алла Сергеевна!.. – Козел қўрқиб кетганидан дод солиб йиғлайды. – Алла Сергеевна!.. Бирортангиз қўмаклашиб юборсангиз-чи!.. Одамлар!.. Одамлар!!! Қаердасизлар!

У ойимни аранг зинага олиб чиқади ва қўшни әшикни ура бошлайди.

– Ёрдам беринглар! – Козёл дод солиб қичқиради. – Бирортангиз ёрдам берсангиз-чи, лаънати гўрсўхталар!

Биронта ҳам эшик очилмайди... Куппа-кундуз... Ёз...
Қолаверса, энди ҳеч қандай ёрдамга ҳожат қолмаганди.

– Ёрдам беринглар... – Козёл шивирлаганча ҳолдан
тойиб ойимнинг ёнига үтириб қолди.

Унинг овозида олифталарча оҳанг, ҳеч қандай сурбетлик йўқ эди. Оқшомлари машиналарни шип-ший-дон қилиб кетадиган, уйларнинг ертўлаларида қизларни бузадиган ва бўри тўдасидай ёпирилиб, ҳар қандай барваста эркакни ҳам довдиратиб қўядиган каллакесардан қолишмайдиган кўчабезорилар қўрбошисини бой бергандilar.

Кексайиб қолган қотма ойимнинг жасади ёнида қўрқанидан ранги бўзариб кетган ўн беш ёшлардаги болакай чўнқайиб үтирас, ўксиб-ўксиб йиғлаганидан ва қўрқувдан аъзойи бадани дағ-дағ титрар эди, чунки у умри давомида илк маротаба үлимга дуч келганди.

Мен нонкўр эса Ленинграддан тайёрада атиги бир ярим соатлик масофадаги икки қаватли уйимда үтирганча қаттиқ ёз ёмғири томга ва деразаларга қандай шиддат билан урилишини томоша қилиб үтирас эканман, буларнинг барчасидан мутлақо бехабар эдим. Мутлақо! Ҳеч нарсадан хабарим йўқ эди! Ҳеч нарсадан!

Эшик қўнғироғи жиринглаганда деразадан қараб, ёмғир сувлари шувиллаб тушаётган ойнадан Салем почта хизматининг митти машинаси деворимиз ортида турганини, эшигимиз олдида эса таниш почта хизматчиси – Уолтер Меллерни кўрдим.

Мен олисдан бошқариш мосламасининг тугмачасини босишим билан эшик очилиб, Меллер уйимиз томон кела бошлади. Мен унга пешвоз чиқдим.

– Хайрли оқшом, Ларссон хоним, – жилмайди Миллер. – Сизга шошилинчнома. Россиядан.

– Катта раҳмат, жаноб Меллер, раҳмат... – хавотирга тушдим мен ва Уолтерга бир неча крон узатдим.

Меллер таъзим қилди ва мен уйга кирмай йўлакнинг ўзидаёқ шошилинчномага кўз югуртиридим. Унда лотин ҳарфлари билан шундай деб ёзилган эди: «Тез етиб кел. Ойингнинг аҳволи оғир. Козёл».

Рўпарамда швед телефонлар маълумотномаси ётарди.

Чет элда яшай бошлаганимдан буён ярим йил мобайнида илк даъва Совет Иттифоқининг расмий вакилига мурожаат қилдим.

– Ассалому алайкум! Совет Аэрофлотининг вакилимисиз? Сиз билан Совет Иттифоқининг фуқароси – Татьяна Николаевна Зайцева гаплашашапти... Умуман, ҳозир фамилиям Ларссон... Шу ерда Швеция фуқаросига турмушга чиққанман... Кечирасиз. Ленинградга шу ойнинг охирига самолётга билет харид қилгандим, мен эса бугуннинг ўзидаёқ учишим даркор. Ҳозироқ... Йўқ, САС компаниясининг самолётига билет харид қилганман. Шошилинчнома олдим... Ҳозиргина. «Зудлик билан етиб кел. Онангнинг аҳволи оғир...» деб ёзилган экан. Бундай шошилинчнома бехуда берилмаслигини биласиз-ку. Илтимос қиласман! Қолаверса, юртимда бундан бошқа муҳим ишим ҳам бор. Давлат аҳамиятига молик бўлса ҳам ажаб эмас. Танишларимдан бирига тұхмат қилишган. Уни фақат мен күтқаришим мумкин... Нималар деяпсиз! Улгурман, албатта улгурман! Енгил автомобилим бор... Раҳмат! Жуда катта раҳмат!

Мен телефон гўшагини жойига қўйиб, кўлимга илинган лаш-лушларимни йиғишишга киришдим.

– Ойимнинг аҳволи оғирлашиб қолибди, Фрося! – гулдирав эдим мен. – Ойимнинг аҳволи оғир... Жўнаб кетишимиз шарт! Бу ерда бир дақиқа ҳам қолишга ҳаққимиз йўқ...

Үн дақиқа ҳам ўтмасдан иккита бесұнақай сумка-ни гаражга аранг олиб тушиб, «Вольво» машинамнинг юхонасига жойладим-да, уни күчага ҳайдаб чиқдим. Уйимизнинг ҳамма эшикларини беркитиб, Фросяни ҳам машинаға чиқардим ва ҳовлимизга ўрнатилган дарвозани очиб, құшнимиз томон қичқирдим:

– Хёльстрем хоним! Хёльстрем хоним!..

Құшни аёл ҳарир ёмғирпүшда шамсия тутганча чо-пиб чиқди:

– Тинчликми, Ларссон хоним?

Мен уйимизнинг калитини унга тутқазиб, дедим:

– Хёльстрем хоним! Құшнидан қарзга туз сұраш шведларнинг тамойилига биноан яхши эмаслигини билиб олдим. Бирок уйимизнинг калитини эримга бе-риб құя олмайсизми? Сизга малол келмаса, албатта. Машинани эса аэропортда, тайёрагоҳда қолдирман.

– Ҳечқиси йўқ, Ларссон хоним, ҳечқиси йўқ. Телефон орқали қўнгироқ қилиб, эшик олдига чиқишимни ил-тимос қилганингизда бутун қўчани бошингизга кута-риб қичқиришингизга ҳожат қолмаган бўларди.

– Ҳеч хаёлимга келмаганини қаранг-а. Келгуси са-фар, албатта шундай қиласман. Саломат бўлинг, Хёльст-рем хоним!

– Оқ йўл, Ларссон хоним.

Уйимиздан Стокогольм тайёрагоҳигача бир нафас-лик йўл: атиги ўттиз чақирим. Жуда нари борса, ўттиз километр чиқса керак.

Мен миттигина «Вольво» машинамни ғира-ши-ра кечки ёмғир остида ҳайдаб борар эканман, ҳўл ас-фальтда рўпарамдан келаётган машиналарнинг чироқ-лари товланиб, кўзимни қараштиради.

– Қамаб қўйишса, қамайверишсин... Ҳаммаси адод-латли бўлса, бас! Ҳокимият ҳам, қонун-қоидалар ҳам

уларнинг ихтиёрига айни мана шунинг учун бериб қўйилган ахир! – Фросяга шундай дея қичқирав эканман, олдинда кетаётган юк машинасини қувиб ўтдим.

– Йиртқич эмас, ахир одам улар ҳам! «Икки ярим минг доллар қаёқдан пайдо булиб қолди?» дейман уларга. – Меҳмонхонадаги маҳсус хизмат ходимлари менга ҳамиша ишонган! Улар ҳам тентираб юрган дайди-саёклар эмас!.. Ленинград шаҳар ижроя қўмитаси қошидаги жиноий қидирув бошқармаси бўлимининг ходимлари!

Уларнинг ҳаммаси мени отнинг қашқасидай танийди! Ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигимни ҳар биттаси тасдиқлаши мумкин... Ҳа-я, битта япон менга етти юз эллик «куки»дан ҳадя қилганди.

Бироқ уларни совет пулларига алмаштириш мақсадида сотганимни исботлаш керак бўлади!..»

Рўпарадан келаётган машиналарнинг чироқлари кўзимни очирмаяпти-я!.. Асфальтнинг ялтирашини кўрмайсизми. Жин урсин!.. Олдиндаги машинанинг аравадай имиллаётганига нима дейсиз!..

Салгина суриссанг, ҳақинг кетиб қоладими, лаънати! Ўнгроққа олсанг-чи... Наҳотки мени пайқамаётган бўлсанг? Аҳмоқ! Кечикяпман ахир! Инсоф бергани рост бўлсин-эй!..

Яна машинамнинг тезлигини ошириб, Сёдертелье – Стокогольм йўналиши билан қатнаётган автобусни қувиб ўтаман.

– Ўқувчи қиз СПИДга чалингани наҳотки рост бўлса?! Вой худойим-эй! Наҳотки уни даволашнинг имкони бўлмаса?..

Хўл асфальтда машинамнинг ғилдираклари тойиб кетиб, йўлдан чиқиб кетишинга сал қолади, лекин уни ўнглаб олиб, тезликни камайтирмай йўлда давом эта-ман...

Қолаверса, Фрося, айни бугун Ленинградга боришим кимнинг ҳам хаёлига келган эди. Кеча-ю кундуз йўлимга қўз тикиш кимга ҳам керак? Бу бўлмаган гап, албатта! Борганимдан сўнг уч, тўрт кундан кейин хабар топишса ҳам катта гап. Симка ҳам имонидан бутунлай воз кечиб юбормагандир... Қолаверса, бу ишнинг бўлиб ўтганига қанча бўлди-ю? Бир ярим йил муқаддам! Ҳаммаси бўлмаган гап! Исботлашсин. Кисуля нимаики деган бўлса дегандир, ҳаммасига унинг ўзи жавоб бераверсин, мени эса тинч қўйинглар!.. Мен ойимни кўргани келдим. Ўз ойимни...

Яна бир имиллаган машина олдимни тусиб олганча ҳа деганда йўл берай демасди. Сигнал чаламан, машинамнинг чироғини ўчириб-ёқиб, ўtkазиб юборгин ахир, дегандай ишора қиласман, қани нафи бўлса! Уни қувиб ўтиш учун ҳаракат қилишим билан рўпарадан келаётган машинага тўқнашиб кетишимга бир баҳя қолди... Яхшиямки, лаънати машинасини ўз вақтида четга олди!

– Эдик шўрликка раҳмим келаяпти-да, Фрося... Бечора Эдиккинам! Йиглаб юборай деяпман. Эндиғина одам қаторига кира бошлагандим!.. Етимнинг оғзи ошга етганда бурни қонайди деганлари шумикан? Ё Раббий! Кимга меҳр қўймай ҳаммаси мен сабабли баҳтиқаро бўладилар-а...

Ростдан ҳам йиғлаётганимни сезиб қолдим. Шашқатор қўз ёшларим машинани бошқаришимга халақит берарди. Камига ёмғир ҳам тина қолмасди. Охири баҳайр бўлсин-да!..

– Ойимни бориб кўрмаслигимнинг иложи йўқлигини тушуниши керак ахир?! Ота-оналарига улар бошқачароқ муносабатда бўладилар, биз руслар эса бутунлай ўзгача муносабатда бўламиз. Онанг борми, унинг ҳолидан тез-тез хабардор булишинг шарт! Шундай хайрли ишни канда қиласант бас, қолган кўргиликка чидаш

мумкин. Тайёрагоҳда қўлга олавермайдиларми! Мабодо шундай қылсалар, «Маъзур тутасизлар, агар эслихушли одамлар бўлсангиз, ойимнинг ёнида бир кечакундуз бўлишимга рухсат беришларингиз даркор. Мен ойимни кўриш ниятида йўлга чиққанман, албатта кўришим шарт...», деганим бўлсин.

Олдинда бораётган машинани қувиб ўтиш учун тезликни оширдим, бироқ айни паллада рўпарамдан қўққисдан пайдо бўлиб қолган улкан машинанинг чироқлари кўзларимни қамаштириб юборди! Ҳеч нарсани кўрмай қолганим учун тормозни босишга уриндим. Бироқ ҳўл асфальтда машинам айланиб кетди ва сўнгги эшитганим ва пайқаганим шу бўлдики, нимадир зарб билан машинамга урилди, нималардир қарсилаб синди... аллақайгадир учиб тушдим!..

Тубсиз қоронғу бушлиққа томон учар эканман; «Ойижон!... Ойижон!.. Ойижон!..» дея жон жаҳдим билан қичқирганимга қарамасдан овозим чиқмасди.

«ЧОФРОҚ «ВОЛЬВО-343» АВТОМОБИЛИ ТЎНКАРИЛГАН ҲОЛАТДА ЙЎЛНИ КЕСИБ ЎТИБ, ЙЎЛ БЎЙИГА ЎРНАТИЛГАН МЕТАЛЛ ТУРНИ ТЕШИБ, «ГОЛЬФ» ЁҚИЛГИ ҚУИШ СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ЧИРОҚЛИ РЕКЛАМАСИ ЎРНАТИЛГАН ТЎРТТА БЕТОН ТЎСИНГА УРИЛГАН.

ЕНГИЛ МАШИНА ШУ ҚАДАР КАТТА КУЧ БИЛАН УРИЛГАНКИ, ОҚИБАТДА ИККИТА БЕТОН УСТУН ҚУЛАБ ТУШГАН, ЧИРОҚЛИ РЕКЛАМА ЭСА ИШДАН ЧИҚҚАН. МИТТИ «ВОЛЬВО-343» ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ ЭСА ПОРТЛАГАН ҲАМДА ГИРА-ШИРА ОҚШОМ БАҒРИНИ ЁРИТГАНЧА, ЛОВУЛЛАБ ЁНИБ КЕТГАН...»

Илиққина оппоқ тун қўйнида уйқу оғушидаги Ленинград оралаб, тоза ювилган сариқ қум юклангандекема Нева бўйлаб сузид боради.

Кум юкланган кема дарё бўйлаб оҳиста сузиб бораркан, «Лангар ташланмасин!» дея илтижо қилгандай соҳил бўйлаб иншоот ва иморатлар ортда қоларди...

Ёзги боғнинг ялтироқ панжаралари...

... турли замонларда ва даврларда тикланган бинолар...

... ва ёнгинасидаги пандусда мудраётган автомобиллар саф тортган улкан Интурист меҳмонхонаси...

Меҳмонхонанинг ўн бешинчи қаватида ажнабийларга валюта ҳисобига хизмат кўрсатувчи қаҳвахона ҳам ишлар эди.

Кираверишнинг рўпарасида чоғроқ стол атрофида ўзига ҳаддан ташқари оро берган Сима Гулливер бир жуфт қария инглизлар билан суҳбатлашар эди. Уларнинг сўзларини диққат билан тинглар, икки гапнинг бирида оғзи қулоғига етиб тиржаяр, галма-галдан маъноли термилар эди... Аёл эмас, баайни ҳурилиқонинг ўзгинаси!

Қаҳвахона эшигига илкис қараган ҳам эдики, юзи табассумдан ёришиб кетди.

Қаҳвахона остонасида сув париларидан қолишмайдиган Лялька жилмайиб турарди.

У шу қадар башанг кийинган эдики, эгнидаги қимматбаҳо кийимлар асли ким эканини яққол кўрсатиб турарди.

– Хелло жаноблар!.. – деди Лялька.

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм	3
Иккинчи қисм.....	98

Владимир КУНИН

БАЛОЙИ НАФС

Қисса

Муҳаррир: Наврўз БЕКМУРОДОВ
Бадиий муҳаррир: Ўткир ТОЖИБОЕВ
Техник муҳаррир: Иномжон ЎСАРОВ
Мусаҳҳих: Акбарали АШУРОВ

Нашриёт лицензияси: AI № 255, 31.12.2014.

Теришга берилди: 20.12.2019.

Босишига рухсат этилди: 31.01.2020.

Офсет қофози. Қоғоз бичими: 84x108^{1/32}.

Charter гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 7,2. Шартли б.т.: 8,4.

Адади: 5000 нусха.

Буюртма № 75.

«Yangi kitob» нашриётида нашрга тайёрланди.

100138, Тошкент шаҳри Учтепа тумани

Чилонзор даҳаси 13 мавзе 45 уй.

Тел.: (+99891) 132-36-64, (+99890) 992-35-01

e-mail: yangikitob@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кӯчаси, 86 уй.

30.000 c.



Таникли рус адаби Владимир Кунин 1927 йили Ленинградда кинорежиссёр оиласида туғилган. В.Куниннинг эътирофига кўра, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ленинград камалининг дастлабки ойларида онаси нобуд бўлади, уни Ўрта Осиёга эвакуация қилишади. Бошқа бир интервьюсида, аксинча, 1943-1952 йилларда совет армияси сафида хизмат қилганини айтади.

В. Кунин ҳатор хикоялар, қиссалар ва романлар муаллифи бўлиб, унинг асарлари асосида ўттиздан ортиқ фильмлар суратга олинган ва бу фильмлар ўз даврида машҳур бўлган.

Адабнинг "Балой нафс" ("Интердевочка") қиссаси асосида ҳам бадиий фильм яратилган. Бу қисса дастлаб 1988 йилда "Аврора" журналида чоп қилинган. Адаб бу қиссани ёзишдан олдин раҳбариятнинг рухсати билан валюта операцияларини ва валютага сотиладиган суюқоёкларни назорат қилиш гурухида тўрт ой фаолият юритади. Бинобарин, "Балой нафс" қиссасидаги воқеалар ҳаётий негизга эга.

Владимир Кунин 1994 йилдан қочоқ сифатида Германияда яшаган ва 2011 йилда Мюнхен шаҳрида вафот этган.



ISBN 978-9943-63280-6



9 789943 632806